

К. С. И. (Эрси)
К. А. 24 8СМ



Муҳаммад Авфий
НОДИР ҲИКОЯЛАР

И (Иран)
А 24

Форс тилидан тарих фанлари кандидатлари
ИЛЕС НИЗОМИДДИНОВ ва ТУРГУН ФАЙЗИЕВ
таржимаси

Авфий Муҳаммад.


Нодир ҳикоялар. Форс тилидан И. Низомиддинов ва Т. Файзиев
таржимаси. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
204 б.

Муҳаммад Авфий XII асрнинг охири XIII аср бошларида яшаган бухоро-
лик машҳур адиб ва тазкиранависдир. Унинг «Лубобул-албоб» («Идрок ху-
лосалари») асари ilk тазкиралардан. Авфий қаламига мансуб «Жавомнул-
ҳикоёт» тарихий ва фольклор материалларига асосланиб ёзилган бўлиб, унинг
ўша давр ижтимоий шаллатларини фох қилувчи ва юксак инсоний фазилат-
ларни мадҳ этувчи хислатларини кўнгини Европа ва Шарқ тадқиқотчилари
таъкидлаганлар. Маазур тўпламга кирган ҳикоялар «Жавомнул-ҳикоёт» дан
танлаб олинди.

Авфи М. Избранные рассказы.
И (Иран)

А 70304—115
352(06)—77 87—77

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 й.
(тарж.)



МУҲАММАД АВФИЙ

Муҳаммад Авфий XII асрнинг охири чораги ва XIII асрнинг
биринчи ярмида яшаб ижод этган, ўз даврининг пешқадам олими,
моҳир таржимони ва йирик адибларидандир. Унинг ҳаёти ва ижоди
ҳақида дастлабки маълумот ундан бир аср кейин яшаган Ҳамидилло
Муставфийнинг «Тарихи гузида» асарида учрайди. Унда: «Нуриддин
лақабли Муҳаммад ибн Авфий, «Жавомнул-ҳикоёт»нинг соҳиби, мў-
ғуллар ҳокимиятининг дастлабки давларида яшади», деб кўрсатила-
ди. Сўнг Ғиёсиддин Хондамир «Ҳабибус-сийяр»да Авфийнинг Шам-
сиддин Элтутмиш даврида Деҳлида яшагани ва ўз китобини унинг
вазирини Низомулмулк бин Абусайд Жўнайдий номига бағишлаб ёзга-
нини айтиб ўтади.

Адибнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда ҳозирги замон олимлари
ҳам анча салмоқли тадқиқотлар яратдилар. Бу ўринда Эрон олими
Муҳаммад бин Абдуваҳоб Қазвиний, Ҳинд тадқиқотчиси Муҳаммад
Низомиддин ва Эрон профессори Муҳаммад Тақи Баҳорларнинг
номлари диққатга сазовордир.

Олим тахминаан 1172—1177 йилларда Бухорода илм аҳли оила-
сида тугилди. У она шаҳри Бухорода Дари Форихок мадрасасида
замонасининг пешқадам олим ва мутафаккирлари: Рукниддин Масъ-
уд Имомзода Бухорий, қонушувос Али Бурҳон (Тождиддин Умар
бин Масъуд), машҳур хаттот Қутбиддин Сарахсийлар қўлида таҳсил
кўрди. Чамаси, 1201 йили Авфий Самарқанд вилоятининг ҳокими
Султон Жамолиддин бин Ҳусайн Тамғочхоннинг саройига чақири-
либ, у ерда ўтказилган адабий мунозараларда иштирок қилган. Са-
марқанд ҳокими Илекхон даврида эса, у сарой котиби лавозимда
ишлайди. Қўп ўтмай Авфий ўз илмининг камолотга етказиш иштиёқи-
да узоқ йиллик сафарга чиқиб, 1204—1205 йилларда Хоразмга кела-
ди. Авфий бу ерда Нажмиддин Кубро, Шайх Мажиддин Шараф
бин Муайяд Бағдодий каби улуғ олимлар суҳбатига бўлиб, шу йили
у Нисо орқали Хуросон вилоятига келади.

Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200—1222) даврида Нишопур шаҳри маърифат ўчоғига айланган эди. Бу ерда у форс ва араб тилида ижод этган шоирлар ижодини, шеър ёзиш услубларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш билан машғул бўлади. Авфий Нишопурдан Тус, Хирот ва сўнг Сейстонга келади. Марвда бўлади; кейин Бухорога қайтиб келади. Лекин, Бухорода кўп турмай, яна сафарга отланади. У Эрондан Ғазнага етиб келганда мўғулларнинг Урта Осиёга қилган ҳужумлари ҳақидаги хабарни эшитади ва Ғазнадан Ҳиндистонга йўл олади. Шундай қилиб, Авфий кўпгина ўрта осийлик ва хуросонлик сиёсий арбоблар, илм-фан аҳллари қаторида (1222 йили) Ҳиндистонга келиб, бу дунёни ўзининг иккинчи ватани деб билади.

Авфий Ҳиндистонда аввал Уч (Учх) вилоятининг ҳокими Носириддин Қабоча хизматига киради. Унинг вазирини Фахриддин Хусайний бин Разийиддин Абу Бакр номига бағишлаб «Лубобул-албоб» тазкирасини ёзади. Шундан сўнг Авфий Гужарот ўлкасига қози қилиб тайинланади. Шу йиллари у Қанбойта Танухийнинг¹ «ал-Фарраж»² китобини арабчадан форсий тилига таржима қилади. Шундан сўнг олим ўзининг иккинчи катта асари «Жавомнул ҳикоёт»ни ёза бошлайди. Авфий 1227 йилдан бошлаб Деҳлида яшай бошлайди ва шу ерда 1233 йили вафот этади.

Муҳаммад Авфий ўз илмий-ижодий фаолиятини тазкиранависликдан бошлайди. Унга қадар форс тилида ижод этган шоирлар ҳаёти ва ижодига бағишланган иккита асар ёзилган. Булардан бири, Абутоҳир Хотуний (X аср охири — XI аср бошларида яшаган) ва иккинчиси, Низомий Арузи Самарқандийнинг асаридир. Хотунийнинг асари «Маноқибун-шуаро» («Шоирларнинг гўзал хислатлари») деб аталади. Низомий Арузи Самарқандийнинг (XI асрда яшаган) «Чаҳор мақола» асари эса, шоирлар билан бир қаторда олимлар, давлат арбоблари ҳамда бошқа машҳур шахслар ҳақида ҳам маълумот беради ва шунинг учун бу асарнинг тазкира деб юритилиши тўғри эмас. Демак, «Маноқибун-шуаро» тазкирасининг йўқолиб кетганлиги ва «Чаҳор мақола»нинг эса тазкира эмаслигини ҳисобга олинса, у Авфийнинг «Лубобул-албоб» («Идрок хулосалари»)³ китоби форс тилида ижод этган шоирларга бағишланган ва бизгача етиб келган биринчи тазкира асаридир. Муҳаммад Авфийнинг таъкидлаб кўрсатишича, «Лубобул-албоб»га қадар «Табақоти ибн Салом», «Табақоти Қутайба», «Ятимат уд-даҳр» (муаллифи Абумансур Саолибий) ва бошқа тазкиралар ёзилган. Лекин улар араб тилида ижод этган шоирларга бағишланган бўлиб, ажам (араб бўлмаган форс-тожик тилида ижод этган) шоирлари ҳақида шу вақтгача бирон-бир асар тасниф этилмаган.

Авфийнинг «Лубобул-албоб»ни жуда нодир асарлардан ҳисобланиб, унинг қўлёзма нусхалари Манчестер ва Берлиндаги қўлёзмалар фондида сақланади. Унинг бир нусхаси эса Эрон кутубхоналаридан бирида мавжудлиги ҳам тахмин қилинади. Чунки, Эрон олими

Ризоқулихон «Мажмаъул-фусаҳо» асарини ёзишда Авфийнинг зикр қилинган асаридан фойдаланганлигини таъкидлаб ўтган. Бу ерда шундай бир қизиқ фактни эслатиб ўтмоқ зарур: инглиз олими Эд. Броун «Британия музейи» кутубхонасида Саййид Али Хусайний номи кишининг 1591 йилда ёзилган «Базм оройи» деган тазкираси мавжудлигини ва бу асарнинг бекаму кўст «Лубобул-албоб»дан кўчирилб олинганлигини, лекин китобнинг ҳеч бир ерида Авфийнинг номи тилга олинмаганлигини ҳикоя қилади.

«Лубобул-албоб» ўн икки бобдан ташкил топган. Биринчи, тўртинчи бобларида шеърини нима, шеър битиш илми ҳамда араб ва форс тилларида биринчи шеър ёзган шахслар борасида сўз юритилади. Асарнинг бешинчи боби — Мовароуннаҳр, Хуросон, Нимруз (Сейстон), Ироқ, Ғазна ва Жибол (Лоҳур)нинг шеър ёзган хоқонлари, султонлари, олтинчи бобида эса вазир ва садрлари ҳамда уларнинг шеърлари ҳақида баҳс этади. Еттинчи боб уламо ва фузало шоирлар ижодига бағишланган. Ушбу бобда олим ўз бобоси Абу Тоҳир Яҳё Авфийнинг йирик олим ва фозил киши бўлганлигини таъкидлаб, унинг шеърини лавҳаларидан бири «То чанд?» («Қачонгача?»)ни мисол тариқасида келтиради ва, «бу шеър халқ аҳволини ёлғон тушунтиришга қарши ҳамда эшонани ўзгартириш лозимлиги ҳақида айтилгандир», деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ўн олти сатрлик мазкур ғазалида Абутоҳир Яҳё Авфий халқининг зулм-заҳмат чекиши, товламачи (ҳоким синф)лар томонидан алданиши, бу хилдаги алдаш учун диннинг қурол қилиниши қачонгача давом этади, деб мавжуд тузумдан нолийди, зорланади. Шоир, айниқса халқларнинг ирқий-диний камситилишларига қарши ғазаб туғенини кўтаради:

Пайдо шундан миёни мусулмон андарун
Туркию, румиёну ҳинди ҳисолҳо,
Бо қавми боязид ва шибли ва жунайд,
Пайдо шудан зи халқ язида фаъолҳо?!

Мазмуни:

Мусулмон (халқлари) орасида
Сен турксан, румий, ё сен ҳинд деб
ажратиш, қачонгача.

Боязид, шибли ва жунайд қавмидан сен,
Язид халқидан сен, деб камситиш қачонгача?

Тазкиранинг саккизинчи бобида тоҳирийлар, саффарийлар ва сомонийлар ҳамда тўққизинчи бобида носирийлар (илакхонлар), ўнинчи бобида эса, салжуқийлар сулолалари ҳукмронлик қилган

даврларда яшаб ижод этган шоирлар ижоди ҳақида қисқача, аммо қимматли маълумотлар берилди. Учинчи ва ўн биринчи бобларнинг тўртинчи қисмлари ҳам диққатга сазовордир. Бу ерда Авфий, тазкиранавис сифатидагина эмас, балки форс тилида ижод этган ҳинд шоирлари ҳаёти билан қизиққан биринчи ўрта осиелик олим ва адиб сифатида ҳам гавдаланади.

«Лубобул-албоб» тазкирасининг Эд. Броун ва Мирза Муҳаммад Қазвинийлар тайёрлаган матни иккита жилдада нашр этилиб, асарнинг биринчи жилдида 130 та, иккинчи жилдида 169 та, ҳаммаси бўлиб — 299 та шоир ижоди ҳақида маълумотлар берилди. Ҳинд тадиқотчиси Муҳаммад Низомиддиннинг аниқлашича, Авфий асарида баён қилинган материаллар муаллифининг 20 йиллик сафари натижасида жамланган факт ва маълумотларнинг фақат бир қисмигина, холос. Олим жамлаган маълумотларнинг бир қисми баъзи бир сабабларга кўра йўқолиб кетган.

Муҳаммад Авфий «Лубобул-албоб»дан кейин фаннинг турли соҳалари, чунончи, илми нуҷум (астрономия), жугрофия, ҳайвонот дунёси, табобат, фикҳ (юриспруденция), тарих, фалсафа ва ахлоққа оид асарлар, саёҳатномаларни атрофлича таҳлил қилиш, машҳур олим ва фузалоларда таҳсил кўриш ҳамда ўзи шоҳид бўлган воқеаларни тасниф этиш асосида илмий асари «Жавомнул-ҳикоёт ва лавомиур-ривоёт» («ҳикоятлар мажмуаси ва ривоятлар нури»)ни яратган. Авфий у ёки бу ҳикояни ёзишда уни қайси асардан олганини айтиб ўтади. У тилга олган манбалар 93 та бўлиб, улардан 45 тасининг муаллифи ҳам кўрсатилган. Ҳинд олими Муҳаммад Низомиддиннинг аниқлашича, Авфий асарида айтиб ўтилган 93 асарнинг 85 таси бизгача етиб келган, 43 таси ҳақида айрим маълумотлар учрайди ва қолган 15 таси буткул йўқолиб кетган, биз учун номаълум асарлардир.

«Жавомнул-ҳикоёт»нинг ёзилишида Қози Муҳсин Танухийнинг «Ал-Фараж бадъаш-шидда» («Бахтсизликдан кейинги шодлик») асарининг таъсири катта бўлган. Маълумки, Танухийнинг бу асарини Авфий 620/1223 йили араб тилидан форс тилига таржима қилган эди.

«Ал-Фараж»нинг Авфий томонидан қилинган таржимаси унинг дўсти хаттот Муҳаммад бин Умар бин Муҳаммад Самарқандий томонидан кўчирилади; унга хаттот томонидан ёзилган сўзбоши ҳам илова қилинади. Сўзбошида Авфийнинг Гужаротга қози бўлиб келгани, Танухий китобини кўп ахтариб, ниҳоят уни Канбоятда топгани ҳақида маълумот берилди.

Авфийнинг «Жавомнул-ҳикоёт» асари тўрт қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисми йигирма беш бобдан ташкил топган. Асарда қадимий Греция, Ҳиндистон, Турон, Эроннинг иқтисодий, маданий, сиёсий-ахлоқий ҳаёти тарихига алоқадор бўлган ҳикояларни ўқиш мумкин.

«Жавомнул-ҳикоёт» Авфийдан кейин яшаган барча тарихнавис муаллифларга, адибларга ва адабиётшуносларга ижобий таъсир кўрсатган. «Жавомнул-ҳикоёт», жумладан, қуйидаги асарларнинг яратилишида манба вазифасини ўтаган: ҳинд тарихчиси Минҳож Сирожининг «Табақоти Носирӣ»⁴ асари, Закаррия Қазвинийнинг «Ажойбул-махлуқот»⁵, Ҳофизи Абрўнинг «Зубдат ут-таворих»⁶, Сайфиддин Ҳожи бин Низом Уқайлийнинг «Осор ул-вузаро»⁷, Мирхонднинг «Равзатус-сафо»⁸, Хондамирнинг «Маосирул-мулук»⁹, «Хулосатул-ахбор»¹⁰, «Дастурул-вузаро»¹¹, «Ҳабибус-сияр»¹², Али бин Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Латифут-тавоиф»¹³, Масъуд бин Усмон Кўхистонийнинг «Тарихи Абулхайр хоний», Муслиҳиддин Лорийнинг «Миръотул-адвор»¹⁴, Муҳаммад Мажиддин ал Мажиди ал-Ҳусайнийнинг «Зийнатул-мажолис»¹⁵, Муҳаммад Қосим бин Ҳиндушоҳнинг «Тарихи Фаришта»¹⁶, Абулфатҳ бин Музаффарнинг «Наводирун-нуқул фи маосирул-уқул»¹⁷ ва бошқалар.

Авфийнинг «Жавомнул-ҳикоёт»ни уч марта турк тилига таржима қилинган. Биринчи марта турк хоқони Султон Мурод II нинг (1421—1451) буйруғига мувофиқ Ибн Арабшоҳ таржима қилган. Лекин бу таржима ҳеч бир мамлакат кутубхонасида учрамайди. Иккинчи марта у Султон Маҳмуд (1451—1481) фармойиши билан шоир Нажотий томонидан таржима қилинган. Ва ниҳоят, учинчи таржима Солиҳ ибни Жалол исмли кишининг қаламига мансуб бўлиб, бу таржима Султон Боязид ибни Сулаймоннинг олтимосига кўра 1565 йили бажарилиб, Ҳозир Вена кутубхонасида «Жавомнул-ҳикоёт»нинг туркусмонли тилига қилинган таржимаси мавжуд бўлиб, бу нусха номлари зикр этилган уч таржимоннинг қайси бирига тегишли эканлиги номаълумдир.¹⁸

Муҳаммад Авфий ижодини ўрганиш юзасидан инглиз олимлари анча самарали иш олиб борганлар. Инглиз шарқшуносларидан Наталиэль Блэнд 1848 йили «Лубобул-албоб» тазкираси ҳақида баҳс этувчи ўзининг «Илк форс шоирлари биографиясига оид» мақоласини эълон қилади. 1891 йили эса проф. Эд. Броун «Қирол Осие жамияти» журнали саҳифаларида «Давлатшоҳ (Самарқандий — ред.) манбалари» номли мақоласини бостириб чиқаради. Мақолада Авфийнинг мазкур тазкираси хусусида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилади. Муҳаммад Вориснинг Авфий асари асосида ёзилган «Зубдатул-ҳикоёт» асарини пешқадам олим Муҳаммад Огаҳий Хоразмий томонидан ўзбек тилига таржима этилган эди. Демак, Авфий ижодининг баъзи намуналари ўзбек китобхоналарига анча аввалроқ маълум бўлган.

Рус ва совет олимларидан В. В. Бартольд ва И. Ю. Крачковскийлар Авфий ижоди билан яқиндан шуғулланганлар. В. В. Бартольд ўзининг «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» номли чуқур илмий асарини яратишда, бошқа манбалар қаторида, Авфийнинг «Жавомнул-ҳикоёт» китобидан ҳам кенг фойдаланган.

Муҳаммад Авфий кўп олим ва адиблар қатори ўз асарларини ҳукмрон синф вакиллари номига бағишлаган; «Жавомиул-ҳикоёт»да баъзи ўринларда подшо ва султонларни бош қаҳрамон даражасига кўтаришга мажбур бўлган. Лекин унинг мақсади халқ ичидан чиққан қаҳрамонларни ақл-заковатлик, подшоҳлар ҳам уларнинг фаҳму фаросати олдида адолатли ҳукм чиқаришга мажбур бўлганликларини намойиш қилиш эди. Авфий тушунчасига кўра, подшоҳ, агар адолатли, халқпарвар бўлса, зулм орқага чекинади, меҳнаткаш халқ аҳволи яхшиланади; у ўз идеали — «адолатли шоҳ» образини яратиш билан ижтимоий зулмга қарши кураш олиб борган.

Шунингдек, Авфий асарида халқ орасидан чиққан қаҳрамонлар — табиблар, ҳунармандлар, деҳқонлар, турли касб эгаси — шахарликларга катта ўрин берилган. Ўз қаҳрамонлари воситачилигида зулмни, адолатсизлик, жаҳолат, найранг ва мунофиқликни қоралаган; у илм-маърифатга чорлаган, ростгўйлик, дўстга садоқат, тadbиркорлик, омонатга хиёнат қилмаслик, жасорат ва шижоатни тараннум ва тарғиб этган.

Авфийнинг гуманистик дунёқараши, чин нисонга ҳос яхши фазилатларни улуғлаши унинг асарларини бизнинг замонамизда ҳам қадр-қийматини сақлаб келмоқда.

Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Ажойиб хангомалар» номли ҳикоялар тўпламида (Тошкент, 1974 й.) Муҳаммад Авфийнинг «Жавомиул-ҳикоёт»идан 31 та ҳикоят ўзбек китобхонларига тақдим этилган эди. Мазкур тўпламга нисбатан китобхонлар томонидан бўлган зўр қизиқиш Муҳаммад Авфий ҳикоятларининг тўлароқ тўпламини тузишга эҳтиёж туғдирди. Биз уни «Нодир ҳикоялар» деб атадик.

*ИЛЕС НИЗОМИДДИНОВ,
ТУРҒУН ФАЙЗИЕВ.*

ЯХШИ ХУЛҚ ВА ВАФО ЗИКРИДА

ИДРОК ВА ТАДБИР СОҲИБАСИ

Ҳинд ҳакимларининг ҳикоя қилишича, бир киши сафарга чиқиб, йўлда тўрт кишига учраб, улар билан ҳамроҳ бўлиб борарди. У кишининг ёнида қимматбаҳо гавҳари бўлиб, гавҳарни ҳуққага¹⁹ солиб олган эди. Гавҳарни подшоҳга соғға қилиб олиб борарди. Шунинг учун ҳам тез-тез ҳуққага қараб қўяр ва доим уни эҳтиёт қиларди. Ниҳоят тўрт кишидан бири ҳуққа сиридан воқиф бўлиб, пайт пойлаб уни ўғирлади. Ҳуққа эгаси уйқудан уйғониб, унинг йўқолганини билиб кўп изтироб чекди. У ҳамроҳларига кўп зору тазарруълар қилди, аммо фойда бермади. Бечора хомуш борарди. Ниҳоят, йўловчилар катта бир шаҳарга етиб, карвон саройга жойлашдилар. Гавҳар йўқотган киши шоҳ саройига бориб арз қилди:

— Мен шоҳ хазинасига қимматбаҳо гавҳар олиб келаятган эдим, йўлда тўрт кишига ҳамроҳ бўлдим. Улар гавҳарни ўғирладилар. Қанчалик ҳаракат қилмайин, гавҳарни қайтариб ололмадим.

Подшоҳ мазкур тўрт кишини ушлаб қамашга фармон берди. Уларни зиндонга ташлаб сўроқ қилдилар. Табиийки, улардан ҳеч қайсиси иқроор бўлмади. Подшоҳ нима қилишини билмай ҳайрон, иқроор қилдириш йўлини тополмай тажанг эди.

Подшоҳнинг бир соҳибжамол, ҳар соҳада баркамол, ақл ва идрок бобида беназир, ҳар бир илм-ҳикматдан

хабардор қизи бор эди. Қиз отасининг изтиробга тушганини кўриб: «Мазкур тўрт кишини менинг олдимга юборинг, гавҳар кимдалигини аниқлаб бераман», деди. Подшоҳ буйруғи билан у тўрт кишини қизнинг ҳузурига келтирдилар. Уларнинг оёқ-қўлларидаги кишанларни ечиб, шоҳона зиёфат қилдилар. Шундан сўнг подшоҳ уларга, ҳар куни келиб, менинг хизматимда бўлишингиз лозим, деди. Улар қабул қилдилар. Подшоҳ уларни ниҳоятда эъзозлар, шароб қуйиб берар ҳамда улар билан жаҳон ажойиботларидан суҳбатлашарди. Кунлар ўтиши билан улар ҳам аста-секин хавф-хатарни унута бошладилар. Бир кун қиз уларга шундай деди:

— Шу кунларда бир нодир воқеа ва мушкул ҳодиса рўй берди. Биз бу борада кўп кишилардан сўраб кўрдик. Энди сизлардан ҳам сўраб кўрмоқчимиз. Зеро, сизлар жаҳонгашта, ҳар бир нарсадан хабардор, оқил ва ҳушёр кишилардирсиз. Уйлайманки, ақл ва идрок билан жавоб берурсизлар.

Улар қўл қовуштириб розилик билдирдилар. Қиз ҳикоя бошлади:

— Бир подшоҳнинг қизи бор эди. Подшоҳ қизини ниҳоятда яхши кўрарди. Кунлардан бир кун шоҳ қизи ўз канизлари билан боғ сайрига чиқди. Сайр қилиб юраркан, иттифоқо, қизнинг кўзи дарахт шохига чирмашиб очилиб турган гулга тушди. Гул қизнинг кўзига ниҳоятда жозибали кўринди. Қиздан нарироқда боғбоннинг ўғли турарди. Боғбоннинг ўғли кўрдикки, шоҳ қизига гул мақбул бўлди. У зудлик билан дарахт шохига гулни узиб қизга тутди. Қиз олди.

Уша замон маликаларига одат шу эдики, ҳар ким уларга гул келтирса, унга хоҳлаган нарасини инъом қилардилар. Қиз гулни олиб хушнуд бўлди ва боғбон ўғлидан сўради: «Нима ҳожатинг бор?» Боғбоннинг ўғли ёшлик қилиб ва камоли подонлигидан: «Агар сени эрга берсалар, сен у билан бирга бўлмасдан аввал менинг олдимга келсанг, токи висолинг боғидан гул терсам ва

шундан сўнг эрингнинг олдига борсанг», деди. Шоҳ қизи рози бўлди ва келишга аҳд-паймон қилиб хайрлашди.

Ниҳоят, бир неча йил ўтгач, вақт-соати келиб, қизни эрга бердилар. Никоҳ кечаси қиз эрини кўриши биланоқ, ундан ижозат сўраб: «Мен боғбоннинг ўғли билан аҳд қилган эдим. Ҳозир унинг олдига боришим шарт. Зеро аҳднинг уддасидан чиқмоқлик энг яхши ахлоқдандир», деди.

Эр қизга ижозат берди. Қиз югуриб кўчага чиқиб, бор томон кетаётган эди, ногоҳ олдидан бир шер чиқди. Шер ҳамлага ҳозирланди. Қиз шерга қараб: «Эй шер, билман, одамзод қисматдан қочиб қутулолмайди. Бироқ ёшлигимда боғбон ўғли билан аҳд-паймон қилган эдим. Ҳозир унинг олдига кетаётган эдим. «Менга бир оз вақт берсанг, мен унинг олдига бориб, аҳдимнинг уддасидан чиқиб қайтсам. Ана ундан сўнг нима хоҳласанг шуни қил»,— деди. Шер бу можарони эшитиб, қизга йўл берди. Қиз кетди.

Қиз озгина йўл юрган ҳам эдики, унинг олдидан бир ўғри чиқди. Ўғри қизнинг ҳуснига ва қимматбаҳо тақинчоқларига суқланиб боқаркан: «Бахтим ёр бўлди, бутун умримга етгулик бойликни қўлга киритдим»; деди. Ўғри фурсатдан фойдаланиб, қизнинг қулоғидаги балдоғи, бўйнидаги марварид, билагидagi билагузук ва бармоқларидаги узукларини олишга ҳаракат қилди. Қиз ўғрига:

«Агар жувонмардлик қилсанг мени қўйиб юборгил, токи боққа бориб, аҳдимнинг уддасидан чиқиб, сўнг қайтиб келиб, сенинг хизматингда бўлай»,— деди. Ўғри жавоҳирлардан умид узиб, қизга ижозат берди.

Қиз боғ эшигига келди ва эшикни тақиллатди. Боғбон эшикни очиб, шоҳ қизини кўргач, ўзини қизнинг оёғига ташлади. Қиз унга: «Ўғлингни чақир!» деди. Боғбон ўғлини олиб келди. Қиз боғбоннинг ўғлига қараб: «Эсингдами, сен билан аҳд қилган эдим. Аҳд-паймон йўлида ўз танимни фидо қилиб, ўша аҳдимнинг уддасидан

чиқмоқлик учун бу кеча сенинг олдинга келдим», деди. Боғбон ўғли ер ўпиб: «У пайтда мен камоли ёшликдан нодонлик қилган эдим. Бу ёшлик одобсизлигидандир. Мен ўз нафсимдан кечдим, сен ўз аҳдинг уддасидан чиқдинг. Энди саломат уйингга бор!» деди. Қиз боғдан қайтиб, ўғрининг олдига келди ва ўғрига қараб: «Боғбоннинг ўғли мардлик қилиб, ўз нафсидан кечди. Мана энди менинг барча зебу зийнатим ва ихтиёрим сенинг қўлингда, бу ёғини ўзинг биласан», деди. Ўғри: «Сен аҳдга вафо қилмоқ борасида ақл бовар қилмаслик даражасида жонбозлик кўрсатдинг. Бундай кишига хиёнат қилиш қўлимдан келмайди», деб қизни қўйиб юборди.

Қиз шер ёнига борди. Шер тилга кирди: «Билгинки, мен шер эмасман, балки руҳонийлардан бириман. Сени синаш мақсадида йўл устига чиқиб ўтирган эдим. Сен вафодорликда яхши иш кўрсатдинг, сени ўлдиришга ҳожат йўқ. Энди саломат уйингга кет!» Қиз саломат уйига етиб келди ва юз берган воқеаларни эрига сўзлаб берди.

Шоҳ қизи ҳикояни тугатиб, мазкур тўрт кишига қараб: «Қани, айтинглари-чи, сизлар қизнинг эри, шер, ўғри ва боғбоннинг ўғли ҳақидаги ҳикояни эшитдинглар. Буларнинг ҳар бири ўз навбатида қизга жувонмардлик қилди. Аммо буларнинг орасида энг жувонмардроғи қайси бири эди?»

Улардан бири жавоб берди: «Боғбоннинг ўғли жувонмардроқдир. Зероки, унинг бошига бахт қуши қўнган эди, аммо у хоҳламади. Ўз ихтиёри билан ўз нафсидан кечди».

Иккинчиси сўз олди: «Шер жувонмардроқдир. Зеро, у табиатан йиртқич бўлса-да, ниҳоятда очлигига қарамай шундай лазиз луқмадан воз кечди».

Учинчиси тилга кирди: «Қизнинг эри жувонмардроқдир, зеро, у ўз хотинига воқеани била туриб, боғбон ўғли билан учрашишга ижозат берди ва зўр иродага молик эканлигини кўрсатди».

Тўртинчи киши ўрнидан туриб: «Ўғри ҳаммасидан кў-

ра жувонмардроқдир. Зеро, у барча зар ва жавоҳирлардан ўз ихтиёри билан воз кечди», деди.

Шоҳнинг қизи мазкур тўрт кишидан жавобни эшитгач, ўз отаси ҳузурда ер ўпиб, деди:

— Эй шоҳ! Бу тўрт киши табиатан бир-бирига зид кишилардир. Боғбон ўғлини таърифлаган киши табиатан шаҳватпараст, маншатпараст кишидир, у доим шайтоний йўлга кириб, маншат ҳақида ўйлайди. Уни даргоҳингдан узоқ тут. Шерни мақтаган киши еб тўймас кишидир ва қорин бандасидир. Унга ейиш, ичиш, ухлаш бўлса бас. Нон бериб ишга буюрсанг қилаверади. Қизнинг эрини мақтаган киши беҳиммат кишидир. Кимки гайрат ва ҳимматдан баҳра олмаса, у ҳайвондир, ҳамда инсоният шарафидан маҳрумдир. Аммо ўғрини мақтаган киши гавҳар ўғрисидир. Гавҳар ушбу кишидадир. Зеро, ҳар ким ўз табиатига мос гапни гапирди,— деди.

Шундан сўнг у кишини қайтадан сўроқ қилдилар. Дарҳақиқат, гавҳар мазкур кишидан топилди.

ХОТИНЛАР МАКРИНИ УРГАНУВЧИ КИШИ

Ривоят қилишларича, бир киши доим хотинлар макрини ўрганиш билан овора эди. Рашкнинг зўрлигидан хотинларга ишонмас ва ҳеч қайси хотинни ўзига яқинлаштирмас эди. У хотинлар макри ёзилган китобни ўқигани ўқиган эди. Қунлардан бир кун у киши сафарга чиқди. Йўл асносида бир қабила қароргоҳига бориб, у ерда тунамоқчи бўлди. Мусофир меҳмон кирган уйнинг хўжайини уйда йўқ эди. Аммо унинг хотини уйда эди. Мезбон хотин ғоятда нафосатли ва ниҳоятда одамшаванда эди. Хотин меҳмонга хушфеъллик билан илтифот кўрсатди. Меҳмон кавушини ечиб, ҳассасини деворга суяб, юқорига чиқиб ўтирди ва ёнидан китобини олиб, ўқишга машғул бўлди.

Хотин меҳмондан сўради:

— Эй хожа, бу ўқиётган китобинг қандай китоб?

— Бу китобда хотинлар макридан ҳикоя қилинган.

— Дарё сувини ғалвир билан ўлчаб бўлмайди ҳамда ер юзида туриб, сув остидаги қумнинг ҳисобини олиб бўлмайди. Бинобарин, хотинлар макри ҳам ранг-баранг, беҳисобдир, — деди-да, ғамза ўқини камон қошига қўйиб, меҳмон қалбини нишонга олди. Хотин ёқимли гаплар айтди, нозу карашмалар билан ишқий хатти-ҳаракатлар қилиб, меҳмон кўнглини овлашга киришди. Ниҳоят, меҳмоннинг кўнглини ўзига ром қилди. Бинобарин, меҳмон ҳам хотиннинг чиройига, ширин каломига ва шўхчан ҳаракатларига маҳлиё бўлиб, ҳамма нарсани унутди. Хотин ҳамон илтифот билан ширин гуфторликда давом этарди. Меҳмон чидаб туролмади ва ўрнидан туриб ишқибозлик қила бошлади. Хотин ўзини олиб қочар ва меҳмон уни тутиб қучоғига тортарди. Ишқибозлик айни авжигача чиққанда, эшик тақиллади.

— Эрим келди, — деди хотин, — эрим эмас, бало келди. Ҳозир иккаламизни ҳам ўлдиради.

— Нима қилмоқ керак? — деди меҳмон.

— Урнингдан тур, — деди хотин, — ҳу анави сандиққа кир.

Меҳмон сандиққа тушди. Хотин сандиқни ёпиб қулфлади. Шундан сўнг эшикни очиб, эрини илтифот билан қарши олди. Ҳамда дилларни ром қиладиган сўзлар билан эрини жаҳлдан туширди. Эри бир оз ўзига келгач, хотин сўз бошлади:

— Мен бошимдан кечирган бугунги воқеани сенга ҳикоя қилмоқчиман.

— Айт, — деди эри. Хотин сўз бошлади. «Бугун бизга бир меҳмон келди. Ўзи бағоят чиройли, хушсўз, хушхулқ ва ажойиб табиатли йигит экан. Қўлида хотинлар макри ҳақида ёзилган китоби ҳам бордир. Қачон қарасанг ушбу китобни ўқигани ўқиган. Аммо хотинлар макрини назар-писанд қилмайди. Йигитни бу аҳволда кўргангидан сўнг, уни ўйнатмоққа жазм қилдим. Ҳар хил ноз-карашмалар билан кўнглига йўл топдим. Хушёр ва оқил

қуш эмас экан, зеро, дон остидаги тузоқни кўрмади. Менинг чиройимга маҳлиё бўлиб, ишқибозлик бисотини олдимга ёзди. Иш шу даражага етдики, илтифот билан айтилган ширин иборалар амалий бўсалар ва қучишлар билан алмашинди. Бироқ ҳали лаззат онлари етиб келмасданоқ, сен келиб қолдинг ва айш-ишратимизни буздинг».

Хотин сўзлаган сари эрининг қони қайнаб, ғазаби ортар, бечора меҳмон эса сандиқ ичида ўзини-ўзи чимдилар ва ҳар дақиқада жонидан умидини узарди. Шу пайт ғазабланган эр хотинидан сўради:

— Хўш, ўша йигит қаерда?

— Уни анави сандиққа солиб, қулфлаб қўйганман. Мана, калитини олиб, сандиқни очсанг, кўрасан.

Эр-хотин бир-бирларининг қўлидан бирор нарса олмасликка гаров ўйнаган эдилар. Агар эсдан чиқиб бири иккинчисининг қўлидан нарса олса, албатта нарса олган гаровда ютқазган ҳисобланарди. Аммо гаров ўйнашганига анча вақт бўлган бўлса-да, ҳанузгача бир-бирларининг қўлларидан нарса олмасдилар. Бироқ эр ниҳоятда ғазаблангани туфайли, гаров ўйнагани эсидан чиққан эди. У калитни олиб, сандиқ томон юрди. Шу вақт хотин эрига қараб: «Гаровни ютқазганинг муборак бўлсин», деди. Эри бу сўзни эшитиб, калитни ерга ташлади ва: «Сенга лаънатлар бўлсинки, гаровни ютиш учун мени оловга ўтқазиб қўйиб, ажойиб тилсим ишлатиб гаровни ютдинг», деди.

Хотин яна яхши сўзлар билан эрини юпатиб, дилдорликлар билан кўнглини хушнуд қилди. Бир оздан сўнг, эри яна кўчага чиқиб кетди. У сандиқни очиб сўради:

— Эй хожа, бундай макр-ҳийлани бирор китобда кўрганмидинг?

— Тавба қилдим, бундан буён ҳаргиз хотинлар макрини ўрганмайман, қўлимдаги бу китобни ҳам куйдирурман, зеро, хотинларнинг макр-ҳийласи китобда ёзилгандан кўра кўпроқ экан,

ЎҒРИЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛГАН КИШИ

Бир кишининг кўнглида ўғирлик ҳунарини ўрганиш ҳаваси пайдо бўлди. У доим ўғирликда камолга етишни орзу қилар ва ўзига устоз қидирарди. Кунлардан бир кун одамлар унга, Нишопур шаҳрида ўз касбига ниҳоятда моҳир ва баркамол бир ўғри бордир, деб хабар бердилар.

У киши ўз шаҳридан чиқиб, Нишопурга борди ва устознинг уйини қидириб топди. Унга ўзини танитаркан: «Мен ўғирлик илмида сендан сабоқ олсам ва бу ҳунарда маҳорат оширмоқ умидида келдим», деди. Устоз унга илтифот кўрсатди ва уни уйига олиб кириб, олдига ҳар хил таомлар қўйди. Ул киши таомга қўл узатиб емоқчи бўлди. Аммо устоз уни тўхтатиб: «Чап қўлинг билан таом егин», деди. У киши чап қўл билан таом ея олмади. Ниҳоят яна ўнг қўлини узатди. Устози унга деди:

— Ҳамонки, бу йўлга қадам қўйдингми, унинг шарт-шароитларига амал қилмоғинг лозим. Чунки, аввало ўнг қўлни баҳридан ўтмоқ керак. Зеро, сени ўғирликда тутсалар, шарият ҳукмига мувофиқ ўнг қўлингни кесадилар. Унг қўлга ўрганган одамнинг аҳволи қийин бўлади. Агар сен ҳозирдан бошлаб, чап қўлда таом ейишга ўргансанг, кейинчалик ўнг қўлингни кесганларида ҳам ҳеч ранж ва машаққат кўрмайсан.

Киши устозидан бу сўзни эшитгач, ҳушёр тортди ва ўзига-ўзи: «Агар зарни қўлга киритиш тамаъида, қўлни зарга алмаштириб қўлдан ажрамоқ биринчи шарт бўлса, ушбу ҳунардан воз кечмоқлик менинг биринчи шартим бўлсин!» деб ўғирлик ҳунаридан воз кечди.

ТУЗ ҲАҚИ

Кунлардан бир кун Мовароуннаҳрининг чапдаст ўғриларидан бири Нишопурга келди. Унинг айёрликда тенги йўқ эди. Уғри каттароқ ўлжани қўлга киритмоқ қасдида


теварак-атрофни кўздан кечира бошлади. Ниҳоят, султон хазинасининг қаердалигини аниқлади. Хазинага кириш учун ўзида бўлган барча ҳийла ва найранглари ишга солди.

У ер остидан лаҳим (нақб) қазиб, хазинага кирди. Хазинадаги жавоҳирлардан кўтарганича олиб лаҳим тешигига келтирди. Қоронғи кечада у ерда бир оқ нарсани кўрди — шуъла сочиб товланарди. Уғри ўз-ўзига дерди: «Шояд одамлар айтадиган гавҳари шамчироқ шу бўлса, бинобарин буни олмоқ даркор, токи бадавлат бўлмоғимга сабаб бўлғай». Уғри уни қўлига олди ва ушлаб кўриб нималигини била олмади. Ниҳоят, татиб кўриб мазасини билди. У бир бўлак туз эди. Тузни бир вақтлар хазинага келтириб қўйган эдилар.

Уғри тузнинг мазасини татиб кўргач, яна ўз жойига олиб бориб қўйди ва кўтариб чиққан жавоҳирларни ўша жойга ташлаб, ўзи лаҳимдан чиқиб жўнаб кетди. Эртаси кун султонга хабар келдики, бир гуруҳ ўғрилар хазина томон лаҳим қазиб, хазинага кирибдилар. Аммо ҳеч нарса олмабдилар. Султон ҳайрон бўларди: «Ажабо, лаҳим қазисалар, хазина устига етиб борсалар-да, ҳеч нарса оламасалар?!»

Шундан сўнг, султон шаҳарга жарчи қўйди, жарчи ҳар қадамда: «Халойиқ, ораларингизда кимки бу ишни қилган бўлса, қўрқмасдан султон ҳузурига борсин, жавоҳирларга етишган чоқда нима учун олмай чиқиб кетиш сабабини ростгўйлик билан баён қилсин! Жазога тортилмайди ва гуноҳи кечирилади», деб жар соларди. Жарчилар бир неча кун шаҳар айланиб жар солдилар.

Мазкур воқеадан бир ҳафта ўтгач, ўғри султон ҳузурига борди ва деди: «Бу ишни ёлғиз мен қилганман». Султон сўради: «Нима сабабдан жавоҳирларни олиб кетмадинг?» Уғри жавоб берди: «Қоронғида хазина эшиги ёнида бир оқ нарсага кўзим тушди. Бу нарса шояд гавҳари шамчироқ бўлса, деб гумон қилдим ва уни олиб татиб кўрдим. Маълум бўлдики, туз экан. Ўзимча, зотан,



султон тузини татиб кўрдимми, энди туз ҳақиға рия қилмоқ мардлик ва мурувват мазҳабида вожибдир, деб билдим. Шундан сўнг, жавоҳирлардан воз кечиб, қуруқ қайтиб чиқдим».

Султон бу сўзни эшитгач, уни эъзозлади ва юқори мартабаларга кўтарди ҳамда эллик минг динар олтин инъом қилди.

ҚИМОРБОЗ ВА ҲАМЁН

Ривоят қилибдурларки, бир киши сафарга чиқмоқчи бўлди. Унинг олтин тўла ҳамёни бор эди. У ҳамёни Басра шаҳрининг қозисига олиб борди ва уни то сафардан қайтгунча омонат сақлаб туришни илтимос қилди. Қози деди: «Бу ҳамёни мендан кўра ишончлироқ кишига топшир». У киши қозидан: «Сендан ишончлироқ ким бор?» деб сўради. «Фалон маҳаллада бир қиморбоз бор,— деди қози,— бу ҳамёни ўшанга омонат топшир!»

У киши қозининг кўрсатмасига биноан қиморбознинг олдига бориб, уни қимор ўйнаётган чоғда учратди. Қиморбознинг аҳволини кўргач, орқасига қайтиб кетмоқчи бўлди. Аммо қозининг сўзи эсига тушиб, қозини сўзи бемаъни бўлмаса керак, деб унга салом берди ва омонат ҳақида гапирди. Қиморбоз деди: «Менинг саройимнинг олдида кабутархона бор. Ҳамёни ўша кабутархонага олиб кириб, ўз қўлинг билан ерга кўмиб қўй!»

У киши қиморбоз айтгандай қилиб, зарни кабутархонага кўмиб, ўзи сафарга равона бўлди. У киши сафардан қайтгач, қиморбознинг уйига келиб, ҳамёни талаб қилди. Қиморбоз деди: «Ҳамёни кимга берган бўлсанг, ўшандан талаб қил!» У киши хижолат тортиб деди:

«Эй хожа, ахир ўзинг айтганингдек кабутархона ичига кўмган эдим-ку!..»

«Ўша ердан талаб қил», деди қиморбоз.

У киши кабутархонага бориб, эшикни очиб ичкари

кирди ва ҳамёни ўзи кўмган жойдан бус-бутун топди ва қиморбозга миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг қозининг олдига бориб, қиморбоз воқеасини гапирди ва қозидан сўради: «У қиморбознинг омонатга хиёнат қилмаслигини сен қаёқдан билган эдинг?»

«Бир вақтлар мен бир канизак сотиб олган эдим,— деди қози,— канизакдан сўрадим, сени бир неча кишилар сотиб олишган, албатта. Шулардан бирортаси идданг тўлишини кутиб сен билан жинсий алоқа қилмай юрган борми?— Бор,— деди канизак,— фалон қиморбоз ана шундай одамдир. Билдимки, агар у омонатга хиёнат қилувчи, эътиқодсиз киши бўлганида эди, идда тўлишини кутиб ўтирмаган бўларди. Мен эса идда муҳлатини кутмай, ҳийлайи шаръийни ишга солдим.

Шундан сўнг, билдимки, қиморбоз мендан кўра диёнатлироқ экан», деб жавоб берди қози.

ҲОТАМ ВА УНИНГ БИРОДАРИ

Ҳотам Той²⁰ бу дунёдан ўтгач, биродари унинг ўриига ўтиришни ва эҳсон карамини дунё аҳлига пояндоз қилмоқни ихтиёр қилди. Айтадиларки, Ҳотам етмиш даричали юмалоқ қаср бунёд қилиб, ўзи шу қасрда яшар экан. Эҳсонталаб гадолар қаср даричаларидан бирига келиб хайр-эҳсон сўраркан. Ҳотам бир гадога хайр-эҳсон қилгач, иккинчи даричадан яна қўл чўзаркан. Ҳотам яна хайр-эҳсон қиларкан, гадо учинчи даричадан яна қўл узатаркан... Шундай қилиб, гадо етмиш даричанинг ҳаммасига келиб Ҳотамдан хайр-эҳсон сўраркан. Ҳотам эса ҳеч қачон: «Ҳозир бу даричадан келган эдинг-ку, энди бунисидан келдингми», демас экан.

Ҳотамнинг биродари ўша қасрда ўтиришни орзу қилди. Онаси ўғлига деди: «Сен Ҳотам бўла олмайсан ва ҳеч кимга ҳотамлик муяссар бўлмаса керак». Ҳотамнинг биродари онасининг сўзига қулоқ солмади. Ниҳоят, онаси ўғлини синаб кўрмоқчи бўлди ва гадо кийимини кийиб,

ўғли ўтирган юмалоқ қаср даричаларидан бирига келиб хайр-эҳсон сўради. Уғли хайр қилди. Она иккинчи даричадан келиб қўл чўзди. Уғли яна хайр қилди. Она учинчи даричадан келиб хайр-эҳсон сўради. Уғли деди: «Ҳозирнинг ўзида икки даричадан келиб, икки марта эҳсон олдинг, энди учинчи даричадан келдингми?»

Шу онда она ўзини ўғлига танитаркан, жон болам, мен сенга ҳаргиз Ҳотам бўлолмайсан, дегандим. Мен бир кун биродарнинг Ҳотамни синамоқчи бўлиб, мана шундай гадо кийимида қасрнинг даричасига бориб эҳсон сўрадим. Бирин-кетин етмиш даричадан борардим, биродарнинг ҳамма даричадан менга эҳсон берарди. Аммо бирор марта ҳам: «Ҳозир бу даричадан келган эдинг-ку», деб савол қилмади. Мен сизларнинг табиатларингиз бир-бирингизникига ўхшамаслигини ёшлиқларингизданоқ билардим. Чунончи, Ҳотамни эмизганимда битта эмчакни оғзига оларкан, иккинчисини сенга берарди. Сени эмизганимда эса, битта эмчакни оғзингга олиб, иккинчисини маҳкам чангаллаб турардинг ва бировга беришга қизганардинг. Сизларнинг табиатларингизни бир-бирингизникига ўхшамаслигини ўша вақтдаёқ билиб олган эдим. Зотан, одамзоднинг табиати, ахлоқи унинг билан бирга туғилиб вояга етади. Аммо яхши ахлоқни ҳам, ёмон ахлоқни ҳам вояга етказиб, такомиллаштирувчи тарбиядир, деди.

ПИР ВА БҮЗФУРУШ ҚИССАСИ

Бухорода Хожа Имом Бакр Фазл... муридларидан бири бўзфурушлик қиларди. Аммо доим Хожа Имом Бакр хизматида қойим эди. Шунингдек, пирнинг иродасига бўйсуниб мол-дунёга лоқайд қарарди. Бўзфурушнинг бир ўғли бўлиб, иш кўрмаган ва тажрибасиз йигит эди. Қазо ва қадарнинг тақозоси билан рамазон ойида бўзфурушнинг ўғлини бир қиз билан зино асносида тутиб олдилар. Шаҳар волийси йигитни қамоққа олди ва отасининг мол-

мулкига дахл қилди. Бўзфуруш Имом Бакр Фазл ҳузурига келиб ундан мадад сўради. Имом бўзфурушга деди: «Рамазон ойида зино қилмоқлик бу катта жиноятдир. Мен бу ишга кафил бўлолмайман ва бу иш менга лойиқ эмас».

Бўзфуруш бир парча оқ қоғозни олиб пирнинг олдига келиб, менга шафоатнома ёзиб беринг, токи у дунёда дўзах малонклари менга азоб бермасинлар, деб сўради.

— Менинг ёзган ҳужжатимни дўзах малонклари қабул қилмайдилар ҳамда менинг шафоатим у ерда ўтмайди.

— Адолат юзасидан гапиринг, менинг сиз билан муносабатим бу дунё учунми ё у дунё учунми? Агар суҳбатингиз самараси бу дунёда менга асқотмаса, аминманки, у дунёда қиёматда асқотмайди! Бинобарин, хизматингизда бўлишимдан не фойда?

Пир бир оз жимқтургач, деди: «Рост айтдинг, яхши аҳду паймонни ўртага солмоқни тақозо қилдинг. Сенинг талабингни тўхтовсиз бажарурман.

Пир отга миниб Хуросон амирининг олдига борди. Бўзфуруш ва унинг ўғли ҳақидаги қиссани амирга сўзлаб берди ва йигитни қўллаб-қувватлади. Амир кулди ва бўзфуруш ўғлининг гуноҳидан кечди. Пир қизга одам юбориб, уни олиб келтирди. Қизни йигитга никоҳ қилдилар. Шундан сўнг пир билан бўзфуруш ўртасидаги муносабат яна боғланди.

Ҳикоятдан мақсад, ҳар кимда давлат ва қудрат бўлса, дўстлар эҳтиёжидан аямасин ва яхши аҳду паймон расминини адо этсин, токи ўғил-қизлари яхши ахлоққа мушарраф бўлсинлар.

БАҚҚОЛ ҚИССАСИ

Ривоят қилибдурларки, Фазл Саҳлнинг бошига давлат қуши қўнмасдан аввал, у бағдодлик бир баққол билан дўст тутинган эди. Баққолнинг номини Худобард деб

атардилар. Фазл Саҳл ҳар вақт Бағдодга келса, албатта баққолнинг олдига борар ва баққол ҳам унинг йўлига пешвоз чиқиб, сидқидил билан хизматда бўларди.

Ниҳоят, бахт Фазл Саҳлга кулиб боқди ва у Маъмунга вазир бўлиб тайинланди. Бироқ тақдирнинг хилма-хил найранглари авжга чиқиб, Фазл Саҳлнинг бошига бахт қуши қўнганда, баққолнинг иши инқирозга юз тутди. Баққол тижорат бобида ҳарчанд ҳаракатлар қилмасин, бари бир, фойдаси бўлмади. Қайси матони олмасин, касод бозорида сарсон бўлаверди. Ниҳоят, бора-бора давлатмандлик дарвешликка мубаддал бўлди.

Баққол тирикчилик зарурати юзасидан Бағдоддан чиқиб Хуросонга юз ўғирди ва Фазл Саҳл ҳузурига ташриф буюрди. Фазл Саҳл баққолнинг келганидан хабар топиб, дарҳол уни ўз ҳузурига таклиф қилди ва кўп илтифотлар кўрсатди. Баққолга шоҳона кийимлар инъом қилди. Баққолнинг шарафига катта зиёфат берди. Зиёфатга йиғилганларга баққолни таништираркан: «Бу менинг биродарим ва энг яқин дўстимдир», деди. Шундан сўнг унга икки юз минг динор инъом қилди ва ўзининг хос анжуманларида энг яқин маслаҳатгўйларидан бирига айлантирди.

Кунлардан бир кун баққол одати бўйича Фазл Саҳлнинг ҳузурига кирди ва уни ғамгин аҳволда кўрди ва ундан паришонхотирликнинг сабабини сўради.

— Ҳозир бизнинг лашкарларимиз Бағдоддир,— деб жавоб берди Фазл Саҳл,— айна душман бошқа томондан бизга ҳужум қилиб келмоқда. У томонда эса душманга баробар келадиган даражада лашкаримиз йўқдур.

— Вазир бу борада ғамгин бўлмаса ҳам бўлади, зеро бугун осмон ҳам бу давлатнинг равнақи учун ҳаракатда ва фалак ишбошилари камарбастадирлар. Сенинг биргина ишоратинг кифоядир, барча душманлар ер билан яксон бўлурлар. Агар буюрсанг, мен бориб, бу мушкулотни сенинг бошингдан даф қилай.

Саҳлга баққолнинг фикри маъқул тушди ва ўзича ўй-

ларкан, яхшиси, уни лашкар билан жўнатай, агар душманга ғолиб келиб уни ер билан яксон қилса, мурод ҳосил бўлгай, агар иш аксинча бўлган тақдирда ҳам... У баққолга камоли ишонч юзасидан бошқа ҳаракатни қилмади ва лашкарбоши, паҳлавонлар ҳамда лашкарни йиғмади. Баққолни бир гуруҳ аскар билан душманга қарши юборди. Баққол душманга яқинлашгач, ўз аскарларига мурожаат қилди: «Сизларга маълум бўлгайки, сизлар ҳаққоният иши учун бормоқдасизлар. Душман эса адолатсизлик йўлидан келмоқда. Адолатсизликнинг умри эса қисқадир. Ҳар ким душманни банди қилиб менинг олдимга келтирса, ул кишига юз минг динор инъом қилурман».

Бу сўзни эшитган аскарлар душманга баробар ёпирилиб ҳужум қилдилар. Бу ҳужумда душман аскарлари тор-мор қилиниб, лашкарбошини боғлаб, баққолнинг олдига келтирдилар. Баққол Фазл Саҳл ҳузурига мактуб йўллади. Мактубнинг мазмуни қуйидагича эди: «Амирга маълум бўлгайки, мен бозор кишисидурман, фатҳнома ёзишни уддасидан чиқа олмайман ва лекин шуни билдираманки, мактуб ортидан ўзим ҳам етиб борурман ва душман бошлигини боғлаб олиб боргайман, вассалом».

Фазл Саҳл мактубни ўқиб зиёда хурсанд бўлди ва амирулмуъмининга хушxabарни етказди.

Дебдурларки, ўша кеча Фазл Саҳл туш кўрибди; гўё Худобард баққолнинг фатҳи Фазл Саҳлнинг баққолга қилган яхши аҳду паймонидан эмиш. Зотан, ҳар ким яхши аҳду паймон билан ўз давлатидан дўстларни сарфароз қилса, у кишининг ўзи ҳам, болалари ҳам эзгу фазилатлар билан таъминлангай.

МУОВИЯНИНГ РОЗИ

Валид Утайба дейдики, кунлардан бир кун Муовия менга бир сирни айтди ва ҳеч кимга айтмаслигимни таъкидлади. Уйга келиб отамга дедим: «Муовия менга бир

сирни айтди, агар маслаҳат кўрсангиз, ҳузурингизда айтилай!..» Отам менга рад жавобини бериб, деди:

— Эй ўғлим, ҳар ким бировнинг сирини сақласа, хоҳлаган пайтида бировга айтиши мумкин. Аммо сирни бировга айтиб қўйгандан сўнг, сир унинг ихтиёридан чиқадигани ва уни яна ўз тасарруфига қайтариб ололмайди. Яъни сирни қайта сақлай олмайди.

— Ота билан фарзанд ўртасида бундай ҳол юз бермас керак.

— Шундайку-я, аммо тилинг бировнинг сирини фош қилишини раво кўрмайман!..

Эртаси кун Муовиянинг олдига бориб, отам билан бўлган воқеани гапириб бердим. «Ўз ўғлини шундай хатодан қайтарган отага минг раҳмат!» деди Муовия.

ЎҒРИ

Бир киши эрта тонгда ҳаммомга йўл олди. Йўлда яқин дўстини учратди ва ундан: «Сен ҳам ҳаммомга бормайсанми?» деб сўради.

«Ҳаммомгача сенга ҳамроҳ бўламан, сўнг муҳим иш билан бошқа ерга бораман», деб жавоб берди дўсти.

Улар ҳаммом томон кетдилар. Ҳаммомга яқинлашганларида у кишининг дўсти ўз йўлига бурилиб кетди. Шу пайт кишининг орқасидан бир ўғри келаётган эди. У киши ҳаммом эшигига етгач, орқасига қаради. Ҳали тонг отмаган, қоронғи эди. У киши ўғрини кўриб, ўз дўстим бўлса керак, деб ўйлади. Шундан сўнг хожа ёнидаги юз динор қизил олтин солинган ҳамёни ўғрига бераркан, буни омонат сақлаб тур, ҳаммомдан чиққанимдан сўнг қайтариб берарсан, деди-да, ҳаммомга кириб кетди. Хожа ҳаммомдан қайтиб чиққанда кун ёришган эди. Ўз уйига кетмоқчи бўлиб, йўлга равона бўлган ҳам эдики, ўғри унинг йўлини тўсиб: «Эй хожа, менам ҳамёнингни қайтариб ол!» деди. Хожа ўгирилиб ўғрига қаради ва ўғрининг қўлида ўз ҳамёнини кўриб: «Сен кимсан?» деб

сўради. «Мен нонталаб, томтешар, киссабур ўғриман», деб жавоб берди.

— Мен ҳамёнимни сенга топширган эканман, нима учун олиб кетмадинг?

— Агар ўз санъатим билан ёнингдан кесиб олганимда эди, у ҳолда сенга қайтариб бермас эдим. Аммо сен ҳамёни менга омонат топширдинг. Бинобарин, омонатга хиёнат қилмоқ раво эмасдур. Омонатни сақласангу пасткашлик қилсанг ҳаргиз яхши бўлмайди.

ҲАМЁН ЙУҚОТГАН САВДОГАР

Бир савдогар Қаъбатулло зиёратига боришга жазм қилди. Бинобарин, йўл харажати ва тижорат учун бир оз маблағ, яна уч минг динорли бир гавҳарни ҳам қўшиб ҳамёнга тугиб, белига боғлаб йўлга тушди. Йўлда нафс тақозоси билан таҳорат қилмоқ учун тўхтади. Белидаги ҳамёни ечиб ерга қўйди. Ҳолатдан фориғ бўлгач, ҳамёни ўша ерда унутиб қолдириб, йўлга равона бўлди. Бир оз юргач, ҳамён эсига тушиб орқасига қайтди. Аммо ҳамёни қолдирган жойида топмади. Бироқ бошқа мол-мулки борлиги туфайли ҳаж йўлидан қайтмади ва йўқолган маблағга унча ачинмади. Ниҳоят ҳаж русумларини адо қилиб, ўз ватанига қайтди. Турли-туман машаққатларга дучор бўла бошлади. Чунончи қаерга тижорат учун бормасин, ўз зиёнига ҳал бўлар ва қайси тарафга мақсад ўқин отмасин, бари бир, хатога кетарди. Оз муддат ичида мол-мулкидан ажралди. Аввалги бойликдан ҳеч нарса қолмади. Дўст-душман олдида изза ва шарманда бўлишдан қўрқиб, ватани ва маскани билан видолашиб, хотинини ўзига ҳамроҳ қилиб тунда шаҳардан чиқиб кетди. Савдогар хотини билан кетиб бораркан, на аниқ бир мақсади ва на аниқ борадиган жойи бор эди. Мана шундай гумроҳлик билан манзил ва мароҳилларни босиб, ниҳоят бир қишлоққа кириб бордилар. Қишлоқда хароб ва вайрона сарой бор эди.

Савдогар ўша саройга жойлашди. Қиш фасли эди, бинобарин, совуқнинг шиддатидан ёруғ жаҳоннинг барча кушойишлар эшиги бахиллар қўлидек ёпиқ эди. Савдогарнинг хотини ҳомиладор эди, шу кеча, иттифоқо, тўлғоқ тута бошлади. Саройда на чироқ ва на иссиқроқ жой бор эди. Савдогар ўз-ўзига дерди: «Ҳозир хасрат ва надоматнинг вақти эмас, бирор чора кўрмоқ даркор». Савдогар ана шундай хаёл ва андешада турганда хотини деди: «Чироқ ёқиб менинг учун бирор жой ҳозирлаб мени жойлаштирсангиз-чи, ахир».

Савдогар ҳикоя қилади: Менинг ёнимда ярим динор кумуш пулим бор эди. Дарҳол ўрнимдан туриб, қоронғида баққолнинг дўконига бордим. Кўп ялиниб-ёлвориб ўз ҳолимни унга баён қилганимдан сўнг, дўкон эшигини очди ва бир оз шакар билан ёғ берди. Мен ёғ билан шакарни косага солиб келтирдим. Йўл жуда ҳам лой эди. Мен минг хил ҳийла билан авайлаб келардим. Баногоҳ оёғим тошга тегиб, қоқилиб йиқилдим. Коса синиб, шакар билан ёғ ерга тўкилди. Назаримда гўё қиёмат қойим бўлди, бўғзимдан фарёд алангаси беихтиёр кўкка туташди. Овозим борича йиғлай бошладим. Зеро, ўз қадр қийматимга йиғлардим. Шу пайт нарироқдан бир кишининг овозини эшитдим:

— Эй шайх, сенга нима бўлдики ярим кечада фарёд чекиб одамларга уйқу бермайсан?

— Ҳозир хотинимни тўлғоқ тутиб азобда ётибди. Ёнимда ярим дирҳам пулим бор эди. Шунга бир оз шакар билан ёғ олиб келмоқда эдим. Йиқилиб тушдим ва коса синиб, ёғ билан шакар ерга тўкилди.

— Бу изтиробларнинг ҳаммаси фақат ярим дирҳам учунми?

— Эй хожа, ҳеч қачон таъна ва афсус қилмагинким, яратгувчи ўз бандаларининг аҳволини ўзгартирувчиси ҳамдир. Бир вақтлар менинг ҳам катта сармоям ва ҳисобсиз мол-мулким бор эди. Ушанда мен бир ҳамён йўқотган эдим. Ҳамёнда каттагина маблағ, шу жумладан

уч минг динорга тенг келадиган жавоҳир бор эди. Аммо у вақтда йўқолган ҳамён учун ҳеч гам емаган эдим ва изтироб ҳам чекмаган эдим. Бироқ ҳозир менинг қўлимда шу ярим дирҳамдан бошқа ҳеч нарса қолмаган. Бу ҳам талаф бўлди. Энди менда бошқа нақдина мол қолмади. Шунинг учун изтироб чекиб фарёд қилмоқдаман.

— Бери кел, ҳамёнинг сифатларини айт!

— Эй хожа, афсусланишнинг баҳридан кеч ва бечора мазлумлар ҳолига кулма!

— Бу сўзни таъна юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳамёни қачон ва қаерда йўқотганингни баён қил!

Мен унга ўз қиссамни бошдан охиригача баён қилдим. У киши мени ўз олдига чақириб, деди: «Менга маълум бўлдики, сен тақдир тақозоси билан хўрланган ва бундай машаққатларга дучор бўлган киши экансан. Хотининг қаерда?» Мен манзилгоҳни кўрсатдим. У киши ўз хизматкорларидан бир нечасини юбориб бизни ўз саройига кўчириб келди ва ўз ҳарамдаги хотинлардан бир нечасини хотинимни парвариш қилишга буюрди. Эртаси кун менга деди:

— Алҳол, муайян бирор мақсаднинг йўққа ўхшайди. Агар шу ерда турсанг ва менинг ёнимда бўлсанг, мен сенга сармоя берай, токи тижорат ишини давом эттиргин. Тижоратдан қўлингга бир оз давлат кирмоғи муқаррардур.

Мен розилик билдирдим. У киши менга уч юз динор берди. Мен бу пул билан тижорат ишини йўлга қўйдим. Оз кунда уч юз динор беш юз динорга етди. Мен беш юз динорни у кишининг олдига қўйдим. Ул киши менга қараб: «Энди сенга давлат келди, қўлингга сармоя кирди ва қашшоқлик машаққатидан қутулдинг. Агар ўша йўқотган ҳамёнингни кўрсанг танийсанми?» деди. Мен, «албатта танийман», деб жавоб бердим. У киши ҳамёни олиб чиқиб, менинг олдимга қўйиб, деди: «Ҳамён сеники эканлигини ўша кунгек билган эдим, бинобарин ўша соатда ҳамёни сенга бермоқчи ҳам бўлдим. Бироқ сени

ниҳоятда қашшоқ аҳволда кўриб, ўйланиб қолдим. Агар шу аҳволингда ҳамённи берсам, ҳамённи эҳтиёжга қараб сарфлашга нафсинг қаноат қилмасди. Бинобарин, сенга ўз сармойамдан уч юз динор бердим, токи кўзинг тўйиб, кўлинг ўргангай. Мана энди ҳамёнингни ўз тасарруфингга олсанг бўлади...»

Мен ҳамённинг оғзини очиб у одамнинг олдига қўйдим ва: «Қанча хоҳласанг шунчасини ол!» дедим.

У киши: «Эй хожа, неча йилдирким, мен бу ҳамён муҳофазасида эдим. Мана бугун худонинг иродаси билан мен бу кулфатдай халос бўлдим ва ҳақни ўз эгасига топширдим», деб олмади.

Мен унинг ҳақиға дуо қилдим. Давлат ва иқбол яна менинг истиқболимга чиқиб, машаққатдан роҳатга етказди.

МУАЛЛИМ ВА ШАҲЗОДА

Подшоҳга худо ақлли ва зийрак ўғил ато қилган эди. Подшоҳ ўғлини муаллимга топширди. Токи ёш шаҳзода одоб ва ахлоқдан сабоқ олгай. Муаллим шаҳзодага сабоқ бера бошлади. Бироқ шаҳзода муаллимга деди:

— Устоз, илмнинг ниҳояси йўқ, бутун умр бўйи ўқисанг ҳам охирига етиб бўлмайди. Бинобарин, менга шундай бир сўзни ўргатингким — қисқа ва фойдали бўлсин!

— Агар икки дунёда тинчликни ва ғам-андудан йироқ бўлишни истасанг, хомушликни ўзингга ҳамроҳ қил! Зероки, сўзламаслик — қутулмоқликдир.

Шаҳзода шундан сўнг ҳеч бир сўз демай қўйди. Подшоҳ ўғлининг бу аҳволдан қаттиқ изтироб чекди. Шаҳзодани тилга киритиш учун табибларни чақириб, муолжа қилдирди. Аммо шаҳзода ҳеч гапирмас эди.

Кунлардан бир кун подшоҳ овга чиқиб, ўғлини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Йўлда кетаётганларида ногаҳон каклик сайраб юборди. Мулозимлар каклик то-

мон от чоптириб, какликни тутиб келдилар. Шунда шаҳзода ногаҳон афсусланиб: «Агар сайрамаганингда саломат, озодликда юрардинг», деб юборди. Шаҳзодадан бу сўзни эшитган мулозимлардан бири подшоҳнинг олдига бориб, шаҳзоданинг гапирганини хабар қилди. Подшоҳ ниҳоятда хушвақт бўлиб, шаҳзодани ёнига чақирди ва ундан гап сўради. Аммо, подшоҳ қанча уринмасин, шаҳзода лом-мим демади.

Шаҳзоданинг бу қилмишидан ғазабланган подшоҳ ўғлини калтаклашга буюрди. Шаҳзода афсус ва надомат билан дерди: «Устозим индамаслик озодлик гаровидир», деб жуда тўғри айтган экан. Зеро, индамаганимда кайтак зарбига учрамаган бўлардим.

МАЪМУННИНГ СИРИ

Амирулмуъинини Маъмун²¹ Румга боргач, кунлардан бир кун ўзининг Ажиф номли лашкарбошисига қараб: «Ё Ажиф, мен сен билан от чоптиришни истайман, қани кўрай-чи, сенинг отинг қанақа чопаркин», деди. Шундан сўнг ҳар иккиси от чоптириб кетдилар. Бир-икки манзил юриб, одамлар кўзидан узоқлашгач, Маъмун Ажифга қараб: «От чоптиришдан мақсадим шу эдики, сенга айтидиган бир сирим бор. Мазкур сирдан сендан бошқа ҳеч ким воқиф бўлмаслигини хоҳлайман. Билгинки, мен биродарим Мўътасимдан хавф-хатардаман. Бинобарин, сен мени хавф-хатардан омон сақлаш учун доим кўзқулоқ бўлиб турмоғинг лозим», деди. Ажиф қабул қилди. Шундан сўнг улар оркага қайтиб ўз манзилларига етиб келдилар. Ажиф фурсат топиб Мўътасимнинг олдига келиб, Маъмундан эшитган сўзларни ҳикоя қилди. Мўътасим Ажифдан бу хабарни эшитса ҳам ҳеч нарса билмагандек ўз тирикчилигини ўтказа берди.

Ниҳоят салтанат даври Мўътасимга етди. Амир Мўътасим салтанатга келган кунидеҳ, Ажифни тутиб келтиришга фармон берди. Ажифни келтирдилар. Мўътасим

Ажифни улимга ҳукм қилди. Ажиф Амирдан сўради: «Е амирулмўминин, гуноҳим недур? Магар сенга бўлган ихлосим ва қилган хизматим эвазига ушбу жазони лойиқ кўрдингми?»

«Сенинг гуноҳинг, биродаримнинг сирини фош қилганингдур. Зеро, амирулмўминин Маъмун сенга қанча яхшиликлар қилди. Қанча инъомлар бериб тарбият қилди. Сени мазаллат ботқоғидан олий мартабага кўтарди. Ниҳоят, сенга ишониб ўз сирини айтган эди, сен уни фош қилдинг. Шу қилмишингдан кейин сенга қандай эътимодим қолсин», деб жавоб берди Мўътасим.

Шундан сўнг Ажифни дарҳол қатл қилдилар. Фош қилинган сир бошни тандан жудо қилди.

НАСИХАТ

Аҳмад Абу Тайб амирулмўминин Мўътасаднинг энг яқин ва ишончли кишиларидан бири эди. У Мўътасадга доим қуйидаги панд-насихатни таъкидларди: «Сен уч кишини ўлдиришда ҳеч таҳаммул қилма. Биринчиси, мулкингни эгаллашга ҳаракат қилган кишини, иккинчиси, молингни ўғирлаган кишини, учинчиси, сирингни фош қилган кишини».

Кунлардан бир кун амир Мўътасад ўз вазирини ишдан бўшатиш ҳақида Аҳмад Абу Тайб билан маслаҳат қилди. Вазир оқил ва доно киши эди. У Аҳмад Абу Тайбни уйига зиёфатга чорлаб, унга жон-дили билан хизмат қилди ва кўпроқ шароб ичирди. Аҳмад Абу Тайб зиёфат охирида маст бўлиб амирнинг вазир ҳақида гапирган гапларини вазирга сўзлаб берди.

Эртаси кун вазир ўз мол-мулкини рўйхат қилиб, амирнинг олдига қўйди ва: «Э, амирулмўминин, ушбу мол-мулкнинг барчаси сеникидир ва мен бу молларга фақат посбондурман. Мазкур молларни қабул қил ва мени душман деб гумон қилма», деди. Амир вазирни эъзозлаб, уни кечирди. Амир Аҳмад Абу Тайбни чақириб: «Мен

сирини фақат сенга айтган эдим, вазирга ким хабар берди?» деб сўради.

Аҳмад жавоб бериб: «Сирини душманга айтишим, ажалим етганидан далолат беради. Гарчи мастлик билан айтган бўлсам-да, аммо мастлик уэр қаторига ўтмайди. Энди сенга қилган панд-насихатимга кўра, мени ўлдиришга фармон бермасанг бўлмайди. Акс ҳолда салтанатингга катта зарар етади», деди.

Амир Аҳмад Абу Тайбнинг раъйини қайтаришга кўп ҳаракат қилди. Бироқ, у ўз сўзидан қайтмади. Амир ноилож уни ўлдиришга фармон берди.

ЛАШКАРБОШИ ВА МАҲБУД

Қадим замонда бир шоҳ бор экан. Унинг Маҳбуд номли вазирни бўлган экан. Шоҳ вазирни ўзига гоёт яқин тутар ва унга ишонарди. Ҳатто шоҳ ейдиган овқат ҳам вазирнинг уйида пиширилди. Аммо шоҳнинг лашкарбошиси билан вазир Маҳбуд адоватда эдилар. Лашкарбоши қандай бўлмасин вазирдан қасос олиш йўлини изларди. Ногоҳ лашкарбоши кўчада ўзининг эски ошноларидан бир яҳудийни учратиб қолди. Уни ўз уйига олиб келиб зиёфат қилди. Зиёфат охирида вазирдан шикоят қилиб: «Бирор чора, тадбир бормикин, мен ҳам ўз душманимдан ўч олсам?» деб ўз дардига малҳам сўради.

«Шоҳнинг олдига овқат олиб боришдан аввалроқ менга хабар қил. Мен овқатга афсун ўқиб сеҳр қилай, токи овқат захри қотилга айлансин. Ана шундан сўнг сенинг мақсадинг рўёбга чиқади», деб жавоб берди яҳудий.

Эртаси куни вазир Маҳбуднинг уйида шоҳ учун гуруч пиширилди ва таомни Маҳбуднинг ўғли кўтариб саройга жўнади. Йўлда лашкарбоши билан яҳудий турардилар. Лашкарбоши Маҳбуднинг ўғлига қараб: «Қани, таомнинг юзини очгин, кўрайлик-чи, бугун шаҳаншоҳга қандай таом тайёрладинглар экан», деди. Бола ёшлик қи-

либ, таомнинг юзини очди. Яҳудий бир нарсаларни ўқиб таомга куф-суф дейиш баробарида, ҳеч кимга билдирмай озгина заҳарни таом юзига сочиб юборди. Заҳар солганини ҳатто, лашкарбоши ҳам сезмай қолди.

Шундан сўнг таомни шоҳнинг олдига келтирдилар. Шу пайт лашкарбоши етиб келиб, шоҳга: «Жонимни сўрасангиз бераман, аммо таомдан тановул қилдирмайман», деди. Шоҳ Маҳбуд билан унинг ўғлига таомдан тановул қилишни буюрди. Улар таомдан бир-икки луқма ейишлари билан ерга йиқилдилар ва жон таслим қилдилар. Шундан сўнг шоҳнинг лашкарбошига эътимоди кучайди. Бир неча вақтлар ўтиб кетди. Вазир Маҳбуд ҳамманинг эсидан чиқиб кетди.

Кунлардан бир кун шоҳнинг ҳузурида ўтирган сарой аъёнлари сеҳр ва афсун ҳақида ривоятлар айтар эдилар. Ҳар ким ўзича сеҳрнинг таъсири ҳақида муболага билан сўзлар эди. Баъзилари: «Сеҳр бекорчи гап, аслида бўлмаган нарса, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам вужудга келиши сеҳр ва афсундан эмас», дердилар.

Шунда лашкарбоши ўрнидан қўзғалиб: «Сеҳр ва афсун бағоят кучли нарса, буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Мен ўз кўзим билан кўрдим, бир киши таомга афсун ўқиди, таом дарҳол заҳарга айланди. Кимки шу таомдан еди, ўша замони ўлди», деди.

Шоҳ лашкарбошидан бу сўзни эшитгач, ақл тарозуси билан ўлчаб билдики, Маҳбуднинг ўлими сеҳрга ҳасаднинг қўшилишидан экан. Дарҳол лашкарбошини туттириб қийноққа солди. Ниҳоят, лашкарбоши ўз айбини бўйинига олди.

ҲАРОМДАН ПАРҲЕЗ

Денгиз савдогарларидан бири Баера шаҳрида яшарди. Ҳар йили кемани юк билан тўлдириб, ҳаммадан илгарироқ Чин мамлакатига сафар қиларди.

Кунларнинг бирида савдогар кемани тайёрлаб, сафарга ҳозирлик кўрарди. Ҳар ким мол олиб келиб савдогарга берар ва у кеманинг сафарда саломат бўлиши учун уларнинг молини қабул қиларди. Ногоҳ бир мўйсафид ўзи билан бирга бир қоп қалайи олиб келди ва: «Эй хожа, мен сенинг олдинга ҳожагталаб бўлиб келдим. Чунончи, ушбу қопдаги қалайини кеманга солиб, денгизнинг ўртасига борганда сувга ташлаб юборсанг. Токи қилган назирим ижобат бўлса», деди. Савдогар мўйсафиднинг молини қабул қилди ва унинг исми, насаби ва турар жойларини сўраб дафтарига ёзиб қўйди. Шундан сўнг қалайини кемага солиб сафарга чиқди. Кема денгиз ўртасига етганда, шамол туриб тўлқин кучайди.

Денгизнинг қутуриши натижасида мўйсафиднинг айтган васияти савдогарнинг хаёлидан кўтарилди. Ниҳоят, кема саломат Чин мамлакатига етиб борди. Молларни харидорларга кўрсатдилар. Савдогар молларни бири-кетин сотарди. Бир куни бир йигит портга келиб: «Ўзларингиз билан бирга қалайи олиб келдингизларми?» деб сўради.

Савдогарнинг эсига мўйсафид ва у берган қалайи тушди ва йигитга қараб: «Бир киши менга бир оз қалайи бериб, ушбу қалайини денгизга ташлашимни васият қилган эди. Аммо денгиздалигимда эсимдан чиққан экан. Энди ушбу молни сенга сотиб, пулига бошқа мол олиб эгасига олиб бориб топширганим маъқул кўринадир», деди.

Шундан сўнг, мазкур бир қоп қалайини йигитга сотди ва пулига яхши моллардан олиб Басрага жўнади. Савдогар Басрага етгач, мўйсафидни топиб, Чин мамлакатидан олиб келган молни унга топширмоқ учун кўп қидирди. Ниҳоят, мўйсафиднинг маҳалласига бориб уни сўради. «Мўйсафид вафот қилган», деб жавоб бердилар.

Савдогар одамлардан мўйсафиднинг бирор ворисини сўради. Укасининг ўғли бор эди. Аммо мўйсафид уни кўп

ранжитар эди. Доим жиянига, сен мени ўлимимни кутяпсан, деб ранжитар эди. Ниҳоят, жияни бу шаҳардан бош олиб кетди ва ғарибликни ихтиёр қилди. То алҳол йигитнинг қаерда эканини ҳалигача ҳеч ким билмайди», деди.

Савдогар мўйсафид учун олиб келган молларини 700 динорга сотди. Пулни мўйсафид номига ўтказиб, то вориси топилгунча омонат сақлаб туриб, ворис топилгач, омонатни топширмоққа қарор қилди.

Бир неча муддат ўтди. Бир кун савдогар ўз дўконидан ўтирган эди, бир ёш йигит келиб унга салом берди ва: «Эй хожа, мени танидингми?» деди. «Йўқ», деб жавоб берди савдогар. «Мен ўша Чин элида сендан қалайн сотиб олган йигитман. Мен қалайини уйга олиб бориб синдириб кўрсам, барчасининг орасига қизил олтин қуйилган экан. Мен ўзимча, қизил олтин эмас, қалайн сотиб олган эдим. Бинобарин, бу олтинлар менга ҳаромдир, деб сенинг орқангдан изма-из қидириб бу ерга келдим. Токи, олтинларингни ўзингга топширгайман».

«Эй хожа,— деди савдогар,— мазкур қалайн фалон маҳаллалик фалон мўйсафиднинг моли эди. У менга қалайини топшираётиб, денгизнинг ўртасига борганда қалайини сувга ташлаб кетишимни васият қилган эди».

Йигит бу сўзни эшитиб табассум қилди ва худога ҳамду санолар ўқиб, деди: «Эй хожа, билгинки у мўйсафид менинг амаким эди. Бу бойликни сувга ғарқ қилишдан мақсади, мени бойликдан маҳрум қилиш эди. Аммо олло-таоло мазкур маблағни менга насиб қилган экан. Зотан, турли восита ва василалар билан менга етказди».

Йигит ўзини ким эканлигини ва мўйсафидга меросхўр эканлигини исботлади. Савдогар ўз қўлидаги 700 динорни ҳам йигитга топшириб, деди: «Худо сенга бу бойликни омонатга хиёнат қилмаганинг туфайли берди. Сен ҳаромдан парҳез қилдинг, худойи таоло сенга ҳалол бойликни ато қилди».

Қарх бозорининг даллолларидадан бири шундай ҳикоя қилади:

Ҳар йили Хуросон вилоятидан бир савдогар Бағдодга мол олиб келарди. Мен унга дастёрлик қилардим. Унинг барча молларини сотиб, пулига Хуросонбоп молларни олиб берардим. Бу даллолликдан менга катта фойда келарди. Чунончи бир йиллик рўзғоримга етадиган пулни ишлаб олардим. Савдогар, иттифоқо, бир йил келмади. Бунинг натижасида менинг ишимга нуқсон етди ва қашшоқликка юз тутдим. Ишим кундан-кун орқага кетди. Ниҳоят, дўконни ёпиб, уйга кириб ўтириб олдим. Ой кетидан ой ўтарди. Ниҳоят, ҳаж мавсуми яқинлашди. Мен хуросонликлар қўнадиган саройга бориб, улардан савдогар ҳақида бирор хабар беришларини сўрадим. Аммо, бахтга қарши, савдогар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмади. Саройдан умидсизланиб, ғамгин ҳолда орқага қайтдим. Иттифоқо, йўлим оролга тушиб ҳавонинг ҳарорати сабабли Дажлага бордим ва бир оз сайр қилиб, у ердан чиқиб дарё қирғоғига бордим. У ерда қум кўп эди. Оёғим қумга ботди. Бир амаллаб оёғимни қумдан тортиб олган эдим, бир нарса оёғимга ўралиб чиқди. Қарасам, олтинга тўла ҳамён экан. Ҳамёни олиб уйга келдим ва олтинларни тортиб кўрдим, минг динор экан. Мен ўз-ўзимга: «Фақир ва бечораҳоллигим маълумдир. Бу олтинларни ўз тасарруфимга киритай, эгаси топилса топширарман», дедим. Шундан сўнг олтинларни олиб, савдоишини қайтадан бошлаб юбордим. Худойи таоло менинг молимга барака ато қилди. Тез кунда менинг молим ўн минг динордан ошиб кетди. Ушбу муддатдан етти йил ўтди.

Кунлардан бир кун дўконнинг эшиги олдида ўтирган эдим, эски чопон кийган бир киши келиб салом берди ва мен алик олиб, бирор садақаталаб бўлса керак, деб гумон қилдим. Дарҳол мен унга садақа бермоқчи бўлган

эдим, у киши мендан юзини ўгириб кета бошлади. Кўнгул тақозосига кўра, мен унинг орқасидан бориб, юзига яхшироқ тикилиб қараган эдим, ўша ҳар йили келадиган савдогарлигини кўрдим. Уни бу аҳволда кўриб, юз-кўзидан ўпдим. У дунёнинг бевафолигидан гапириб кўп йўлади. Йўлда ҳаммомга олиб кириб, янги кийимлар кийгазиб: «Энди ўз аҳволингдан гапир!» дедим.

«Яратган тангрим менга катта бойлик берган эди. Чунончи, ҳар йили келиб, сен билан савдо қилганимга ўзинг шоҳидсан. Бу ердан охириги йили ўз юртимга қайтганимдан сўнг, вилоят амири мени ўз ҳузурига чақириб: «Менда бир дона ёқут бор, кафтдек текис. Унинг баҳосини аниқлашга барча билимдонлар ожизлик қилмоқдалар. Бу нарса амирулмуъининда ҳам йўқ. Ушбу ёқутни сенга бераман: Бағдодга олиб бориб сотасан ва пулига ҳар хил моллар олиб берасан», деди. Амирдан ёқутни олдим. Ҳақиқатан ҳам мақтаганидан зиёдроқ эди. Ёқутни ҳамённинг орасига тикдим ва унинг ёнига минг динар олтинни солиб Бағдодга келдим. Бир кун Дажла дарёсининг оролчасига бориб, бир оз истироҳат юзасидан сувга тушдим. Ҳамёни сув ёқасида қолдириб, бир соат чамаси сувда истироҳат қилдим. Ниҳоят, сувдан чиқиб, кийимни кийиб, ҳамёни олишни эсдан чиқариб қолдириб кетибман. Бирор соатдан сўнг ҳамён эсимга тушиб, Дажлага келдим. Ҳарчанд қидирдим, топмадим. «Ёқутнинг баҳоси уч минг динар туради. Вилоятга боргач, амирга ўз молимдан уч минг динар бераман, деб ўйладим. Ниҳоят вилоятга қайтиб боргач, амирнинг олдига бориб, бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб бердим ва ўз молимдан уч минг динарли мол ажратиб амирга бердим. Бироқ амир менга қараб: «Мен берган ёқутнинг қийматига эллик минг динар баҳо қўйибдилар. Ё эллик минг динарни бер, ёки ёқутнинг ўзини бер!» деди. Шундан сўнг мени ушлаб қамади. Барча мол-мулкимни ўз тасарруфига олди. Мен етти йил қамоқда ётдим. Ниҳоят, шаҳар аъёнлари аҳволимга ачиниб, кафилликка сўради-

лар. Уларнинг илтимосига кўра, амир мени қамоқдан озод қилди. Аммо бундан буён ифвогарлар ва душманлар кўз олдида яшай олмасдим. Шунинг учун шаҳардан чиқиб бу ерга келдим. Мақсадим сени топиб, сен билан трикчилик ҳақида маслаҳатлашмоқ эди», деб сўзини тасмоллади.

— Сенинг олижаноблигинг ва покиза эътиқодинг туфайли худойи таоло молингни баъзи бир қисмини қайтиб берди.

— Қандай қилиб?

— Бундан етти йил муқаддам ҳамён топиб олган эдим. Уни ўша сен айтган жойдан топиб олганман. Ҳамёнда бир минг динар бор эди. Динарларни ўз дастмоямга айлантирдим. Ҳозир ўша сенинг минг динар олтининг меннинг зиммамда турибди. Бинобарин, олтинларингни мендан қайтариб олгин ва ўз эҳтиёжингга сарф қил!— Мендан бу сўзни эшитгач, савдогар: «Ҳамён жойида турибдими?» деб сўради. Мен, бор, турибди, дедим.

Ҳамёни унинг ҳузурига олиб келдим. Савдогар ҳамёнининг ичини ағдариб, остки қисмини тешган эди, у ердан бир бўлак ёқут чиқди, унинг шуъласидан гўё уй ёришиб кетгандай бўлди. Савдогарнинг назари ёқутга тушган ҳамоно, беҳуш бўлиб йиқилди. Бир оздан сўнг ҳушига келиб яратганга ҳамду санолар ўқиди. Мен минг динарни унинг олдига қўйдим. Аммо олмади. Кўп илтижо қилдим. Шундан сўнг йўл харажати деб уч юз динарни олиб, қолганини менга ҳадя қилди. Эртаси кун карвонга қўшилиб ўз шаҳрига равона бўлди. Ниҳоят, ўз шаҳрига етганда, шаҳар аъёнларидан бир тўдаси унинг истиқболига чиқдилар. Савдогар уларга ҳамён воқеасини ва ёқутнинг топилиши ҳангомасини баён қилди. Ҳамда улардан ёқут можаросига вәситачилик қилишларини илтимос қилди. Улар савдогарнинг илтимосини қабул қилиб, биргаликда амир ҳузурига бордилар ва ёқутни амирга топширдилар. Шунингдек, ёқутнинг қайта топилиш тарихини баён қилдилар. Амир ўз қилмишидан уя-

либ, савдогарнинг барча мол-мулкни қайтариб берди. Бир неча йиллик заҳматдан сўнг савдогарнинг юзига бахт-саодат эшиги очилди.

АҲЛОҚ ҲАҚИДА

Бир куни амир Алининг олдига бир мўйсафид келиб: «Ё амир, қариб қолдим, кун ўтказиш машаққатли бўлиб қолди. Тирикчиликдан ҳеч бир роҳат тополмаяпман. Менга панду насиҳат қилсанг, шояд сенинг насиҳатинг туфайли худойи таоло менинг ишларимни яхши йўлга бошласа», деди.

Амир Али мўйсафидга хитоб қилди: «Э шайх, агар эсда тутувчи бўлсанг, икки нарсани эсдан чиқар: халқ учун қилган яхшилигингни, биров сенга қилган ёмонликни».

«Мардлик ва одамийлик ҳақида бирор сўз айтгин», деди мўйсафид.

«Одамийлик улдирки, миннат юкига бардош беролса, мардлик улдирки, қўлидан келадиган ишни ўзгадан дариг тутмаса», деди.

«Ё амир,— деди мўйсафид,— ҳамма вақт мўмин ва мусулмон бўлмоқлик ҳақида бирор сўз десанг...»

«Киши айбини қидирмаслик мусулмонликдир. Ёмон сўзларни гапирмаслик мўминликдир. Агар билсанг, барча яхши ахлоқни ушбу жумлаларда баён қилдим. Ушбу айтган сўзларимни ёдингда тутиб, шунга амал қилсанг, шубҳасиз, яхши ахлоқ эгаси бўласан», деди амир.

БЕҲРҲУЗ ВА РҲЗБЕҲ

Ўтган замонда Жавҳарий номли бир киши бўлган экан. У жавоҳирларни билишда етук устод ва жавоҳирот илмида маҳорат пайдо қилган эди.

Иттифоқо, вилоят подшоларидан бири ўз мамлакатда бўлган жавоҳирларни саралаш ва хазинага лойиғи-

ни ажратиб, қолганини харж қилиш мақсадида Жавҳарийни ўз вилоятига таклиф қилди. Жавҳарий сафар тараддудига тушди. Унинг хотини ҳомиладор эди. Бинобарин, сафар олдидан хотинига: «Агар ҳомиланг етиб, ўғил туғсанг номини Рўзбеҳ деб атагин. Агар қиз туғсанг, ўзинг муносиб кўрган номни қўясан»,— деб жўнаб кетди. Бир неча муддатдан сўнг унинг хотини икки ўғил туғди. Бирининг номини Рўзбеҳ қўйди, иккинчисини Беҳрўз деб атади.

Жавҳарий подшоҳнинг хизматида бир йил қолиб кетди. Хотини эса болаларининг аҳволи ва тирикчилиги ҳақида Жавҳарийга хат ёзиб турди. Жавҳарийнинг қалбида хотин, бола-чақасини кўриш иштиёқи кундан-кунга ортиб борарди. Бир йилдан сўнг подшоҳдан ижозат сўради Жавҳарийга жавобан подшоҳ шундай деди: «Сенга ижозат бермайман, албатта. Аммо бирор ишончли одамни юбориб, хотин ва болаларингни шу ерга олиб кел». Яна бир оз сабр қилай, деб ўйлади Жавҳарий.

Яна бир йил ўтгач, ижозат сўради, аммо ижозат бўлмади. Шундай қилиб, олти-етти йил ўша ерда қолиб-кетди. Бу вақтда унинг фарзандлари ўсиб, хат ёзиш, қуръон ўқишни ўрганиб, ахлоқ-одоё илмидан сабоқ олдилар. Жавҳарийнинг юрагида ўз фарзандларини кўриш орзуси ниҳоятда туғён урган эди. Бироқ подшоҳдан ижозат ололмади. Ниҳоят, зарурат юзасидан хотини ва болаларини олиб келиш учун одам юборди.

Хотин ва болалари сафар тараддудини кўриб йўлга чиқдилар. Ниҳоят, улар Жавҳарий истиқомат қилаётган шаҳарга яқинлашдилар. Шаҳар ташқарисидан катта анҳор ўтар эди. Жавҳарийнинг хотин ва болалари ўша анҳор ёқасига тушдилар ва ўзларининг келганлари ҳақида Жавҳарийга хабар бердилар.

Жавҳарий отга миниб, фарзандларининг истиқболига чиқиб, анҳор лабига келди. Унинг фарзандлари томоша мақсадида анҳор лабига келиб, бир-бирлари билан ўйнашмоқда эдилар. Жавҳарий уларни кўрмаганлиги са-

бабли, улар ўз фарзандлари экаини билмасди. Жавҳарий таҳорат қилиб бошқа жойга ўтиб, намозга машғул бўлди. Намоз асносида бир бўлак олтинни анҳор лабида қолдириб келгани эсига тушди. Дарҳол мазкур жойга қайтиб борди ва олтинни кидира бошлади, аммо топмади. Кўзи уйпаб юрган гўдакларга тушди ва улардан сўради: «Мен бу ерга бир бўлак олтин қўйган эдим, мабодо сизлар олмадиларингми?»

«Биз кўрмадик», деб жавоб берди болалар. Сув бўйида сизлардан бошқа ҳеч ким йўқ, олтинни топиб беринглар, бўлмаса азоб-ўқубатга гирифтор қиламан», деди Жавҳарий.

Гўдаклар ҳайрон бўлиб Жавҳарийга тикилиб турардилар. Жавҳарий жаҳли тез одам эди. У ҳар иккала болани анҳорга ташлади.

Бир оздан сўнг болаларнинг онасини овози келди: «Эй менинг Рўзбеҳим ва Беҳрўзим, қаёқдасизлар ахир, бу ёққа келинглар!»

Жавҳарий хотинини овозидан таниб, отини унинг томонига бурди, отдан тушиб хотинини қучоғига олди ва фарзандларини сўради. Анҳор бўйини томоша қилгани кетганлар, деб жавоб берди хотини. Жавҳарий фарзандларининг белгиларини сўраб билгач, ёқасини йиртиб дод-фарёд қила бошлади.

Фарзандларининг фироқида бирор соат йиғлагач, Жавҳарий, менинг ҳаётим фарзандларим туфайли хуш эди, уларни ўзим нобуд қилдим. Энди бу вилоятдан кетишим лозим, деди.

Шундан сўнг Жавҳарий ўша ернинг ўзидан бошқа шаҳарга қараб равона бўлди.

Иттифоқо, сув гўдакларни бир-биридан ажратиб, бирини бошқа қирғоққа, иккинчисини яна бошқа қирғоққа чиқариб ташлаган эди. Мазкур қирғоқ бўйига қўшни мамлакатнинг подшоҳи шикорга келган эди. У ерда хушсурат гўдакни кўриб, ундан сўради: «Сен кимсан?»

Гўдак ўз аҳволини подшога баён қилди. Гўдакка подшоҳнинг раҳми келди ва ундан сўради: «Сени исминг недур?»

«Исмим Беҳрўздир», деди бола.

Подшоҳ Беҳрўзни ўзига ўғилликка қабул қилиб, уни ўзи билан бирга саройга олиб кетди.

Рўзбеҳни эса қароқчилар жамоаси топиб олдилар ва уни сотиб пулни бўлишиб олишга қарор қилдилар. Қароқчилар Рўзбеҳни шаҳарга олиб келдилар.

Иттифоқо, ушбу шаҳарга Жавҳарий ҳам етиб келган эди. Кунлардан бир кун Жавҳарий қул бозоридан ўтаётиб қароқчилар томонидан бозорга келтирилган ёш болага кўзи тушди. Жавҳарийнинг оталик меҳри жўш уриб, болани сотиб олишга қарор қилди. Олтин бериб, болани сотиб олди ва уйига олиб келди. Жавҳарийнинг хотини кўзи болага тушиши ҳамона фарёд чекиб, бу сенинг ўғлинг-ку, деди.

Жавҳарий ўғлини топганидан беҳад хурсанд бўлди. Рўзбеҳ қалбида отанинг меҳри жўш урди. «Битта фарзандимизни топдик. Энди яна ўша подшоҳнинг ҳузурига қайтиб боришимиз лозим», деди Жавҳарий. Шундан сўнг ўша подшоҳ ҳузурига равона бўлдилар. Подшоҳ Жавҳарийга мулозамат кўрсатиб, унинг мартабасини оширди. Жавҳарий ўз илмини Рўзбеҳга ўргатарди. Шунингдек, унга тўғрилиқ билан эгриликнинг бир-биридан фарқи нимада эканлигини тушунтириб борарди. Ниҳоят, Рўзбеҳ ўз илмида маҳорат қозонди. Жавҳарий Рўзбеҳга сармоя бериб, савдогарчиликка юборди.

Иттифоқо, Рўзбеҳ биродари Беҳрўз истиқомат қилаётган шаҳарга бориб қолди. Беҳрўзни ўғилликка қабул қилган подшоҳ вафот этиб, ўрнига Беҳрўзни валнаҳд қилиб тайинлаган эди. Айни вақтда, Беҳрўз подшоҳлик қилар ва фуқарони тинч, осойишта сақларди. Рўзбеҳ Беҳрўзнинг ҳузурига борди. Узоқ муддлар давомида кўришмаганликлари туфайли, бир-бирларини танимадилар. Шоҳ Беҳрўз Рўзбеҳга турар жой ва озуқа беришля-

рини буюрди. Рўзбеҳнинг олиб келган жавоҳирларини қиммат баҳо билан сотиб олдилар. Рўзбеҳ катта фойда кўрди. Шоҳ Беҳрўз Рўзбеҳга, менинг хизматимда қолсанг барча маишат асбобини муҳайё қилардим, деб хабар берди. «Подшоҳга хизмат қилмоқ мен учун вожибдир, аммо менда бир монельлик бор. Ота-онам дийдоримга муштоқдурлар, уларга хизмат қилмоқлик менга фарздир», деб жавоб берди Рўзбеҳ.

«Мактуб ёз! Токи ота-онанг шу ерга келсинлар», деди подшоҳ Беҳрўз. Рўзбеҳ ота-онасига мактуб ёзиб, келишларини илтимос қилди ва подшоҳнинг марҳамати ҳамда дилдорлиги ҳақида баён қилди.

Иттифоқо, шу даврда шоҳ Беҳрўзнинг мамлакатига душман ҳужум бошлади. Шоҳ Беҳрўз ўз лашкарларини йиғиб, душманни даф қилмоқ учун юборди. Сарой ёлғиз қолганди. Кечаси у Рўзбеҳни ўз ҳузурига чорлаб, у билан шаробхўрлик қилди. Беҳрўз ухлаш учун ётди. Рўзбеҳ эса ўзича: «Бугун тунда посбонлар йўқдир, мен тонг отгунча посбонлик вазифасини бажаришим лозим», деди. Шундан сўнг, қиличнини яланғочлаб, шоҳнинг бош томонига ўтиб ўтирди.

Шоҳ Беҳрўз юборган лашкар душманга зарба беролмай орқага чекинди. Лашкарбошилар шоҳга ўз одамларини юбориб, ундан ўз ғамини еб ҳаракат қилишини илтимос қилдилар. Юборилган одамлар саройга келиб, шоҳни ухлаган ва Рўзбеҳни эса шоҳ бошида яланғоч қилич ушлаб турган ҳолда кўрдилар. Улар бонг уриб, подшоҳга қасди бор экан, деб Рўзбеҳни ушлаб боғладилар. Шоҳ уйқудан тургач, содир бўлган аҳволни унга ҳикоя қилдилар. Шоҳ Рўзбеҳга қараб: «Мен сенга нима ёмонлик қилдимки, менга бундай мукофотни раво кўрибсан?» деди. «Шоҳнинг умри узоқ бўлсин!.. Бу кеча посбонлар йўқлиги туфайли, душман айғоқчилари фурсатдан фойдаланмаслиги учун тонг отгунча посбонлик хизматини ўтадим. Бинобарин, кўзим уйқуга кетмасин учун бутун вужудимни бир оёқда тутиб турган эдим. Мени душман

деб билма», деди Рўзбеҳ. «Уни зиндонга олиб боринглар! Жангдан қайтиб келгач, бу воқеани тузукроқ текшириб кўрарман», деди подшоҳ.

Рўзбеҳни зиндонга олиб кетдилар. Қўл-оёғига занжир солиб, қатл қилмоқ тараддудида бўлдилар. Подшоҳ жанг майдонига бориб, душманларни тор-мор қилиб, саройга қайтди.

Худди шу куни Рўзбеҳнинг ота-онаси мазкур шаҳарга етиб келдилар. Улар фарзандларининг аҳволини суриштиргач, билдиларки, уларнинг фарзанди бандда экан. Улар подшоҳ ҳузурига бориб арз қилдилар: «Эй адолатли шоҳ, бизлар икки нотавон бечоралардурмиз. Бизлар шоҳнинг адолатли овозаси билан бу ерга келган эдик. Беҳрўз ва Рўзбеҳ номли икки фарзанди дилбандимиз бор эди. Қазойи муаллақ ҳар иккисини бизнинг қўлимиздан тортиб олди ва иккаласи сувга ғарқ бўлди. Кўп ранж-машаққатлардан сўнг худойи таоло Рўзбеҳни бизга яна қайтариб берди. Аммо Беҳрўздан хабар бўлмади. Биз бу ерга келиб эшитдикки, подшоҳ Рўзбеҳни зиндонга солибдур. Не бўлғайки марҳаматли шоҳ биз туфайли унинг гуноҳидан кечса ҳамда Рўзбеҳни биз ғариб-бенаволарга инъом қилса...»

Беҳрўз уларнинг қиссасини эшитиб бўлгач, кўзларидан ёш оқиб, ўзини тахтдан пастга ташлаб, ота-онасининг пойқадамларини бўсалар қилди ва: «Мен ўша сизларнинг Беҳрўзларингизман ва зиндонда ётган менинг биродаримдир», деб дарҳол зиндонбонга одам юбориб Рўзбеҳни зиндондан олиб келтирди. Онасини эса ҳарамга жўнатди. Улар қолган умрларини ҳарамда ўтказдилар.

Бу воқеанинг барчаси шошмашошарлик ва сабрсизликнинг натижасидир.

Доноларга маълум бўлғайким, бир киши ўзининг шошқалоқлиги натижасида ранж ва беқарорликка гирифтор бўлса, иккинчи киши ўзининг сабр ва матонати туфайли муродига етгусидир.

Ҳалабда бир подшоҳ ўтган эди. Унинг ададсиз мол-дунёси ва ҳисобсиз хизматкорлари бор эди. Подшоҳ одилликда ном чиқарган эди. Унинг енгилтабиат ва шитобкор ўғли бор эди. Подшоҳ ўғлини қаттиқ севарди, ва унинг раъйдан ташқари иш қилмас эди.

Ҳалабга Мисрдан бир савдогар келди. Савдогар Миср кийимларидан олиб келган эди. Подшоҳ савдогардан ўғли учун бир неча кийимлар сотиб олди. Савдогар сотилган молларининг пулини йиғиб олмоқ мақсадида кунда сарой дарвозаси олдига келарди. Савдогар кўпни кўрган, дунёнинг иссиқ-совуғини татиб кўрган киши бўлгани сабабли, шаҳзода ундан атрофдаги бошқа шоҳларнинг аҳволидан сўрарди. Савдогар эса ҳар бир мамлакат подшоҳининг ўзига хос аҳволидан шаҳзодага ҳикоя қиларди.

Бир кун савдогар Миср подшоҳи ҳақида ҳикоя қилаётиб, сўз орасида Миср шоҳининг бир соҳибжамол қизи борлиги, унга тенг келадиган қиз ёруғ дунёда топилмаслигини таъкидлаб ўтди. Чунончи, Миср маликасининг суратини чизиш учун барча Чин наққошлари ожизлик қиладилар. Унинг ҳусну жамоли васфи учун барча араб вассофларининг сиёҳдонларидаги сиёҳ етмайди, деди.

Савдогар Миср маликаси васфида шундай муболағалар қилдики, қизнинг ишқи шаҳзоданинг қалбига гулғула солди. Шаҳзоданинг шитобкор қалби, аввал яхшилаб ўйлаб кўрмасданоқ, меҳр-муҳаббат ғавғосига гирифтор бўлди. Шаҳзода дарҳол отасига мактуб юборди. Мактубда: «Менинг бошимга мушкул иш тушибдур. Мен Миср подшоҳининг қизига ошиқи беқарор бўлибдурмен. Агар ўша қизни менга олиб берсанг жонимни бу тубсиз дарёдан соҳилга чиқаргумдир. Бўлмаса ҳаёт билан видолашурман», дейилганди. «Жон ўғлим, Миср подшоси бизни ўзига тенг кўриб, қуда-андаликка рози бўлармикан? Бизнинг мулкимиз унинг мулки олдида қатра де-

са бўлади», дея, худди бебош дарё қаршисида тургандек илтижо қилди подшоҳ.

Ҳалаб подшосининг якка ўғлидан бошқа фарзанди йўқ эди. Зарурат юзасидан розилик берди. Подшоҳ Мисрга юбормоқ учун элчилар тайинлади. Ҳаддан зиёд ҳадя ва туҳфалар ҳозирлади. Шунингдек, Миср подшосининг қизини ўз ўғлига сўраб, бениҳоя шикаста-қолликлар билдириб бир мактуб ёзди.

Мактубда: «Агар бандани бу шарафга мушарраф тутсалар, бу банда ҳам ул зотнинг бандаларидан бирига айланурмен ва жоним подшоҳнинг инон-ихтиёрларидадир», дейилган эди.

Ниҳоят элчилар Ҳалабдан жўнаб Мисрга етдилар. Ҳадя ва туҳфаларни топширдилар. Миср подшоси ҳаддан зиёд илтифот ва тавозеъларни кўргач: «Мен Ҳалаб подшосининг ўғлини куёв қилишдан ор қилмайман. Аммо уни мол-мулкдан имтиҳон қилишим мумкин. Агар уддасидан чиқолса, у ҳолда сидқидилдан жазм қилгани маълум бўлади, қизимни унга бераман», деди ва элчига жавоб бераркан: «Қизнинг онаси кимки менинг қизимга уйланмоқчи бўлса, олтмиш минг миср динори баробарида кобин талаб қиламан», деган. Бу борада у томоннинг фикрини билиб келсангиз муродингиз ҳосил бўлгусидир, деди.

Элчилар Мисрдан Ҳалабга жўнадилар ва Миср подшосининг айтган сўзларини шоҳга баён қилдилар. Шоҳ хазинадаги барча нақдиналарни тўплади, қирқ минг динор бўлди. Динорларни Мисрга жўнатаркан, Миср шоҳига мактуб илова қилди: «Ҳозирча хазинамизда мавжуд бўлган олтинларни жўнатдик. Уртамизда аҳд-паймон боғлангандан сўнг яна қолганини жўнатурмиз».

Олтинларни Миср шоҳига олиб бориб топширдилар. У никоҳга розилик берди. Шундан сўнг Миср шоҳининг қизини Ҳалаб шаҳзодасига фотиҳа қилдилар. Бу хабар Ҳалабга етди. Шитобкор шаҳзода отасига деди: «Менда бунчалик интизорликка тоқат йўқ. Бугун барча вилоят-

ларга солиқни тақсимла, токи тўласинлар ва Мисрга юборайлик!»

«Жон ўғлим, зулмининг оқибати даҳшатлидир. Азбаройи сенинг тўйинг деб минглаб бева-бечораларнинг хонадонини ғам-мотамга қўя олмайман. Бир киши кўнглининг осойишталиги учун юз мингларча кишиларнинг кўнглини ғам-андухга тўлдиролмайман. Сабр қил! Токи одамлардан йиғиб олинадиган солиқ манбаи вужудга келиб, хирожни тўлаш ва молларни йиғиб олиш мавсуми келсин. Ана уйдан сўнг, секин-аста мазкур маблағни тўплаб сўнг Мисрга жўнатурмиз», деди подшоҳ.

Шаҳзода девонатабиат ҳамда оқиллик ва вазминликдан йироқ эди. Узининг навқирон ёшлиги ва кучига мағрурланиб, отасининг ҳузуридан дарғазаб бўлиб чиқиб деди: «Модомики от менинг ҳукмимда ва бақувват, эпчил қўлларим фармонимда экан, менга мол топиш қийин иш эмас!»

Шаҳзода отбоқарга бонг урди ва икки от билан шаҳардан чиқиб, биёбон тарафига равона бўлди. Иттифоқо, биёбонда қимматбаҳо моллар ортилган катта карвон Миср томонга кетиб борарди. Карвонда машҳур савдогарлар ва хожалар бор эди. Шаҳзода ададсиз мол ортган карвонни кўргач, уларга қарши ҳужумга ўтиб, ҳар томондан ҳамла қиларди. Карвондаги машҳур савдогарлар орасида Эъзоб мағрибий номли шижоаткор ва мардонавор бир киши бор эди. Эъзоб мағрибий йигитнинг журъатини кўриб, гуруҳдан ташқари чиқиб, шаҳзода томон от солиб унга ҳамла қилди. Биринчи ҳамладаёқ шаҳзодани эгардан кўтариб ерга урди. Шаҳзоданинг қўлини боғлаб, туянинг бўйнига илиб, йўлларига равона бўлдилар. Мисрга етишгач, Мағрибий Миср подшоҳига лойиқ тухфалар тайёрлаб унинг ҳузурига олиб борди. Миср подшоҳининг олдида Мағрибийнинг ҳурмати анча баланд эди. Мағрибий Миср подшоҳининг ҳузурида ўтирган пайтда Ҳалаб шоҳининг чопарлари етиб келдилар ва Миср шоҳига мактуб топширдилар. Мак-

тубда: «Муддатидурки, бандазода ёлғиз ўзи банданинг ҳузуридан ғойиб бўлмиш. Уша қолган молларни топиб, подшоҳнинг хизматларига олиб борган бўлса керак. Агар бахти ёр бўлиб, мол топиб, у даргоҳга шитоб қилган бўлса, бизга хабар қилгайлар. Токи хотиримиз таскин топгай», дейилган эди.

Мактуб ўқилгач, Эъзоб мағрибий билдики, бугун унга асир бўлган йигит Ҳалаб шоҳининг ўғлидир. Мағрибий уйига келиб, шаҳзодани ўз ҳузурига чақириб: «Сенинг бундай журъат қилмоғингга сабаб нима эканлиги менга маълум бўлди. Йўл тўсиб, халойиқнинг молини олиб кетмоқ ҳар қандай яккабош ўткинчининг иши эмас», деди.

«Ёшлик гурури ва шайтон васвасаси мени шу йўлга олиб кирди. Мана эндиликда сенинг асирингман. Агар менга лутф қилиб, молларингнинг омон қолгани шукронасига мени озод қилсанг, камоли яхшилик бўлар эди. Агар пул бадалига озод қилишни хоҳласанг, қанча баҳо қўйсанг ҳам маъли, мендан тилхат ол! Қайси жойни тайинласанг, ўша ерда ўз хоҳишим билан пулни сенга олиб келиб топширай», деди шаҳзода.

Эъзоб мағрибий шаҳзодага таъзим қилди ва унинг оёғидан бандни ечди ҳамда ундан узр сўради. Эъзоб мағрибий шаҳзодани енгилтаклиги учун маломат қиларкан: «Агар сенинг ишинг йигирма минг динар билан битса, сенга мазкур миқдор маблағни қарз берарман ва тилхат оламан: Ҳалабда менга қайтарурсан», деди.

Шаҳзода Мағрибийдан бунчалик лутфни кўриб, унга ҳадсиз миннатдорчиликлар билдириб, молларни олди. Зебу-зийнатлардан нимаинки истаса, барчасини муҳайё қилиб, Миср шоҳининг ҳузурига борди. Миср шоҳига куёв мақбул бўлди. Унга қимматбаҳо саруполар кийдириб, ҳисобсиз ҳадялар берди. Шундан сўнг тўйгача шаҳзодани махсус парвариш қилиб тўй ҳаракатини бошладилар.

Бир кун келини куёвга кўрсатмоқ учун уларни

ясантирардилар. Шу куни шаҳзода шаробхўрликка машғул эди. У бирор соат шароб ичгач, сайр қилмоқ мақсадида бўстонга чиқди ва ёлғиз ўзи бўстони кезаркан, ногоҳ кўзи бир манзарага тушди. У ерда шоҳона ўтов тикилган бўлиб, шаҳзоданинг қайлиғини ясантирмоқда эдилар.

Ўтовнинг боққа қараган даричаси бор эди. Шаҳзода даричадан ичкарига қарамоқчи бўлди. Унда ҳали ёшлик гурури мавжуд эди. Бинобарин, даричадан ичкарига яхшироқ қараб, ҳарамдаги хотинлар жамоасини таниб олишга қарор қилди ва тасодиф юз берди.

Чунончи, қизнинг кўзи шаҳзодага тушиб, бирор бегона киши ҳарамни томоша қилиш учун келибди, деб гумон қилди. Қанизларга икки шохли темир паншаҳани келтиришни буюрди. Қанизлар паншаҳани олиб келиб, шаҳзоданинг икки кўзига санчдилар. Шаҳзода оҳ уриб йиқилди. Хизматчилар югуришиб келиб, шаҳзоданининг машаққатлар билан бошқа жойга олиб бордилар. Тўй мотамга айланди. Бир неча муддат табиблар шаҳзоданинг муолижасига овора бўлдилар, аммо фойдаси бўлмади.

Бир неча муддатлардан сўнг шаҳзодани келин билан бирга тахтиравонга ўтқазиб Ҳалабга жўнатдилар.

Шаҳзода шитобкорлик ва енгилтаклик туфайли икки кўзидан ажралди.

ШОҲ ВА ТҮРТ ПОСБОН

Ҳинд мулки шоҳининг энг ишончли ва ихлосманд тўрт нафар хизматкори бор эди. Улар ёшликдан ишонч камарини боғлаб, ихлос жиловини қўлга киритган эдилар. Мазкур тўрт кишидан иккитаси шоҳнинг хос посбони ва қолган иккитаси унинг маслаҳатчиси эди.

Посбонлар ҳар кеча навбатма-навбат шоҳни қўриқлардилар. Улар якка-якка посбонлик қилар эдилар. Бир куни кечаси шоҳ истироҳат қилиб ётган эди. Тўрт

биродардан бири шоҳнинг ётоғи олдида ўтириб посбонлик қиларди. Ногоҳ уйнинг шифтидан катта бир илон пастга тушиб келди ва шоҳнинг ўрни томон келди. Илон шоҳнинг хотинини заҳарлаш қасдида бошини кўтариб зарбага ҳозирланди. Буни кўриб турган посбон ўйланиб қолди. «Агар бу илон хотинни чақса, албатта ўлдиради. Илонни даф қилмоқ учун хотиннинг бошига борсам шоҳ уйғониб қолса керак...»

Шундан сўнг ўқни камонга жойлаб, илонга отди. Бир ўқ билан илонни ўлдирди. Сўнг илонни олиб тахтининг тагига қўйди. Аммо посбон маликанинг кўкрагида илоннинг бир томчи заҳрини кўргач, ўзича: «Агар маликанинг кўкрагидаги заҳарни артиб олмасам, у ҳолда таъсир қилиши муқаррардир ва агар қўл тегизсам, номус, мурувват ва диёнатдан йироқдур», деб ўйлади. Шундан сўнг, бир оз латтани камоннинг учига боғлаб хотиннинг ётган ўрни яқинига борди ва камоннинг учига даги латта билан хотиннинг баданидаги заҳарни артиб, орқасига қайтаётганда шоҳ уйқудан уйғониб кўрдикки, посбон унинг ўрни ёнидан кетиб боряпти. Шоҳ ундан гумонсиради. Посбоннинг навбати тугаб уйига қайтди. Унинг ўрнига бошқа посбон келди. Шоҳ посбонга овоз қилди: «Бу ёққа кел ва амримга итоат қилиб, бориб биродарингнинг бошини кесиб келтир!» деди.

Йигит биродарининг уйига бориб кўрдикки, у ўрнида бамайлихотир истироҳат қилиб ухлаб ётибди. Йигит ўз-ўзига деди:

«Агар у гуноҳкор бўлганда эди, ҳаргиз бундай ухлаб ётмас эди». Шундан сўнг йигит шоҳ ҳузурига қайтди. Шоҳ сўради: «Бошини келтирдингми?»

«Йўқ», деди йигит.

«Нима учун?»

«Шуниг учунки, эсимга бир ҳикоя тушди. Ушбу ҳикояни олий зотнинг диққат-эътиборига ҳавола қилай, сўнгра агар посбонликка фармон бўлса итоатда бўлсам», деди йигит. «Айт-чи?» деди шоҳ.

Йигит ҳикояни бошлади:

Қадимда бир шоҳ бўлган экан. У овга ўта ишқибоз экан. Унинг бир лочини бор эди. Чунончи, ҳар бир парвоз қилганда осмондаги семурғни ҳам пастга олиб тушарди. Шоҳ лочинини ниҳоятда яхши кўрарди.

Иттифоқо, бир куни шоҳ овга борганда қаршисидан бир кийик чиқиб қолди. Шоҳ кийик орқасидан қувлаб, изини йўқотди ва аскарларидан ажралиб қолди. Аскарлари уни қидириб тополмадилар. Шоҳга ташналик ғолиб келди. Хизматкор йўқ эди. Отининг эгарига осиб қўйилган жом бор эди. Шоҳ эса бирор сувлик булоқни ёки бирор соялик дарахтни учратиш умидида у ёқдан-бу ёққа от соларди. Узоқдан кўзига дарахт кўринди. Шоҳ ўша томонга от чоптирди ва дарахт ёнига етгач, ўзини дарахт соясига олди. Ўша дарахтга илон чиқиб олган эди. Шоҳни кўриши билан оғзидан заҳар тома бошладди. Шоҳ азбаройи ташналикнинг зўридан буни ҳавонинг нами бўлса керак, деб ўйлади. Жомни арқондан ечиб олиб дарахт остига қўйди. Жом заҳар билан тўлди. Шоҳ жомни симирмоқчи бўлган эди, лочин қанот қоқиб шоҳнинг қўлидан жомни тушириб юборди. Шоҳ ранжиб, ғамгин бўлди. Жомни яна дарахт остига қўйди. Илон заҳар сочарди ва жомга томарди. Шоҳ жомни ичмоқчи бўлган эди, лочин яна қаноти билан уриб жомни тўкиб юборди. Шоҳ ташналикка чидолмай, дарғазаб бўлиб, лочинни кўтариб ерга урди ва ўлдирди. Шу пайт шоҳнинг хизматкори етиб келди ва шоҳнинг хизматига қойим бўлди. Аммо лочинни ўлик ва шоҳни ташна ҳолда топди. Дарҳол жомни тозалаб ювиб, тоза сув қуйиб шоҳга тутди.

«Лочиннинг ўлишига сабаб нимадир?», деб сўради хизматкор. «Мен ташна бўлиб, ғоятда бетоқат эдим. Ҳаво рутубатидан вужудга келган сувдан бир оз олиб, ичмоқни ихтиёр қилган эдим. Лочин қанотини қоқиб жомни тўкиб юборди. Иккинчи марта яна шундай ҳара-

кат қилиб, сувни тўкиб юборди. Ғазаб ўти миямга урди. Лочинни ерга урдим ва ўлдирдим», деди шоҳ.

Хизматкор дарахт тепасига қараб илонни кўрди. Илон бошини ерга осилтириб заҳар сочарди. Хизматкор шоҳга деди: «Лочинни бегуноҳ ўлдирибсиз. Яхшилаб текшириб кўрмасдан туриб, шундай азиз жониворни бежон қилибсиз. Қаранг! Лочин сизни қандай балодан қутқариб қолганини кўринг! Сиз кўрган сув ҳаво рутубатидан вужудга келган сув эмас, балки, заҳри қотил экан...»

Шоҳ илонни кўргач, лочиннинг ўлимига кўп қайғурди. Шошқалоқлик билан лочинни ўлдирганига кўп пушаймон бўлди, лекин пушаймондан фойда йўқ эди.

Ўз биродарининг бошини олсам ва эртага шоҳ ўз қилмишидан пушаймон бўлса, у ҳолда афсусланишнинг фойдаси бўлмайди, деган андишага бордим.

Подшоҳ индамади. Посбоннинг вақти тугаб, ўрнига бошқаси келди. Подшоҳ унга буюрди: «Фармоним шулки, бориб фалон биродарининг бошини танидан жудо қилиб келгин. Қимки шоҳлар ҳарамига хиёнат қилсаю ва лекин жазоланмаса, унинг оқибати бутун мамлакатга зарар етказадир».

Посбон таъзим қилди ва биродарининг уйига борди. Уни ухлаб ётган ҳолда кўрди. Посбон кўрдик, биродарининг аҳволи подшоҳ айтган хиёнатга монелик қиларди. Посбон орқасига қайтди. Подшоҳ ундан сўради: «Нима қилдинг?»

«Подшоҳнинг ҳукмига мувофиқ биродарининг бошини олмоқчи бўлдим. Бироқ бир ҳикоят эсимга тушиб, қайтиб келдим. Токи жаноб олийнинг диққат-эътиборларига ҳавола қилгайман», деб жавоб берди посбон. «У қандай ҳикоя?» сўради подшоҳ.

«Ҳинд китобларидан бирида келтирилгандирки, зарбардаст ва музаффар бир подшоҳ бор экан. Кўп муддатлардан буён фарзанд кўриш орзусида экан. Оллоҳ унинг муродини берибди. Латиф суратли, покиза талъат, пе-

шонасида улуғворлик намоён фарзанд кўрибди. Унинг хатти-ҳаракатидан хуш ахлоқлик зоҳир эди. Подшоҳ ўғлининг тақдири учун қайғуриб, унинг тарбияси учун соғлом танли, тўғри кўнгилли ва яхши хулқли доялар тайинлади.

Подшоҳнинг латча²²си бор эди. Подшоҳ доим у билан ўйнашарди. Латча доим подшоҳ ўғлининг бешиги олдида турарди.

Кунлардан бир кун уйнинг шифтидан катта бир илон пастга тушди ва гўдак ётган бешикка қараб юрди. Бу пайт доя боланинг олдида йўқ эди. Илон болага заҳар солмоқ қасдида бешик томон юра бошлаган эди, латча илонга ҳужум қилди. Кўп ҳаракатлардан сўнг илонни ўлдирди ва бешикнинг остига ташлади. Доя келгач, лагчанинг оғзи қон эканини кўрди, аммо нима учун қон эканлигини текшириб кўрмасдан, болани латча еб қўйибди, деган хаёлга бориб, дарҳол подшоҳнинг ҳузурига чопди. «Латча ўғлини еб қўйибди», деди.

Подшоҳга фарзанд доғи устун келиб, анигини билмай туриб, гурзи билан латчанинг бошига урди ва уни ўлдирди. Шундан сўнг, бешик олдида келиб, фарзандини саломат топди. Бешик остини қараб, катта илон ўлигини кўрдилар. Шундан сўнг билдиларки, бу илонни латча ўлдирган экан.

Подшоҳ латчанинг ўлимига жуда кўп қайғурди, аммо фойдаси бўлмади. Зотан, шоҳ ҳам латчани ўлдирган подшоҳ каби эртага пушаймон бўлиб ўтирмасин», деди посбон.

Шоҳ бу сўзни эшитгач, гуноҳкор посбонни чақириб келишга буюрди. Гуноҳкор посбон ҳозир бўлди. Шоҳ унга деди: «Ўтган кечаси сен бизнинг ётоқдан чиқиб келаётган эдинг. Сен подшоҳларнинг рашки худди оташдек бўлиб, озгина шамол турса аланга олишини ва бу алангани минглаб челак сув билан ўчириб бўлмаслигини билмасмидинг?»

«Шоҳ менинг ифбат ва покдомонлигимни балодан

нарироқ ва тухматдан ташқари тутсин. У билан бирга бўлмоқ хато экан. Хукмдорнинг ўз мухлислари ҳақидаги гумони янглишдир. Агар шоҳ бу борада ладил-исбот талаб қилса, тахт остини кўрсин, токи банданинг иффати ва сидқидиллиги унга аён бўлгусидир», деди посбон.

Шундан сўнг шоҳ тахтнинг остига қараб, илонни кўргач, у содиқ хизматкорни ўлдирмаганига худойи таолога бениҳоя шукрлар қилди. Унинг биродарлари қилган насиҳатлари учун уларга таҳсинлар ўқиди. Ҳаммаларига инъомлар берди.

Шундан сўнг ҳеч бир ишда шитобкорлик қилмади ва давлат бошқариш ишларида сабр ва матонат билан иш тутди.

ДОНО ХОТИННИНГ ТАДБИРИ

Ниҳоятда латиф ва гўзал бир йигит бор эди. Унинг гоятда зукко хотини бор эди. Хотин доимо эрига: «Мабо-до, шайтон васваса қилиб, эплай олсанг бировга ишқибозлик қилгин. Агар тутилиб қолсанг, зинҳор тезлик билан менга хабар қил! Токи бирор чора-тадбир ўйлаб топай ва сени бу андишадан чиқарай», дерди.

Кунларнинг бирида йигит подшоҳнинг хос канизакларидан бири билан султоннинг боғида суҳбат қуради. Шароб ва мевалар муҳайё бўлиб, висол онлари яқин эди. Подшоҳнинг хос ҳожибларидан бирининг назари ушбу канизакка тушиб, унинг ҳирсини кўзғатган эди. Аммо канизак уни ёқтирмас эди. Ҳожиб эса доим унинг изидан юриб таъқиб қиларди.

Ниҳоят, ҳожибга подшоҳнинг канизаги бегона йигит билан шоҳ боғида суҳбат қурди, деб хабар етди. Ҳожиб ўзи билан бирга бир неча хизматкорларни олиб келди ва йигит билан канизакни ушлаб подшоҳнинг зиндонига олиб кетди ва зиндонбон кўлига топширди. Тонг отгач, подшоҳ ҳузурига арз қилиб бормоқ ва унинг фармонида

мувофиқ иш қилмоқни ўз олдига мақсад қилиб, ҳожиб уйига қайтиб кетди.

Йигит ўзини бало домида кўрди. Боғбоннинг шогирдини ўз уйига жўнатиб, ўз аҳволидан хотинига хабар етказди. Хотин дарров бир товоқ ҳолва пишириб, устига балиқ ва бир неча нон қўйди. Чодирасини ёпиниб, зиндон олдига келиб, зиндонбонга деди: «Менинг бошимга бир иш тушди. Зиндондагиларга ҳолва ва таом беришни ният қилган эдим. Агар сен бу хайрли ниятга хайрихоҳ бўлсанг ва эшикни очсанг, бу таомни уларнинг олдига қўйсам. Сенга хизмат ҳақини берсам, шояд худойи таоло лутф қилса ва мен ўз назримнинг уддасидан чиқсам».

Зиндонбон зиндон эшигини очди. Хотин зиндонга кирди. У таомни зиндондагиларнинг олдига қўйди. Ўз чодирасини мазкур канизакка бериб деди: «Чодирани ёпиниб ташқарига чиқиб кетавер. Агар зиндонбон сендан таомни маҳбусларга бердингми?— деб сўраса,— бердим,— деб жавоб бер!»

Шундан сўнг канизак чодирани бошига ёпиниб, бўш товоқни бошига қўйиб, эшик томон юрди ва саломат чиқиб кетди.

Эртаси куни ҳожиб подшоҳнинг ҳузурда арз қилди: «Кеча тунда фалон канизакни боғда номахрам бегона йигит билан қўлга туширдим ва зиндонга солдим».

Подшоҳнинг рашк ўти аланга олиб, тахтни майдон ўртасига қўйиб, жазо қуролларини муҳайё қилишни буюрди. Шундан сўнг, йигит билан хотинни қўриқлаб келтиришларини буюрди. Ниҳоят, йигит подшоҳ олдига келган эди, подшоҳ унга: «Бизнинг ҳарамимизга ибосизларча қадам қўйиб киришга қандай ҳаққинг бор», деб бақирди. «Эй шоҳим, бу ишда айб хотинимдир. У доим менга, подшоҳнинг боғига бориб томоша қилайлик, дерди. Боғбон бизга дўст эди. Шундай бўлса ҳам мен унга, яхши эмас, бизнинг подшоҳ боғига боришимиз одобдан эмас, дердим. Хотиним менинг сўзимни эътиборга олма-

ди. Мана энди подшоҳнинг қаҳру ғазабига гирифтор бўлиб турибмиз», деди йигит.

Подшоҳ йигит ёнидаги хотинига яхшироқ боқиб кўрдик, канизак эмас, балки йигитнинг хотини экан. Подшоҳ жуда қаттиқ ранжиди ва халойиқ ўртасида ҳожибга минг қамчин уришни буюрди. Йигит билан хотинидан узр сўради ва: «Менинг боғим сизларникидир, қачон хоҳласангиз ўша пайтда келиб томоша қилинглар», деб фармон берди.

Йигитнинг балодан қутулиб қолишига сабабчи хотинининг ақл ва идроки эди. Агар хотин ғайрат қилмаганда эди, йигит ғазабга учраб ҳалок бўларди. Бундан маълум бўладик, оқила хотиннинг фикридан кўра эзгулироқ истеъдод йўқ.

СУЛТОН МАҲМУД ВА ХОТИН ПОДШОҲ

Султон Маҳмуднинг ҳукмронлик даврида Рай вилоятида бир хотин бор эди. У мазкур вилоятнинг подшоҳи эди. Унинг номи Расида дердилар. У ниҳоятда доно, билимдон ва зийрак эди. У Фахруддавланинг хотини эди. Фахруддавла вафот этгач, ундан Маждуддавла исмли бир ўғил қолди. Маждуддавла улғайиб балобатга етди. Лекин у отасининг ўрнини боса оладиган эмас эди. У беандиша эди, бинобарин, подшоҳликка номуносиб эди. Шундай бўлса-да, мамлакат унинг номига аталиб, давлат ишини онаси юритарди. У Рай, Даҳистон ва Исфаҳон вилоятларида ўттиз йил ҳукмронлик қилди.

Ниҳоят, Султон Маҳмуд Ироқ подшоҳлиги хотиннинг қўл остида, деб эшитди. У хотиннинг ҳузурига элчи юбориб деди: «Мамлакатингда менинг номимни хутбага қўшиб ўқитишинг, пулни менинг номимдан зарб этишинг ва менга ҳар йили хирож юбориб туришинг керак. Акс ҳолда беҳисоб аскарларим билан сенинг диёрингга бориб, аркони давлатингни ер билан яксон қилғумдир!»

Элчи сўзини тугатгач, Расида Султон Маҳмуд мактубига жавоб ёзишни буюрди-да, сўнгра элчига деди:

— Султон Маҳмудга шундай дегин: «Эрим Фахрулдавла тириклигида бизнинг диёрга ҳужум қилишинг ҳақида ўйлаб хавотирланар эдим. Аммо эрим вафот қилиб, ҳукмронлик менга теккач, бундай андиша ва қўрқувлар менинг кўнглимда бутунлай кўтарилди. Узимча, Маҳмуд зийрак подшоҳдир, ўзини билган подшоҳлар хотинлар билан жанг қилмоққа бормасликларини яхши билди, деб ўйлардим. Энди мен сен билан жанг қилишга тайёрман. Агар сендан енгилсам, менга номус эмас. Зероки подшоҳликни сақлаб қолмоқлик йўлида қилинган жангда мағлубиятга учрамоқ уят эмас. Агар сен мендан шикаст еб, мағлубиятга учрасанг, у ҳолда сенинг учун катта шармандалик бўлмай ва мен учун ниҳоятда зўр фахр содир бўлмай. Чунончи, одамлар «хотин кишидан енгилди», деб сени маломат қилурлар».

Бу сўз Султон Маҳмуднинг қулоғига етгач, асло Ироқни тилга олмади. Хотиннинг ақл-заковати туфайли, мамлакат душманлардан омон қолди.

МАРҲУМАНИНГ САРГУЗАШТИ

Бир тақводор кишининг ифбатли ва ҳаёли хотини бор эди. Хотиннинг номи Марҳума эди. Иттифоқо, у киши ҳажга жўнайдиган бўлиб, йўлга ҳозирлик кўраркан, ўз укасига: «Уйимдан хабардор бўл!» деб васият қилгач, ҳажга жўнаб кетди. Бир неча муддат ўтгач, хотиннинг уйига эрининг укаси келди ва эшик тирқишидан ичкарига қараб акасининг хотинини кўргач, кўнгли шайтоний йўлга мойил бўлиб, ака-укалар ўртасидаги шарм-ҳаё ҳам ёдидан кўтарилди. Ниҳоят, хотинга ўз ишқини изҳор қилди. Хотин номусли ва покдоман эди. Бу сўзни эшитгач: «Эй беҳаё, уялмайсанми, эй беномус, ор қилмайсанми? Бу сўзларингдан қайт, ҳожатингга мендан раво истама ва муродинг мендан ҳосил бўлмайди. Ҳар-

гиз зино қилиб номусимни барбод қилмагайман ва ҳаётимнинг соф чашмасини бу жиноятнинг андуҳи билан ифлос қилмагайман», деди. «Мен билан бирга бўл ва муродимни ҳосил қил! Агар рози бўлмасанг жонингга қасд қилурман», деди йигит. «Жондан кечсам кечаман, аммо бундай гуноҳ йўлга қадам қўймайман», деб жавоб берди хотин.

Йигит тўрт нафар ёлғон гувоҳларни топиб, хотинни қози маҳкамасига олиб борди. Гувоҳлар хотинни зино қилишда айблаб, ёлғондан гувоҳлик бердилар. Қози ўлимга ҳукм қилди. Гуноҳсиз хотинни биёбонга олиб бориб, тошбўрон қилдилар. Аммо худойи таоло унинг жонини омон сақлади. Хотин ҳушидан кетиб йиқилди. Одамлар «ўлди» деб гумон қилиб, хотинни ташлаб, қайтиб кетдилар.

Хотин ҳушига келиб, оҳ чекиб нола қиларди. Шу пайт саҳродан ўтиб кетаётган араб тошлар орасидан келаётган юракни эзувчи нолани эшитди. Бу нолага тош ҳам эрирди. Араб хотиннинг аҳволига ачинди. Уни тошлар орасидан четга олиб чиқиб, ўзи билан бирга олиб кетди. Марҳума тузалгач, унинг қадди-камолни аслига қайтди. Буни кўрган араб Марҳумани ўз никоҳига киритишга ҳаракат қилди. Марҳума арабга жавобан, менинг эрим бор, деб ўз бошидан кечирган воқеаларни ҳикоя қилди.

Араб художўй ва раҳмдил киши эди. Марҳумани синглим деб атаб, уни ўз ҳимоясига олди. Арабнинг бир хизматкори бор эди. Ниҳоятда бадкирдор ва ҳаёсиз эди. У Марҳумага ошиқ бўлди ва ўз аҳволини унга изҳор қилиб, ҳожатини раво қилишини Марҳумадан талаб қиларкан, агар рози бўлмасанг, сендан ўч олурман, деди.

Марҳума рад жавобини берди. Арабнинг ҳали ёшига етмаган ўғли бор эди. Араб ўғлини ниҳоят даражада ардоқлар ва севарди. Хизматкор мазкур болани бошини кесиб, унинг қонидан Марҳуманинг чопонига суртди ва пичоқни унинг ёстиғи остига қўйди. Эртаси куни болани ўлик ҳолда топиб, Марҳуманинг чопонини қонли ҳолда

кўришгач, унинг ёстиғи остидан пичоқни топиб олдилар. Фарзанд доғида куйган араб ва сохта қайғурган хизматкор Марҳумани ҳаддан ташқари калтакладилар, у ҳалокатга яқинлашди. Ниҳоят Марҳума худога илтижо қилди: «Эй худо, кўриб турибсан, ўзинг қўлла! Узинг билиб турибсан, додимга ет!!!»

«Эй Марҳума,— деди араб,— менинг фарзандимни нима учун ўлдирдинг?»

«Мен ўлдирганим йўқ», деб, бир неча қаттиқ қасамларни ичиб хизматкор воқеасини баён қилди Марҳума.

Араб Марҳуманинг рост гапираётганига ишонди. Марҳумага тўрт юз дирҳам олтин бериб, ўғлимнинг онаси ўз боласининг фироқида сенинг жонингга қасд қилмоғи муқаррардир. Бинобарин, менинг уйимдан чиқиб кет, деди.

Марҳума тўрт юз дирҳамни олиб, уйдан чиқиб боши оққан томонга қараб кетарди. Шаҳар четига етганда йўл устида қурилган дорга кўзи тушди. Дор атрофига жамоат йиғилган эди. Марҳума улардан сабабини сўради.

«Шаҳар амирининг бир одати бор; агар кимда-ким хирож тўламаса, уни дорга осдиради. Дор тагида турган йигит хирож тўламабди. Шунинг учун уни дорга осмоқчи», деб жавоб бердилар. «Сўраб кўринглар-чи, унинг қарзи қанча экан», деди Марҳума. «Тўрт юз дирҳам», дедилар.

«Менинг тўрт юз дирҳамим бор, мусулмончилик йўлида савобийлик учун бу йигитнинг қарзини бериб, уни ўлимдан халос қилай. Менинг ризқимни худонинг ўзи етказар», деб олтинни бериб, йигитни дордан қутқариб олди.

Йигит дордан қутулгач, ташаккур айтиш учун Марҳуманинг олдига келиб, унинг ҳусн-жамолини кўриб, қалби ишқ дорига осилди. Марҳумадан висол талаб қилди. Марҳума рад жавобини берди. Аммо йигит унинг орқасидан эргашиб борарди. Ниҳоят, дарё лабига етдилар. Марҳума кемага тушмоқчи бўлди. Бироқ, номард йигит:

«Бу менинг канизагим эди. Мендан қочиб бу ерга келибди», деди. Кеманинг эгаси савдогар эди. У йигитдан Марҳумани ўн минг дирҳамга сотиб олди ва унга яқинлашмоқчи бўлди. Марҳума фарёд чекиб: «Мен озод кишидурман, эрим бордир», деди. Марҳуманинг фарёдини эшитган кемадаги кишилар уни савдогар қўлидан қутқариб олдилар. Марҳуманинг ҳусн-жамолини кўрган кемадаги барча кишилар унга ошифта бўлиб, унинг билан бирга бўлишга қасд қилдилар. Марҳума худога нола қилиб ёлборди. Олло-таоло ўз инояти билан кемага ўт юбориб, кема аҳлининг барчасини ҳалок қилди. Марҳуманинг якка ўзи кемада қолди. Қаттиқ шамол туриб, кемани дарё қирғоғига олиб борди. Шаҳар халқи кемани томоша қилмоқ учун қирғоққа келган эдилар.

Марҳума яна бирор балога гирифтор бўлмаслик учун, эркакча кийим кийиб, кемадан тушиб шаҳар амирининг ҳузурига борди. Унга: «Сенга бир ҳожатим бор. Чунончи, ушбу кема тўла молларни сенга берурман. Эвазига сен ушбу шаҳар чеккасида менинг учун бир хужра бино қилдирсанг. Мен мазкур хужрада худонинг ибодатига машғул бўлсам», деди.

Подшоҳнинг буйруғи билан шаҳар чеккасида Марҳума учун хужра қурдилар. У ўша ерда тоат-ибодатга машғул бўлди ва дуоси мустажоб бўладиган бўлди. Бинобарин, бирор дардга мубтало бўлган ҳожатмандларни унинг олдига олиб келардилар. Марҳума эса дуо қиларди ва улар сиҳат топиб кетардилар.

Марҳуманинг эри ҳаждан қайтиб келгач, укаси унинг хотинининг кирдикори ҳақида ҳикоя қилиб, хотининг зино қилган эди, уни тошбўрон қилдилар, деди.

Шундан сўнг бир неча кун ўтгач, укасининг кўзи кўр бўлиб қолди. Акаси дарё бўйида дуоси мустажоб бўладиган зоҳид бор эмиш деб эшитди ва укасини кўтариб зоҳид томонга олиб борарди. Уларнинг йўли арабининг уйи олдидан ўтарди. Арабининг хизматкори ҳам кўр бўлган эди. Мен ҳам сизлар билан бирга борурман, деди-да,

хизматкорини кўтариб олиб йўлга равона бўлди. Уларнинг йўли дор тагидан озод қилинган йигитнинг қишлоғига тушди. Йигитнинг қари онаси бор эди. Йигит ҳам кўр бўлган эди. Онаси ўғлини олиб, уларга ҳамроҳ бўлди.

Улар дарё бўйига етганларида Марҳума ўз ҳужрасидан уларни кўриб таниди ва уларга: «Эртага бомлодда шаҳар амирини бирга олиб келинглар, токи сизларнинг ҳузурда дуо қилай», деди. Эртаси кунни ҳамма йигилгач, Марҳума деди: «Агар бу балодан халос бўлишни истасанглар, ҳар ким нима гуноҳ қилган бўлса ростини айтиб, гуноҳига иқроор бўлсин».

Эрининг укаси аввалига иқроор бўлмай, сўнгра барча қилмишларига иқроор бўлди. Йигит билан хизматкор ҳам ўз жиноятларини бўйнига олдилар. Бу воқеани барча шаҳар аҳли эшитди. Марҳума ҳожатмандларни дуо қилди, улар сиҳат топдилар.

Шундан сўнг Марҳума: «Билингларки, бу менинг эримдир ва мен ўша ўлдирилган Марҳумадурман. Яратган олло-таоло менинг тўғрилигим ва поклигим туфайли ҳамма балолардан омон сақлади», деди.

ХОЖА ВА КАНИЗАК

Бағдодда бир йигит бўлиб, унга отасидан ҳисобсиз бойлик мерос қолган эди. Йигит бир созанда канизакка ошиқ бўлиб қолди. Ниҳоят, канизакни эгаси айтган баҳода маблағ тўлаб сотиб олди. Бир неча муддат канизак билан висол тахтида барқарор бўлди. Оқибатда, барча мол-мулкидан ажралиб, қашшоқлик даражасига етишди. Қашшоқлик шикваси ёруғ дунёни унга тор қилиб қўйди. Канизак унга қараб деди: «Эй хожа, давлатмандлик даврингда исрофга йўл қўйиб, ўз мол-мулкингни совурдинг. Энди афсусланишнинг фойдаси йўқ, бирор иш қилгинки, сабаби тирикчилик бўлсин!»

Йигит латиф табиатли ва зийрак эди. У канизакка

муסיқа илмидан таълим бериш учун ҳар доим муסיқа илмининг устозларини уйига таклиф қиларди ва уларни гоётада эҳтиром билан кутарди. Йигитнинг муסיқага бўлган ҳаваси шунчалик эдики, у ҳар доим уйига келган созандалар ҳузурда ўтириб, улардан муסיқа илмидан таълим оларди. Бинобарин, йигитда муסיқа илмидан кўпгина билим ва тажриба вужудга келди. Чунончи, муסיқа соҳасида етук маҳоратга эришди.

Қашшоқлик гирдобига тушгач, дўстини ўз ҳузурига чақириб, қандай чора-тадбир кўриш лозим эканлиги ҳақида у билан маслаҳатлашди: «Мол-дунё қўлдан кетди. Энди бу дардимни кимга айтиб, кўнглимни ғамдан бўшатишни билмайман. Қандай чора топсам экан?» Дўсти унга маслаҳат бериб: «Сенинг қўлингдан эндиликда ўзингни созандаликда машҳур қилиб, канизак билан бирга бадавлат кишиларнинг мажлисида бўлиб, ундан тушган даромад бадалига айш-ишратда яшашдан бошқа ҳеч иш келмайди», деди. «Сенинг берган маслаҳатингга амал қилишдан кўра, ўлим афзалроқ кўринади менга», деди йигит.

Шундан сўнг, бир неча вақтгача оғир аҳволда кун кечирди. Кунлардан бир кун канизак йигитга: «Эй хожа, агар маъқул кўрсанг, гарчи ўлимимга тенг бўлса ҳам, сенга бир йўл кўрсатай», деди. «Қандай йўл экан?» сўради йигит. «Гадолик бошимизга тушмасдан туриб, мени бозорга олиб бориб сот. Ҳар ҳолда мени бадавлат пулдор одам сотиб олади. Менга берилган маблағни кам-кўстингга сарфлаб ўзингни тузатиб оласан ва бу машаққатдан қутуласан», деди канизак.

Канизакдан бу сўзни эшитган бечора йигит кўнгли дард-алам билан тўлган ҳолда канизакни бозорга олиб борди. Басралик давлатмандлардан бир йигит томоша учун Бағдодга келган эди. У бозор айланаркан, унга канизакни кўрсатдилар. Басралик йигит канизакни кўриб маъқуллади ва бир минг беш юз динор нақд олтинга сотиб олди. Йигит канизак бадалига олган олтинларни

қўлда тутиб тураркан, кўзларидан тўхтовсиз ёш оқар ва қалб фарёди оҳ-нола билан уйғунлашарди. Канизак ҳам оҳ-нолалар билан йиғларди. Басралик йигит эса изтироб чекарди. Йигит канизакни сотганига пушаймон бўлиб, савдони қайтаришга ҳаракат қилса-да, фойдаси бўлмади. Бечора йигит ночор олтинни олиб, бошини қуйи солганича ҳайронликда уйи томон равона бўлди. Йўлда кетаётиб ўзича: «Агар уйга борсам, уйни канизаксиз кўрсам, у ҳолда жинни бўлиб қолишим муқаррардир», деб ўйлади ва ўзини бир оз овутиш учун масжидга кирди. У масжидга киргач, жуда кўп йиғлади ва ниҳоят уйқу ғалаба қилди. У чўнтагидан ҳамённи олиб боши остига қўйиб, бир оз мизғиди... Йигит ҳикоя қилади:

— Уйқумда биров мендан бир нарсани олгандек бўлди. Ногоҳ, уйқудан уйғониб бир ёш йигитни кўрдим. У менинг бошим остидаги ҳамённи олиб, кўчага қараб қочди. Мен унинг орқасидан қувмоқчи бўлиб ўрнимдан турган эдим, бироқ оёқларимни чилвир билан боғланганини кўрдим. То мен чилвирни ечиб кўчага чиққунимча, йигит кўздан ғойиб бўлган эди. Ғам-андух ўти қалбимни куйдирарди. Кўз ёшларим тўхтовсиз оқарди. Бошимга тупроқлар сочиб, қисматимдан нолиб, гоҳида ёр, гоҳида динор фироқида йиғлардим. Ниҳоят, ўлишни ўзимга раво кўриб, дарё бўйига бордим. Бошимдаги рўмол билан кўзимни боғлаб, ўзимни дарёга ташладим. Сузишни билмаганим туфайли ғарқ бўлишимга оз қолди. Қайиқчилар мени сувга беихтиёр йиқилиб тушди деб ўйлаб, мени гирдобдан олиб чиқишди. Ҳар қайсилари менинг аҳволимни сўрардилар. Ноилож, уларга ўз аҳволимни ҳикоя қилдим. Баъзиларининг менга раҳми келарди, баъзилари эса девона деб қарардилар. Улар орасидан бир мўйсафид мени бир чеккага олиб чиқиб насиҳат қила бошлади: «Жон болам, бойлигинг кетди, дилдоринг қўлдан кетди, энди жонингни ҳам елга совурмоқчимсан? Ҳар ким ўз жонига қасд қилса дўзах ўтига йўлиқиб, охиратда азоб-уқубатларга гирифтор бўлишини билмайсанми?»

Фақирлик кийимини кийган ва қашшоқлик гирдобига тушиб қолган фақат биргина сенмисан?.. Бу ёмон феълингдан қайт! Умидингни худодан сўраб, уйингга бор, машаққатли туннинг тонги ва ғафлатда қолган бахтнинг равнақи келса ажаб эмас».

Мўйсафиднинг ваъз-насиҳатидан сўнг менда бир оз хушнудлик вужудга келди. Ўрнимдан туриб уйга келдим. Уйни кимсасиз кўриб, девона бўлишимга оз қолди. Ўрнимдан туриб, дўстимнинг ёнига бордим ва унга бошимдан кечирганларимни ҳикоя қилдим. Дўстим аҳволимга ачиниб кўп йиғлади ва ёнидан эллик динор чиқариб менга бераркан: «Бу арзимас маблағни олиб, насиҳатимни қабул қил! Бу шаҳардан чиқиб бошқа томонга кет! Саводли кишисан, бирор устахонага бориб илтижо қилсанг хизматга олурлар. Қотиблик билан шуғуллан! Шояд тортган машаққатларинг ҳаловатга мубаддал бўлиб, олло-таоло сени бу қора кунлардан ёруғликка чиқарса», деди.

Мен эллик динорни олиб дарё бўйига келдим. Дарёда устига қимматбаҳо моллар тахланган ва ҳаддан зиёд кўп озиқ-овқат ортилган шахсий кемани кўрдим. Мен қайиқчилардан: «Ораларингизда бирор киши борми, мени бирор восита билан ушбу кемага жойлаштира», деб сўрадим. «Икки дирҳам берсанг, мен сени ушбу кемага жойлаштириб қўяман. Лекин шунин билгинки, бу кема басралик бадавлат йигитнинг кемасидур. Аммо сени бу кийиминг билан кемага жойлаштира олмаймиз. Сен қайиқчилар кийимини кийиб ол. Токи хўжайин сени кўриб қолса, қайиқчилардан бири, деб гумон қилсин», деб жавоб берди қайиқчилардан бири.

Бу сўзни эшитганимдан сўнг, кемадаги мол-дунё ва асбоб-ускуналарни кўриб, ўз-ўзимга дедим: «Бу кема ҳойнаҳой, канизагимни сотиб олган ўша йигитники бўлса керак!...»

Мен қайиқчилар хонасининг эшиги олдида ўтирдим. Бирор соатдан сўнг ўз канизагимнинг келаётганини кўр-

дим. Унинг хизматида яна бошқа икки нафар канизак ҳам бор эди. Кўзим ёрнинг жамолига тушиши ҳамона гайб пардаси остидан мақсуд жамолини кўрсатгани учун худога беҳад шукрлар қилдим. Бирор соатдан сўнг басралик йигит ҳам бир неча хизматкорлари билан келди. Улар кемага чиқиб ўтиришгач, кема йўлга равона бўлди.

Бир оздан сўнг ошпазлар таом келтирдилар. Йигит билан канизакка алоҳида таом келтириб, қолганини хизматкорларга бердилар. Қайиқчиларга ҳам таом келтирдилар. Таомдан сўнг йигит канизакка хитобомуз: «Ахир қачонгача оҳ-нолалар давом этади?! Ҳали ҳам хурсанд бўлиб, ўзингни ширин ва хуш наволаринг билан менга мезбонлик қиладиган вақт етишмадими?! Ўз маҳбубидан айрилиб, дилдоридан маҳрум бўлган фақат биргина сен-мисан?! Сендан илгари ҳам кўп кишилар ушбу жомдан айрилиқ майини ичиб, охирида сабр либосини кийганлар», деди.

Шундан сўнг, канизакдан бир марта чангда куй чалиб беришини илтимос қилдилар. Канизак торни қўлга олиб созлаб, дамсози ва ёридан ажралгани ҳақида ғамгин куйлади.

Шундан сўнг, канизак чунон йиғладики, кўзларидан шашқатор ёш оқарди. У қайғу-изтиробга тушгани туфайли соз чалишдан тўхтади. Канизак атрофида ўтириб муסיқа тингловчиларга бир нафаслик шод-хуррамлик захар-заққум бўлди. Худди шу пайт мен беҳуш бўлиб йиқилдим. Қайиқчилар эса мени йиқилиб тушди, деб гумон қилдилар. Баъзилари юзимга сув сепар ва баъзилари қулоғимга азон айтиб қичқирардилар. Бирор соатдан сўнг ҳушимга келиб қарасам, кемадаги кишилар канизакни гоҳ дўқ-пўписа, гоҳ муросаю мадора юзасидан маломат қилардилар. Канизак яна қўлига торни олиб ҳижрон байтларини тараннум қилди.

Шундан сўнг илиқ шабада эсиб, кўнгулларни юмшатиб, орадаги совуқ муносабатларга хотима берди. Канизак эса яна йиғига тушиб, соз чалишдан тўхтади. Мен

наъра тортиб ҳушдан кетдим. Баъзи кишилар мени охи-рат сафарига равона бўлган бўлса керак, деб гумон қилдилар ва бир-бирларига қараб дедилар: «Бу девона қадердан бизга йўлиқди?»

Улар бирор қишлоққа етиб боргандан сўнг мени кемадан ташлаб кетишга қарор қилдилар. Мен бу сўзни эшитгач, бошимга тоғ қулагандай бўлиб, ҳижрон ва айрилиқ азобидан қайтадан ўлишимга оз қолди. Ниҳоят, мен ўзимга ўзим: «Бир оз сабр қил, токи аҳволимдан хабардор бўлсин», дедим.

Шундан кейин, кема шаҳарга яқинлашди. Кемани дарёнинг қирғоғига келтириб қўйиб, ҳар ким ҳар қаёққа тарқалди. Мен бир оз кутиб турдим. Бирор соатдан сўнг канизаклар ташқарига чиқдилар. Мен дарҳол ичкари кириб, канизакнинг торини олиб, унинг созини бошқа созга қўйдим. Бу созин мендан бошқа одам чала олмас эди. Мен торни яна ўз жойига қўйиб, ўримга қайтдим.

Ниҳоят, кема аҳли қирғоқни сайр қилиб бўлгач, қайтиб келдилар. Уша тун ойдин эди. Ойнинг ёғдуси кечани кундек ёритиб турарди. Кема аҳли канизакдан: «Шундай ойдин кечада ўз қайғу-ҳасратларинг билан бизни вақтимизни олиш ўрнига, бизга мезбонлик қилсанг нима бўлади?» деб илтимос қилдилар. Канизак қўлига торни олиб, камончани торга тегизиши биланоқ, наъра тортиб: «Худо ҳаққи, бу созин менинг хошам созлабди, у албатта биз билан шу кемададир», деди.

«Кошкийди хошанг шу кемада бўлса, оҳ-нолани камроқ қилардинг ва биз сенинг хуш овозингдан баҳраманд бўлардик. Аммо бу ерда бегона кишининг бўлиши гумон,— деди басралик йигит ва қайиқчиларга қараб, бирор бегона кишини кемага олганмисизлар?» деди. Қайиқчилар «йўқ» деб жавоб бердилар. Мен басралик йигитнинг қайиқчилар сўзига ишониб, мен ҳақимда қайта суриштирмай қўйишидан қўрқиб, овоз бердим: «Эй хожа, сен суриштириб, қидираётган киши мен бўламан!»

Шу пайт олдимга бир қул келиб, мени ўз хожасининг

хузурига бошлаб борди. Басралик йигит меннинг аҳволимни кўриб раҳми келди ва мендан сўради. «Бу қандай ҳол?»

Мен ўз аҳволимни бошидан охиригача ҳикоя қилдим. Басралик йигитдан тортиб кемадаги барча кишиларнинг менга раҳми келиб, кўп йиғладилар. Ичкаридан канизакнинг йиғлаган товуши қулоғимга эшитиларди. Мен ғам-аламли қиссамни тугатганимдан сўнг басралик йигит қасамёд қилиб, деди: «Мен бу канизакни сендан сотиб олганимдан буён унга қўл тегизганим йўқ ва унинг хуш наволаридан ҳеч баҳраманд бўлганим йўқ. Мен давлатманд кишидурман. Бағдодга ашула ва мусиқа эшитиш ҳамда томоша қилиш ҳаваси билан келган эдим. Халифа матлабимни берди. Бағдоддан қайтаётиб, бағдодлик созанда канизаклардан бирини сотиб олиб ўзим билан бирга олиб кетишга қарор қилдим. Басрага боргач, бошқа канизаклар билан бирга гоҳо-гоҳо менга соз чалиб берса, деган умид билан ушбу канизакни олдим. Эндиликда сизларнинг аҳволларингиз менга маълум бўлди. Сен асло ғам ема. Мен ҳар вақт йиқилганини суяб қолишни ёхуд бирор бечораҳолга эҳсон қилишни истардим. Худонинг гувоҳ қилиб айтаманки, Басрага етиб боргач, канизакни озод қилурман ва сенга хотинликка берурман. Шунингдек, барча асбоб-рўзгорингизни муҳайё қилурман. Аммо бир шартим бор, агар шунга вафо қилсанг...»

«У қандай шарт экан?» деб сўрадим. «Шарт шулки, қачонки менда унинг ашуласини эшитиш иштиёқи туғилса, уни ўзинг билан бирга олиб келасан ва у парда ортидан мен учун соз чалиб, тараннум қилади. Уйга қайтаётганигда яна ўзинг билан бирга олиб кетаверасан», деди.

Мен унинг оёқлари остига йиқилиб, унинг ҳақиға дуо қилгач: «Мени йўқлик дунёсидан яна қайта ҳаётга қайтарган ва ҳалокат чангалидан қутқарган кишига қандай қилиб йўқ дейман...» дедим.

Шундан сўнг, қулни чақириб, меннинг кийимларимни алмаштиришга буюрди. Олдимга яхши таомлар келти-

ришди. Мен у инъом қилган кийимларни кийиб, унинг хузурига бордим ва энг яқин кишилари қаторидан жой олдим.

Канизак хурсандлик билан тараннум қилар ва шароб сўраб ичарди. Мен канизакдан энг яхши ва жозибали мусиқа ва ашулалардан тараннум қилишини илтимос қилардим. Канизак эса кетма-кет тараннум қиларди. Кема аҳлининг ҳаммаси гоётда шод-хуррам эдилар.

Кема ҳамон дарёда равон сузарди. Ниҳоят, Му-аққад (шўх) дарё деган мавзеъга етдик. Ҳамма маст ва ақлдан озган эди. Кемани дарё қирғоғига чиқардилар. Мен бирор соат уйқуга кетдим. Мен ўша ерда ухлаб қолибман. Кема аҳли эса кемани яна сувга тушириб жўнаб кетибди. Мен ғафлатда қолган бахтим туфайли, тонг отиб, қуёш чиқиб, ҳарорати менга таъсир қилгунга қадар ухлаб қолибман. Дарё бўйига келиб, ҳеч кимни учрата олмадим. Шунингдек, кемада шунча кун бирга сузиб, басралик йигитнинг ном-насабини ҳам сўрамаган эканман. Унинг Басранинг қайси мавзеъида яшашини ҳам билмас эдим. Ранж ва машаққат яна бир марта ўзини кўрсатди. Мен дарё бўйида беҳуш бўлиб йиқилдим. Бир оздан сўнг ўзимга келдим. Бироқ ҳолдан тойган эдим. Ҳар дам ўз-ўзимга дердим: «Шунча кўрганларимни тушимда кўрдиммикан?»

Ниҳоят, бир қайиқ мен томондан ўтиб қолди. Овоз қилдим. Қайиқни дарё қирғоғига келтирдилар ва мен қайиққа ўтирдим. Басрага келдим. Басра улкан шаҳар бўлиб, халқи кўп экан. Мен у ерда ғариб эдим. Хузурига борай десам ақалли бирор танишим ҳам йўқ эди. Мен саройга тушдим ва бундан кейин нима қилишимни билмай, ҳайроналикда қолдим. Қўлим ва қалбим дилдор оғзи каби тор, чўнтак эса худди ёрнинг хипча белидек нозик ва ингичка эди. Бирор таниш учратиш умидида кун бўйи шаҳарни кездим. Ногоҳ кўзим бағдодлик йигитга тушди. Мени у билан танишлигим бор эди. Ундан са-

вол қилмоқчи бўлдим, бироқ ҳаё йўл қўймади. Унинг орқасидан бориб, уйи қаердалигини билиб қайтдим.

Шундан сўнг, баққоллик дўконига бориб, бир оз қоғоз билан сиёҳ олдим ва баққолнинг ҳузурида ўтириб ўз аҳволимни бошдан охиригача ёздим. Баққол менинг хатимни кўргач, маъқул тушиб, менинг аҳволимдан сўради. «Давлатмандликдан қашшоқликка юз тутган бир кишиман. Бу шаҳарга ғариб бўлиб келганман. Тирикчилигим оғир аҳволдадир. Бинобарин, қандай бўлмасин зарурат юзасидан бир кишига хат ёзмоқдаман. Шояд менга тамадди бўлгудай бирор нарса эҳсон қилса», дедим.

«Агар хизмат қилмоқчи бўлсанг, менинг дўконимдаги ҳар кунлик кирим ва чиқимни ёзиб турасан. Бу хизматнинг эвазига ҳар кун ярим дирҳам ҳақ тўлайман. Бундан ташқари, овқатинг ва кийимингни ҳам бериб тураман», деди баққол.

Ниҳоят, мен баққолнинг хизматига киришга розилик бердим. Хатни эса йиртиб ташладим. Бир ой давомида баққол дўконининг кирим-чиқимини ҳисобга олиб бордим. Мендан аввал дўконга ишга олинган қуллар хиёнат қилиб, баққолнинг кийимлари ва молларини ўғирлар эканлар. Уларнинг хиёнати ва шумлиги туфайли дўкондан барака кўтарилган экан.

Ниҳоят, мен бир ой давомида дўконнинг кирим-чиқимини ҳисоблаб, ёзиб баққолнинг олдига қўйдим. Баққол чиқимнинг оз ва киримнинг кўпайганини кўргач, мени омонатга хиёнат қилмаганимни фаҳмлади. Бу хизматим учун менга кўп ташаккурлар айтиб, кундалик иш ҳақимни бир дирҳам қилиб белгилади.

Шундай қилиб, мен баққолнинг хизматида қолдим. Шароитга қараб иш олиб борганим туфайли, баққолнинг менга ихлоси ошди. Унинг қизини ўз никоҳимга киритишимни мендан илтимос қилди. Мен рози бўлдим. Мен унинг қизини никоҳимга киритдим ва бир неча вақт бирга яшадик. Бу давр ичида мен шикаста дил ва ғамгин бўлиб юрардим ва бирор соат йнғидан ўзимни тўхтата

олмас эдим. Қачон шаробхўрликка чақиришса албатта рад қилардим ва дердим: «Шароб ичмасликни азиз-авлиёлар руҳига назр қилганман».

Икки йил шу тариқа ўтди. Кунлардан бир кун, барча кўнгул очадиган томоша асбобларини кўтариб шаҳар дарвозаси томон кетаётган бир гуруҳ кишиларни учратдим. Бу ҳолни кўриб, улардан сабабини сўрадим. Улар: «Бугун мажусийлар ҳайитидир. Барча ҳангоматалаб кишилар Иблага томошага борадилар», деб жавоб бердилар.

Шундан сўнг мен ҳам томошага бормоқчи бўлдим. Томоша вақтида басралик йигитнинг хос кишиларидан бирортасини учратиб қолсам деган умидда эдим. Ушбу мақсадни кўнгилга тугиб, баққолдан ижозат сўрадим. У ижозат бериб, яхши таомлар тайёрлаб берди. Қул билан бирга кемага ўтириб, Басранинг Ибласига борардим томоша қилиб. Кемалар кўп, одамлар эса ундан ҳам кўп эди. Кемалар орасида басралик йигитнинг ўша кемасини кўрдим. Кемада ўша мен кўрган кема аҳлининг барчаси ўтирар эдилар. Улар бир неча хушовоз хонанда ва созандалар, шунингдек, хушбичим, хушрафторлардан ўзлари билан бирга олиб, дарёнинг ўртасида ўйин-кулгига машғул эдилар. Уларни кўргач, шодлигимдан ақлим бошимдан учди. Тортган машаққатларим эсимдан чиқди. Ғамандуҳ лашкарини қувлаб, ўзимни улар томонга отдим. Улар мени кўриб худога ҳамду сано айтдилар. Улар мени ўз ҳузурларига олиб бориб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Ўз қиссамни бошидан охиригача шарҳладим.

Ўша кечаси кемада ташқарига чиққанингдан сўнг тонготарда кемани сувга тушириб йўлга равона бўлдик. Сен эса ўша ерда қолиб кетдинг, деб сўз бошладилар кема аҳли. Сени қанчалик қидирсак ҳам топа олмадик. Қайиқчилар, сени ўша тунда қаттиқ маст ҳолда дарёга тушган эди, сувга ғарқ бўлган бўлса ажаб эмас, дедилар. Қанизак бу сўзни эшитгач, кийимларини йиртиб, торини ерга уриб синдирди. Сочларини юлиб, чандон фарёд чек-

дики, жамики қушлар ва балиқларнинг унга раҳми келди. Биз унга тасалли бериб, сизларни бир-бирингизга қўшмоқликка хожанга ваъда берган эдик. Аммо тақдир тақозоси бунга вафо қилмади. «Энди сенинг учун нима қилайлик», дедик. Канизак биздан илтимос қилиб: «Мени Басрада бир уйга қўйинг. Ҳар кун оз-оз тамадди бериб туринг. Уйнинг ичига бир қабр ясашга ижозат беринг. Токи, мен кечаю кундуз ушбу байтул-аҳзоннинг мулозими бўлай. Шояд бу тошга айланган жоним, тан қафасидан бир йўда озод бўлиб, руҳ қуши тан қафасини синдирса», деб қора кийим кийиб, кўз ёшини селдек қурди, дедилар.

Биз ўша куни ўша ерда бўлиб, эртаси Басрага қайтдик. Мени канизак ҳузурига олиб бориб, унинг уйига киритдилар. Бечора канизак мени кўриши ҳамоно паъра тортиб, ҳушидан кетди. Уша ерда ҳозир бўлганлар: «Магар канизакнинг жони танидан парвоз қилган бўлса керак»,— деб гумон қилдилар. Бирор соатдан сўнг ўзига келгач, бир-биримиз билан қучоқлашиб, бошдан кечирган гам-кулфатларимизни ҳикоя қилишдик.

Шундан сўнг, басралик йигит менга шундай деди: «У сенинг ҳукмингдадир, ўзинг билан бирга олиб кет!»

«Эй хожа, уни озод қилиб, сўнгра биз учун бир қасри олий бунёд қилиб, барча рўзгор асбобларимизни муҳайё қилиб беришга қарор қилган эдинг...» дедим. У барча сўраганларимизни бериб, яна беш юз динар олтин бераркан: «Мен Басрага етиб келган кунимиздан бошлаб, сен учун эҳсон ажрата бошлаган эдим. Энди вақт-соати келди, бу йиғилган маблағни олиб, ўз эҳтиёжингга сарфла!» деди. Яна мен билан канизакка ҳар ойда муайян маош белгилаб, шартимиз аввалгидек қолади. Қачонки менда унинг ашуласини эшитиш иштиёқи туғилса, парда орқасида туриб мен учун соз чалиб, тараннум қилсин. Қайтаётганингда яна бирга олиб кетаверасан!

Басралик йигитнинг биз учун қурган қасрига бордик. Уша ерда яшай бошладик.

ҲУКМДОРЛАР ИБРАТИ

СИР САҚЛАШ ҲАҚИДА

Шопур²³ номли подшоҳ ўз вазири ва яна аркони давлатидан бир киши билан давлат ишлари ҳақида кенгашаётиб, муҳим давлат сирини уларга айтди. Шоҳдан муҳим давлат сирини эшитган ҳамоно вазир ўрнидан туриб ер ўпиб шоҳга таъзим қилиб: «Подшоҳ биз бандаларини ўз сирига маҳрам қилди. Аммо, подшоҳга вожиб эдиким, бизни алоҳида-алоҳида чақириб, сирни айтмоғи лозим эди. Токи ҳар биримиз «шоҳ ўз сирини фақат менга айтди», деган хулосага келмоғимиз даркор эди. Ана шунда биз бир-биримиздан шубҳаланмас эдик ва сирни сақлашга жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилардик. Мабодо, сир ошкор бўлган тақдирда, сирни ким ошкор қилган ва ким сирни сақлай олганлигини подшоҳ дарҳол аниқлаши мумкин бўларди», деди.

Шоҳ деди: «Сенинг бу сўзларинг, сир сақлаш борасида носихларнинг минг хил насиҳатларидан кўра минг марта афзалроқдир».

АБУ НАСРНИНГ ҲИКОЯСИ

Дедурларким, султон Яминуддавла Маҳмуд Сабуктегин бир неча вақтдан буён Аёзнинг синглисига мафтун бўлиб, уни ўз никоҳига олишни ўйлаб юрарди.

Лекин аъёни давлат ва хослардан андиша қиларди. Бир неча муддат шу аҳволда юрди.

Кунларнинг бирида Абу Наср²⁴ султон Яминуддавла хизматига келди. Абу Наср шундай ҳикоя қилади: «Кечаси султоннинг мажлисида ўтирган эдим. Мажлис тугагач, султон оёғини мен томонга узатди. Султон одатига кўра, бу «оёғимни уқала», дегани ва бирор сир айтмоқчи бўлгани эди. Бир оздан сўнг султон деди: «Ҳакимлар уч кишидан сир сақламаслик лозим, деганлар. Табибдан, насиҳатгўй дўстдан, мухлис ва оқил хизматкордан. Кўрдан бери кўнгилда бир андиша бор. Бу кеча ушбу сирни сенга айтаман, қани, сен нима деркинсан». Агар подшоҳ мени ўзларига ҳамрозликка муносиб кўрган бўлсалар, бу бандада не ҳаддур. Банда учун ҳар қандай хизматга камарбаста бўлиб турмоқлик вожибдир», дедим.

Султон сўз бошлади: «Кўп вақтлардан бери Аёзнинг синглисини ўз никоҳимга киритишни хоҳлайман. Аммо атрофдаги қўшни подшоҳлар мени ақлсиз ва фаросатсизликда айбашларидан қўрқаман. Шунингдек, сарой аъёнларининг ғийбатларидан андиша қиламан. Бу борада сен нима дейсан? Бирор подшонинг ўз фуқаросига уйланганини тарихда ўқиганмисан?»

Мен: «бу борада мисоллар кўпдир. Сомонийлар сулоласининг барча ҳукмронлари ўз қўл остларидаги чўри ва хизматкорлардан ўз никоҳларига киритганлар. Бинобарин, бу хабарни эшитган кишилар подшоҳни бу масалада гуноҳкор ҳисобламайдилар. Подшоҳнинг ўзларига маълумки, Қубод Туркистонга кетаётиб, Исфарайин шаҳрида бир деҳқон қизига уйланди. Бу никоҳ натижасида Анушервон дунёга келди. Ажам тарихидан ўқиб-дурманким, Баҳром Гўр гозурнинг қизини ўз никоҳига олган», дедим.

«Бу ҳикоят қандай эди?» деб сўради султон. Мен ҳикоя қилдим:

— Кунлардан бир кун Баҳром Гўр овга чиққан эди.

Ногаҳон бир кийикнинг шарпасини сезиб, кийик орқасидан от чоптириб, узоққа кетди ва лашкарларидан узоқлашиб, йўлдан адашди. Ниҳоят, ташналикдан қийналиб юриб-юриб бир қишлоқнинг устидан чиқди. Қишлоқнинг четидан оқаётган катта сув олдида кир юваётган бир кишини кўрди. У киши ўз хотини ва қизи билан бир неча чопонларни юваётган эдилар. Баҳром улар тепасига бориб: «Эй гозур²⁵, менга сув бер», деди. Гозур ўрнидан туриб, Баҳромга таъзим қилди ва хотинига: «Эй хотин, подшоҳга сув бер», деди. Хотин ўрнидан туриб жомни қўлига олди ва бир неча бор ювгач, қизига қараб: «Қизим, подшоҳга сув бер!» деди. Қиз жомга сув тўлдириб Баҳромга олиб борди. Баҳром қизга боқиб кўрдик, қиз ҳусн-малоҳатда беназир ва камолот ёшида эди. Баҳром кир ювувчи кишига қараб: «Эй гозур, бугун мени меҳмон қиласанми?» деб сўради.

Гозур подшоҳга жавоб бераркан: «Агар подшоҳ бизнинг қаттиқ нонимиз ва кўз ёшимизга қаноат қилсалар, имконимиз борица мезбонлик қиламиз», деди. Шундан сўнг, сув бўйига покиза жой солиб, Баҳромни ўтқазди. Баҳромнинг отини олиб дарахтга боғлади. Шоҳ олдига солиш учун тоза дастурхонни қизига топшириб, ўзи шошганича қишлоқ томон кетди. Бир оздан сўнг таом ва шароб келтириб, қадаҳни қизига бериб, подшоҳга соқий бўл!— деди. Қиз қадаҳни тозалаб ювиб, сўнгра шароб тўлдириб подшоҳга тутди. Подшоҳ қизнинг қўлидан қадаҳни олган эди, қиз Баҳромнинг қўлини ўпди. Баҳром қизга қараб: «Бўсаннинг жойи қўл эмас, лабдир. Токи, лаб лабдан баҳраманд бўлгай», деди. Қиз Баҳромга жавобан таъзим қилиб, «ҳали вақт-соати етганича йўқ», деди. Подшоҳ бу малоҳатдийдор ва латофатгуфторликдан ҳайратга тушди. Қиз билан подшоҳ шу ҳолда турганларида, подшоҳнинг аскарлари подшоҳ изидан етиб келдилар. Подшоҳ қизга қараб, бу жамоатдан юзингни яшир, деди. Қиз дарҳол юзига ниқоб тортди.

Шундан сўнг подшоҳ Баҳром қизни тахтиравонга ўтқазиб ўз саройига олиб кетди ва ўз никоҳига киритди. Қизнинг ҳусн-жамолидан Баҳромнинг шабистони мунаввар бўлди, деб ҳикояни тугатдим.

Султон Яминуддавла бу ҳикояни эшитиб бўлгач, ўз ҳарамига кетаркан, Абу Насрга қараб, мени зўр машаққатдан қутқардинг, деди.

Шундан сўнг, икки кун ўтгач, Султон Аёзнинг синглисини ўз никоҳига киритди.

ҲАЖЖОЖНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Зайд бин Мусо бин Жаъфар Табаристон сари ҳужум қилди. Уни даф қилмоқ учун Ҳасан Саҳл аскар тортиб Табаристонга борди ва Зайд бин Мусо аскарини тормор келтириб, ўзини асирга олди. Зайд бин Мусони ўлдирмоқ қасдига тушди. Ўз аскарларидан энг забардаст ва жасурларини тўплади ва Зайд бин Мусони олиб келтириб унга: «Нима қиларингни билмай эсанкираб, фитна уюштириб, қонлар тўқдинг, вилоятларни хароб қилиб, халқ ўртасига иғво солдинг», деди ва ўз аскарларига қараб, сизлар бунга қандай жазони лойиқ кўрасизлар, деб сўради. Ҳамма жим турарди. Шу вақт Қусам бин Жаъфар ўрнидан туриб: «Ё амир, уни қатл қил, агар сен уволдан қўрқсанг, увол менинг бўйнимга», деди.

«Жаллодни чақиринг!» деди Ҳасан Саҳл. Жаллод келгач, Зайднинг калласини олишга фармон берди. Аммо бу мажлисда басралик Ҳажжож Хайсма ҳам бор эди. У мусулмончиликка эътиқоди, донолиги билан Басра шаҳрида машҳур эди. Ҳажжож ўрнидан туриб: «Ё амир, жамоатга маслаҳат солган экансан, ҳар бир кишининг фикрини сўрашинг лозим эди. Менинг бир насиҳатим бор; эшит, сўнгра фармонингни беравер!» деди.

Ҳасан Саҳл Ҳажжожни ўз ҳузурига чақириб, — бу борада сен қандай маслаҳат берардинг? — деб сўради.

— Агар Зайдни асир олсанг, уни ўлдир деб амирулмўминини сенга фармон берганми? — деб сўради Ҳажжож.

— Йўқ, — деб жавоб берди Ҳасан Саҳл.

— У ҳолда сен бу томонга келаётиб, агар Зайдни асир олсам уни ўлдирайми деб амирулмўмининдан сўраганмидинг?

— Йўқ.

— Бу киши (Зайд ибн Мусо) амирулмўминин амакисининг ўғлидир. Агар сен уни ижозатсиз ўлдирсанг ва қайтиб бориб, амирулмўмининдан ўлдиришга ижозат сўрасанг, у эътироз билдирса, у ҳолда нима деб жавоб берасан?.. Сен Жаъфар Яҳё Бармакий қиссасини эшитмаганмисан?

— У қандай бўлган экан?

«Амирулмўминин Ҳорунарашид, — деб қиссани бошлади Ҳажжож. — Абдуллани сақлаб туриш учун Жаъфар Яҳё қўлига топширди. Бироқ Жаъфар Яҳё ботирлик қилиб, амирулмўминин Ҳорунарашиднинг оғзаки фармонига кўра Абдуллани қатл қилдирди. Абдулланинг калласи билан бир неча қимматбаҳо нарсаларни бирга қўшиб амирнинг ҳузурига юборди. Иттифоқо, Ҳорунарашид билан Бармакийлар ўртасига нифоқ тушди. Ҳорунарашид ўз жаллоди Масрурни чақириб: «Сен бориб Жаъфар Бармакийнинг калласини кесиб олиб кел! Агар Жаъфар сендан: «Менинг қандай гуноҳим учун амирулмўминин ўлдиришга буюрди», деб сўраса, унга: «Мен Жаъфарни амакимнинг ўғли Абдулла Фатсни менинг фармонимсиз қатл қилгани учун ўлдиришга буюрдим», дегин.

Мабодо, сен ҳам Зайд ибн Мусони амирулмўмининдан ижозат олмай ўлдирсанг, у ҳолда Ҳорунарашид Жаъфар Бармакийдан ўч олгандек, сендан ҳам амир ўз амакисининг ўғли учун ўч олиши муқаррардир.»

Ҳасан Саҳл Ҳажжождан бу сўзни эшитиб, унинг берган маслаҳатига офарин ўқиди ва кўп миннатдорчиликлар билдирди. Зайд ибн Мусо ҳақида берган

ҳукмини кечиктиришга қарор қилиб, амирулмўмининга бу ҳақда мактуб йўллади. Уч ой ўтмасдан мактубга жавоб келди. Мактубда Зайдни иззат-икром билан бизнинг ҳузуримизга жўнатиш, дейилган эди. Ҳасан Саҳл Зайдга кўп хизматлар қилиб, уни амирулмўминининг ҳузурига жўнатди.

Ҳасан Саҳл Ҳажжожга қайта-қайта миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг Ҳажжожнинг маслаҳатини олмай туриб ҳеч қандай ишга қўл урмайдиган бўлди.

ХОЛИДНИНГ МАСЛАҲАТИ

Амир Мансур²⁶ Бағдодни бино қилиб, Ислон шаҳари деб ном бергач, Қайхисравдан қолган кўшкни буздирришга аҳд қилди. Бу ҳақда бир неча аъёнлар билан маслаҳатлашди. Ҳамма,— яхши бўлади,— деб маслаҳат берди.

Аммо Холид Бармакий бу ишни маъқул кўрмади ва: «Бу тадбир жонз эмас. Зероки, кўшкни қуриш учун қанча маблағ сарфланган бўлса, уни бузиш учун ҳам шунча маблағ керак бўлади», деди.

Мансур бошқалардан сўради: «Хўш, Холид Бармакийнинг фикрига сизлар нима дейсизлар?»

Мавриёнлик Қосид Холид Бармакийнинг душмани эди. Уридан туриб: «Е амир, Холид Бармакийнинг сўзига қараганда, унинг Қайхисравга эътиқоди ҳанузгача кучли кўринади», деди.

Мансур мавриёнлик Қосиднинг сўзига амал қилиб, Қайхисрав айвонини бузишга буйруқ берди. Қасрни бузиш учун кўплаб ишчи кучи талаб қилинди ва минг-минглаб дирам ортиқча маблағ сарфланди. Бироқ шунча сарф-харажатлар эвазига икки газдан ортиқ буза олмадилар.

«Агар икки газ ерни бузиш учун шунча маблағ сарфланган бўлса, қасрнинг ҳаммасини бузиш учун бутун хазина ҳам етмас экан-да», деб ўйлади амир.

Шундан сўнг Мансур Холидни ўз ҳузурига чақириб иззат-эҳтиром кўрсатиб: «Энди билдим, сенинг маслаҳатинг тўғри экан», деди. «Э амир, қасрни бузишга киришмасдан аввалроқ бу ишдан қўлингни тортганинда яхшироқ бўларди. Ҳаммоки бузишга киришдингми, бутун хазинангни сарфласанг ҳам батамом бузиб тамомлашинг шартдир. Зеро, амирнинг душманлари унинг номини жаҳонга бадном қилиб кўрсатмасинлар», деди Холид.

Мансур бу сўзни эшитиб Холиддан қаттиқ ранжиди. Шундан сўнг ҳеч бир соҳада Холид билан маслаҳатлашмади ва унинг маслаҳати билан ҳеч бир ишга қўл урмади.

ИСКАНДАР ВА ЧИН ШОҲИ

Искандар жаҳонни забт қилмоқ қасдида Чин мамлакатига кириб борди ва шоҳнинг саройи рўбарўсида ўз лашкаргоҳини қурди. Бир куни Искандарнинг хос ҳожиби Чин шоҳининг элчиси эшик орқасида кутиб тургани ва киришга рухсат сўраётгани ҳақида хабар қилди. Искандар элчини олиб киришларини буюрди. Элчи Искандар ҳузурига киргач, унга таъзим қилди ва тик тураверди. «Нима гапинг бор?» сўради Искандар. «Чин шоҳи менга, Искандарга ниманики гапирсанг хилватда гапир, унинг олдида ҳеч ким бўлмасин, деб буюрган», деди элчи. Искандар ҳамманинг чиқиб кетишини буюрди. Ҳамма чиқиб кетди. Фақат Искандарнинг хос қулларидан иккитаси қолдилар, холос. «Маҳрамлар олдида Искандарга айтадиган сўзим йўқ», деди элчи.

Искандар элчини тинтиб кўришни буюрди. Шундан сўнг маҳрамларига уни холи қолдиришни буюрди ва элчига қараб: «Чин шоҳининг йўллаган хабари нимадир?» деди. «Чин шоҳи мен эрурман. Сенинг ҳузурингга келдим, токи қандай фармон берсанг барчасини қабул қилгайман», деди элчи.

Искандар таажжубда деди:

— Нимага ишониб бунчалик журъат қилдинг?

— Билгинки, мен сени одил ва оқил подшоҳ деб билар эдим. Қадимдан то ҳозиргача ўртамизда ҳеч қандай кин ва адоват йўқ эди. Мен сенга ҳеч қачон қасд қилганим йўқ. Шунингдек, бу ерга лашкаргоҳ қуриб, сенинг ҳам ниятинг бу мамлакатни озод қилиш эмас. Мабодо сен мени ўлдирганинг билан менинг ўрнимга бошқасини ўтқазадилар ва одам ўлдиришда бадном бўласан.

Искандар Чин шоҳининг оқиллигига таҳсинлар ўқиди ва: «Мамлакатингнинг уч йиллик хирожини хоҳлайман», деди. Чин подшоҳи розилик билдирди.

Искандар Чин шоҳининг дарҳол рози бўлганини кўриб: «Бу хирожини тўлаб, адо қилганингдан сўнг аҳволнинг нечук кечгай», деб сўради.

— Шундай бўладики, ким мамлакатимга ҳужум қилса, албатта ҳалок қилади.

— Агар икки йиллик хирожингга қаноат қилсам-чи?

— У ҳолда, аввалги аҳволдан бир оз яхшироқ бўлади.

— Агар бир йиллик хирожингга қаноат қилсам-чи?

— У ҳолда мамлакатимга ҳалал етмайди. Агарчи бу мол билан хазинам бўшаб қолса-да, аммо хушбахтлигим йўқолмайди.

— Мен ярим йиллик хирожингга розидурман.

Чин шоҳи шукур қилди ва: «Фалон кунни дийдор кўришсак, ўз арқони давлатингиз билан бизнинг дастурхонимизга марҳамат қилиб, тановулдан кейин хирожин олиб, сўнгра қайтсангиз», деди.

Тайинланган кунни Искандар ўз арқони давлати ва аскарлари билан бирга Чин шоҳи ҳузурига жўнади. Қарши томондан Чин шоҳининг беҳисоб аскарлари кела бошлади. Оз фурсат ўтмай Чин аскарлари Искандар қўшинини ҳам ўраб олди. Чин шоҳининг аскарлари олдида Искандарники гўё дарёдан томчидек эди. Бу аҳ-

волин кўрган Искандар ваҳимага тушиб, жанг тараддудига тушди. Шу пайт Чин шоҳи етиб келиб Искандарга таъзим қилди. Искандар Чин шоҳига қараб: «Макр-ҳийла қилдингми?» деди.

— Кучли подшоҳлар макр-ҳийла қилмайдилар. Маккорлик ожизлар ишидир.

— У ҳолда ҳисобсиз аскарини йиғишнинг боиси нима?

— Бу ҳали ҳамма аскарим эмас, фақат ўрта (қалб) қисми холос. Маймана ва майсара қисмлари етиб келишмади. Мен ожизлигим туфайли сенга итбат қилаётганим йўқ. Сенга шунинг учун ўз аскарларимни кўрсатмоқдаман. Бироқ, шунга аминманки, сенга осмон давлати ёрдир. Кимки сен билан беллашса, у албатта йиқилажagini сездим. Шунинг учун ҳам сенга фармонбардор бўлдим.

— Сен иззат-эҳтиром ва эҳсонларга сазовор кишинсан. Мен сендан олмоқчи бўлган молларнинг баҳридан кечдим,— деди Искандар.

Шундан сўнг Чин шоҳи Искандарни қароргоҳга бошлади. Кенг сайҳон ерга гиламлар тўшалган, бутун аскарга етиб ортгудек ноз-неъматлар дастурхонга қўйилган. Майдоннинг юқори қисмига лаълдан гул солинган, атласдан чодир қурилган. Чодир қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан безатилган эди. Заррин дастурхонлар устига қўйилган олтин косалар марварид ва жавоҳирлар билан тўлғазилган эдики, уларнинг қийматини баҳолаш амри маҳол эди.

Чин шоҳи Искандарни дастурхонга ўтқазиб, тановул қилишни таклиф қилди. Искандар деди:

— Бу жавоҳирлар одамлар учун овқатлик қилмайди.

— Бўлмаса, сен нима ейсан?

— Барча инсон ейдиган нон ейман.

— Во ажаб, Румда нон топиш шунчалик мушкулми? Шунча машаққатлар чекиб бу ерларга келибсан?..

Искандар йиғлади ва: «Менинг бу сафаримдан ҳеч

қандай фойда бўлмаса-да, сенинг бу ҳикматли пандинг барча мақсад ва талабимга жавоб бўлди», деди.

Шундан сўнг Искандар ўз аскарларига орқага қайтишга фармон берди.

ПАРВЕЗ²⁷ ВА БАҲРОМ ҚИССАСИ

Баҳром Чўбин Парвезнинг паҳлавонларидан эди. Парвез уни гоятда улуғлар ва унга эҳтиром назари билан қарарди. Бир кун бир хирадманд киши Парвезга қуйидаги хабарни етказди: «Баҳром Чўбинга тегишли хизматкорлардан бири хиёнат қилган эди. Баҳром Чўбин хизматкорни ушлаб йигирма таёқ уришга фармон берди».

Парвез ринд табиатли шоҳ бўлгани сабабли, бу сўздан нафратланиб, гоятда ранжиди. Эртаси куни Баҳром саройга келгач, Парвез хазиначига хазинадан икки қилич ва бир қин келтиришни буюрди. Икки қилич ва бир қинни келтириб Баҳромга бериб: «Ҳар иккала қилич қанақа экан», деб сўради. «Ниҳоятда яхши қиличлар экан», деб жавоб берди Баҳром. «Буюр! Ҳар иккала қилични бир қинга солсинлар», деди Парвез. «Икки қилич бир қинга сиғмайди», деди Баҳром. «Шундай,— деб давом этди Парвез,— икки ҳукмдор ҳам бир шаҳарга сиғмайди!»

ҲУНАР ҲАҚИДА

«Тарихи мулуки ажам»²⁸да келтирилишича Гуштосп²⁹ ўз шон-шуҳратидан ажралгач, Рум мамлакатининг Қустантания³⁰ шаҳрига борди. Аммо ёнида бирор динор ҳам пули йўқ эди. Тирикчилик заруратидан кўп машаққатлар чекди. Аммо кишилар олдига бориб, қўл чўзиб хайр-эҳсон сўрашга баланд ҳиммати йўл қўймасди. Иттифоқо, ёшлигидаги бир воқеа эсига тушди.

Гуштосп ёшлик чоғида ўз отасининг саройида бир темирчини кўрган эди. У пичоқ, ҳар хил тиглар ва узангилар ясарди. Гуштоспнинг унга ҳаваси келарди. У темирчилар олдига тез-тез келиб турар ва темирчилар саркоридан унча-мунча сабоқ ҳам оларди.

Эҳтимол, Гуштоспнинг толе қисматига ушбу санъат насиб бўлгандир. Аммо начора, бундан бошқа ҳеч бир хислат ва ҳунарни билмасди. У темирчилар олдига борди ва темирчилик ҳунаридан хабардор эканини айтди. Темирчилар уни ўзларига ёрдамчи қилиб олдилар. У ҳар куни ўз тирикчилигига етарли даражада пул ишларди. То ўз ватанига қайтгунича муҳтожликни кўрмади.

Гуштосп Қустантаниядан ўз ватанига қайтгач, подшоҳлик тахтига ўтирди. Шундан сўнг, у барча зодагонларнинг фарзандлари бирор касб-ҳунарни ўрганмоғи мажбурийдир, деб фармон чиқарди. Бинобарин, Ажамда бу расм анъанага айланиб қолди. Гарчи касб-ҳунардан келадиган даромадга эҳтиёжи бўлмаса-да, бироқ касб-ҳунари бўлмаган зодагон йўқ эди.

ЗОЛИМ ВА БАДАХЛОҚЛАР ЗИКРИДА

ЗУЛМ ТЕГИ ҚАШШОҚЛИК

Кунлардан бир кун Қубод³¹ шикорга чиқди. Шикорда кийик орқасидан қувиб, ўз аскарларидан ажралиб узоққа кетиб қолди. Ҳаво исиб кетди. Чарчаган ва ҳолдан тойган подшо узоқда саҳро ўртасида уч чодирни кўрди. Қубод чодир томон юрди. Чодирга етиб отдан тушди. Эски чодир ичидан бир кампир унга пешвоз чиқди. Кампир Қубодни ичкари киритиб ўтқазди. Олдига таом қўйиб меҳмон қилди. Қубод қорнини тўйгазиб бир оз дам олгандан сўнг, унда уйқу ғалаба қилди. Қубод кечга яқин уйғонди. Кун охирлаб, тун яқинлашган эди. Ниҳоят намозшом бўлди. Бир неча сигирлар ўтлоқдан қайтиб ўз қароргоҳларига келдилар.

Кампирнинг ўн икки ёшли қизчаси бор эди. Ниҳоятда гўзал ва фаросатли, билимдон эди. Кампир қизига буюрди: «Э қизим, ўрнингдан тур ва озроқ сут соғиб кел, токи меҳмоннинг олдига қўяй!»

Қиз сигирларни соғиб, кўп сут келтирди. Бу ҳолни кўриб ўтирган Қубод ажабланди ва фикран «бу жамоат бизнинг адл ва соямизда бу саҳрода ватан қуриб ўтирибдилар ва ҳар куни қанчадан-қанча сут соғиб оладилар. Агар ҳар ҳафтада бир кунлик соғилган сутларни султон хазинасига юбориб турсалар, давлатлари камайиб қолмас. Шунингдек, султонлик хазинаси ҳам фойдаланади», деб ўйлади ва ўзича қарор қилди: «Дорул-

мулкка етиб боришим билан бу ҳақда фармон чиқараман».

Тун ўтиб, тонг ота бошлади. Кампир қизини уйғотди ва сигирларни соғиб олишни буюрди. Қиз сигирни соғмоққа киришди ва ногоҳ онасига қараб қичқирди: «Эй она, тезроқ юзингни дуога ўгирки, подшонинг нияти зулм қилмоқ бўлибдур».

«Субҳоноллоҳ,— деди Қубод,— менинг андишамни бу қиз қаёқдан билибдур...» Кампир худога нола ва тазарруъ билан ёлвориб илтижо қила бошлади. Қубод кампирни чақириб сўради: «Подшонинг зулм ихтиёр қилганини қаёқдан билдинг?»

— Ҳар куни эрталаб сигирларимиз кўп сут берарди. Бугун эса сут бермади. Билдимки, подшонинг нияти бузилибди. Шунин билгинки, агар подшо ўз фуқаросига зулм ихтиёр қилса, худованди карим ўша ердан баракани кўтарур. Агар подшо ўз фуқароси фойдасига яхши ният қилса, оллоҳ у ерга беҳад барака инъом қилгай.

— Рост айтадурсан, мен бу ниятимдан қайтдим,— деди Қубод.

Қиз ўридан туриб сигирни қайта соғди ва жуда кўп сут олди.

ЗАРГАР ВА УНИНГ КЕЛИНИ

Ривоят қилибдурларки, Ҳинд шаҳарларидан биринда бир заргар яшар эди. У ниҳоятда давлатманд ва катта сармояга эга эди. Унинг бир ўғли бўлиб, бағоят латиф, хушбичим ва хушхулқ эди. Йигитнинг ниҳоятда гўзал, танноз хотини бор эди. Аммо маккорликда иблис ундан сабоқ оларди.

Кунлардан бир кун заргарнинг уйига иш билан бир йигит келиб, ҳовлида юрган ёш келинчакни кўрди. Йигит унинг ҳусну малоҳатига ва ноз-ишваларига боқиб, лол бўлиб қолди. Келинчакнинг ширинсуханлиги, қиё боқишлари йигит кўксини ўртаган эди. У ишқ-му-

ҳаббат ҳароратига тоб келтира олмай уйига қайтди. Йигит оромини йўқотди, кечалари ухламай тўлғанарди. Қизга етишмоқ йўлини қидирарди. Ниҳоят, йигит бир кампирнинг олдига борди ва ўз дардини баён қилди. Кампир оламдаги барча қабоҳат ишлари ва қўшмачилиги билан машҳур эди. Йигит кампирдан ўз дардига даво сўради ва унга ҳадялар берди.

Кампир йўлга тушди. У заргарнинг уйига келиб қиз билан кўришди ва бирга ўтириб суҳбатлаша бошлади. Кампир қизга ҳар-хил воқеалардан гапираркан, охирида ошиқ йигит ҳақида сўз юритди. Ниҳоят, мақсадга кўчиб, ошиқ йигитнинг талабини айтди. Қиз ўзини жаҳли чиққан қилиб кўрсатди ва хизматкорларига буюрди: «Бу кампирни уриглар ва юзининг ярмига қоракуя суртинглар!»

Хизматкорлар кампирни уриб, юзининг ярмига қоракуя суркаб жўнатдилар. Кампир ноилож уйга қайтиб келди ва воқеани йигитга баён қилди. Йигит оҳ-нолалар билан беқарорлик қиларди. Йигит тўсатдан оҳ-нолани тўхтатиб кампирнинг юзига қаради ва: «Агар қизнинг мақсади сени ҳақоратлаш бўлса эди, юзингни батамом қора қилиб ҳайдарди. Йўқ... Бу ерда бошқа ишоратлар борга ўхшайди. Фикримча, қиз менга ваъда ишорасини берган. Яъни, бундай ойдин кечаларда матлабинг муяссар бўлмайди. Ой шом еган қоронғи кечаларда омбор орқали боққа кирсанг, ўша ерда мен билан учрашурсан, дегани бўлади», деди ва кампирга ижозат бериб, қоронғи тушарини кута бошлади.

Ниҳоят, ойдин кечалар тугаб, қоронғи кечалар бошланди. Йигит омбор орқали қизнинг боғига кириб, уни кута бошлади. Келинчак уйғоқ ётарди. Йигитнинг келганини сезгач, у эрининг қўйнидан оҳиста туриб, боғ томон юра бошлади. Бу пайт келинчакнинг қайнотаси заргар уйғоқ эди. Келинини ўғлининг қўйнидан чиқиб, боғ томон кетганини кўрди. Заргар ҳайрон бўлди. Ярим кечада ёш нарса боғда нима қилар экан, деган андиша

билан секин ўрнидан туриб, келинини таъқиб қила бошлади. Келин боққа кириб ошиғи билан топишди. Ошиқ йигит келинчакнинг мушк-анбар ҳидли сочларини ўз бўйнига солиб, уни қучоғига олди. Бири гапирди, иккинчиси тинглади, бири хоҳлади, иккинчиси маъқуллади. Ниҳоят, ётиб ухлашди.

Шу пайт заргар оҳиста-оҳиста юриб уларнинг бошига борди. Кўрдики, ҳар иккаласи ҳам ухлабди. Заргар ўзича: «Агар буларни жаҳл устида уйғотсам, йигит менга захм етказиши муқаррардур», деб ўйлади ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан келинининг оёғидаги тақинчоқни ечиб олиб, ўз ўрнига бориб ётди. Келин уйғониб кўрдики оёғидаги ҳалқани қайнотаси олиб кетибди. Келинни бадномликда айблаш учун ҳалқа етарли восита эди. Келин тезда ошиқни уйғотиб, ундан узр сўради ҳамда уни кузатгач, эрининг олдига кирди. Минг хил такаллуфлар билан эрини уйғотиб, деди:

— Баҳор фаслида уйнинг ҳавоси яхши бўлмайди. Баҳор шабадаси ҳар хил муаттар ҳидларни киши димоғига келтиради; кишида ажиб хуш табиатликни уйғотди. Тур, боққа кириб роҳатланиб ухлайлик ва баҳор айёмидан баҳраманд бўлайлик.

Эр ўрнидан турди ва хотини кетидан боққа кирди. Келин эрини ошиғи билан ётган жойга олиб борди, ётқизди ва ўзи ҳам ётди. Эрталаб уйғонишди. Келин эрига шикоятланди: «Кўрдингми, сенинг отанг мен ҳақимда бадгумон бўлиб, кечаси келиб оёғимдаги ҳалқани ечиб олиб кетди ва мен унга ҳурмат юзасидан индамадим, безовта қилмай деб сени ҳам уйғотмадим». Эр хотинининг макрига учди. Заргар ўғли олдига келиб, келинининг нобакор ва маккорлигидан шикоят қилди ва кўрганларини ҳикоя қилди. Уғил отасига деди:

— Эй ота, гумонингни қўй, менинг хотиним бундай гуноҳлардан пок, ҳеч қандай жинойт қилгани йўқ. Боғда бирга ётган мен эдим. Сен яхшилаб қарамагансан. Аксинча, устимизга келиб томоша қилишдан уялмабсан.

Уғли ҳарчанд гапирса ҳам, аммо заргар ўз сўзидан қайтмади. Ва такрор-такрор гапирарди. Уғлининг жаҳли чиқса-да, бироқ отанинг ҳурматини сақларди. Ниҳоят келинга қасам бермоққа қарор қилдилар.

Бу даврда ҳинд ҳукамолари тилсим яратган эдилар. Тилсим катта ҳовуздан иборат эди. Масалан, икки киши бир-бирига хусумат қилиб қозига борса, қози ҳар иккисини ҳовуз лабига ўтқазиб қасам берар ва ҳовузга туширар эди. Ҳовузга тушган кишининг гуноҳи бўлмаса, у кишини сув ҳовуздан чиқариб ташларди. Агар гуноҳкор бўлса, ғарқ бўларди.

Келинчак ўзига ҳам шундай қасам бериб, ҳовузга туширишларини билди. Тезликда бир кишини топиб ошиғига мактуб юборди... Мактубда: «Менинг ҳаётим биргина сенинг ҳаракатингга боғлиқ бўлиб қолди. Агар мени қутқаришни ўйласанг, ўзингни жинниликка сол, бошингга тупроқ сочиб, кийимларингни йиртиб, ҳовуз олдига бориб ўтир. Мени олиб келиб ҳовуз олдига ўтқазилари ҳамано, ўрнингдан туриб келиб мени қучоқла ва юзларимдан ўпгил», дейилган эди.

Йигит келинчакнинг кўрсатмасига мувофиқ ҳаракат қилди. Ҳовуз олдида уни қучоқлаб, юзларидан ўпди ва ниҳоят келинчакнинг юзига тарсаки билан ура бошлади. Йиғилган жамоат келинчакни девона қўлидан ажратиб олдилар ва қозининг ҳузурига олиб бордилар. Қози келинчакка қасам ичишни буюрди. Келинчак қозига қараб: «Агар эримдан ва мана бу девона йигитдан бошқа киши менга яқинлашган бўлса, ажаб эмаски ҳовузга ғарқ бўлсам. Чунки бу девона йигит бугун менга яқинлашиб кўп азият берди», деди ва сувга тушди.

Келинчак сувдан саломат чиқди ва жамоат унга тасанно ўқидилар. Заргарни маломат қилдилар. Заргар ғам-ғуссадан эзилиб, беқарорлик ва уйқусизлик касалига мубтало бўлди. Ўйлашнинг зўридан кечалари мижжа қоқмай тонг оттирарди. Ниҳоят, заргарнинг кечалари

ухлолмаслик хабари шаҳар подшоҳининг қулоғига етди. Подшоҳ заргарни чақиртирди:

— Эшитишимга қараганда, сен кечалари ухламас эмишсан, ростми? «Рост, ухлолмайман», жавоб берди заргар. Подшоҳ унга: «Мени кўриқлашни, ҳарамимни ва хазинамни кўриқлашни сенга топширишни хоҳлайман, зеро посбонликка сендан тузукроқ киши топилмаса керак», деди.

Заргар қабул қилди ва ўша кечасиёқ посбонликда қолди. Ниҳоят, ярим кечада, шоҳнинг филбони филхонадан бир филни етаклаб чиқди. Филбон у ёқ-бу ёққа қараб, қаср тағига келиб турди. Бир оздан сўнг, подшоҳнинг хотини подшоҳ қўйнидан чиқиб қаср томида пайдо бўлди. Малика томининг лабига келиб ўтирди. Фил хартумини чўзиб, маликани ўз хартумига ўтқазиб олиб, ерга қўйди. Филбон билан малика бир неча вақт бирга бўлдилар. Улар бир-бирларининг висолларидан баҳраманд бўлишгач, фил яна маликани ўз хартумига ўтқазиб, қаср томига чиқариб қўйди. Филбон филни етаклаб филхонага кириб кетди.

Заргар бу аҳволни кўриб, ўзига-ўзи деди: «Менинг ғам ейишим бефойда экан. Модомики, подшоҳларнинг хотини шундай фаҳш йўлга кирган экан, менинг келиним ўғлимни тўшагини булғаса ажабланарли ҳол эмас».

Шундан сўнг заргар ётиб, пешингача ухлади. Эртаси шоҳ заргардан аҳвол сўради. Заргар тундаги воқеани баён қилди. Шоҳ маликани ва филбонни жазолади ва заргарни ўзининг энг яқин надимларидан бирига айлантирди.

ХОЖА БИЛАН ХИЗМАТКОР

Бир бахил ва хасис киши бор эди. Унинг бир хизматкори бўлиб, ўзидан минг даража бахилроқ ва хасисроқ эди. У хожасининг нима дейишини имо-ишоралариданоқ

билиб оларди. Зероки, хожасининг барча кирдикорларидан воқиф эди.

Кунлардан бир кун хожа хизматкорга деди: «Нон келтир ва эшикни занжирлаб қўй!»

Хизматкор бу сўзни эшитиб ҳайрон бўлди ва хожасига деди:

— Э хожа, сенга нима бўлди?.. Бугун сенинг тилинг хатога йўл қўйди. Зеро, сен ҳар вақт, «эшикни занжирлаб сўнг нон олиб кел», дердинг. Бу сўзинг ақлдан эрди...

Хизматкорнинг бу сўзи хожага маъқул тушди ва тасанно ўқиди.

АХНАФ ҚАЙС³² ВА МУОВИЯ³³

Ривоят қилишларича кунлардан бир кун Аҳнаф Қайс халифа Муовиянинг олдига кирди. Муовиянинг ёнида ўтирган кишилар халифа Али³⁴ ҳақида риёкорона бўхтон сўзларни айтардилар. (Арабларда халифалик навбати Усмондан³⁵ сўнг Алига етганда, умавийлар³⁶ сулоласидан Муовия ҳам халифаликни даъво қилган. Натижада Али билан Муовия ўртасида кўп йиллар қонли урушлар давом этган). Бироқ Аҳнаф Қайс ҳеч сўзламас ва хомуш ўтирарди. Муовия сўради: «Нечун хомуш ўтирибсан, сўзламайсан?»

— Нима дейишим мумкин, агар рост сўзласам сендан қўрқсам, ёлғон сўзласам худодан қўрқсам. Бас, шундай экан, сукут сақламоқдан яхши чора йўқдир, — деб жавоб берди Аҳнаф Қайс.

МЕҲМОН ВА МЕЗБОН

Куфалик бир кишининг уйига меҳмон келди. Уй соҳиби канизагини чақириб унга буюрди: «Меҳмонга ширинликлар келтир!» Канизак, асал тамом бўлган эди, деди. Мезбон канизакка қараб: «Андоқ бўлса, меҳмонга ипакли кўрпалардан солиб, ўрин ёзиб бер, токи ётиб ухласин».

Меҳмон оч эди, мезбонга қараб деди: «Ахир, ипак кўрпада ётишдан аввал бир парчагина пишлоқ берсангчи...» Мезбон деди: «Кечки таом ҳар хил касалликларга сабабчи бўлади. Мен офат келишини ва балога қолишни истамайман».

Бечора меҳмон ўша кечаси оч ётди ва эрталаб туриб, мезбонга лаънатлар ўқиб жўнаб кетди.

ҚУШНИЛАР ХУСУМАТИ

Куфалик бир киши ўз қўшнисига хусумат қиларди. Ундан хусуматнинг сабабини сўрадилар. У киши шундай жавоб берди: «Кунлардан бир кун менинг уйимга меҳмон келди. Унинг ҳурмати учун атайлаб бозорга бордим ва ёнимдан пул тўлаб, қўйнинг калласини сотиб олиб келдим. Қалла гўштини егач, меҳмон жўнаб кетди. Мен калла суякларини йиғиштириб кўча эшикка ташладим, токи душманларим кўриб, куйиб ўлсин!..

Аммо эртаси қай кўз билан кўрайинки, қўшним менинг эшигим остидаги суякларни йиғиштириб олиб, ўзининг эшигининг остига ташлабди. Қўшнимнинг кирдикори менга аён бўлди. Зотан, менинг пулимга келган ва менинг уйимда ейилган калланинг суякларини йиғиштириб олиб, ўз эшигига қўйишдан мақсади, одамлар кўзига гўё калла гўшти меникида эмас, ўзиникида ейилган қилиб кўрсатмоқчи ва одамлар орасида обрў қозонмоқчи бўлади. Агар қўшним мени ҳақимда хиёнат қилишни тўхтатса, мен ҳам хусумат қилмайман».

ҲАЖЖОЖ ВА АСИРЛАР

Ривоят қиладиларки, Ҳажжож урушда асир тушган бир гуруҳ кишиларни ўлимга ҳукм қилган эди. Асирлардан бир нечаси қиличдан ўтказилди. Навбатдаги асирни келтириб кундага бошини қўяётганларида, асир Ҳажжожга деди:

— Е амир, сен мени ўлимга буюрмаслигинг лозим, зероки, менинг сенда ҳақим бор!

— Сени менда қандай ҳақинг бор?

— Фалончи кўпчилик ичида сени ҳақорат қилган эди, аммо мен уни бу ишдан қайтарган эдим.

— Сўзингинг ростлигига гувоҳинг борми?

— Бор,— деди асир ва асирлар ичидан бир кишини кўрсатиб,— мана бу киши ўша ерда ҳозир эди.

Ҳажжож у кишини чақириб сўради: «Сен қандай гувоҳлик берасан?»

— Бу киши рост айтадур, мен ўша ерда эдим.

— Хўп, сен ҳам ўша ерда экансан, нима учун сен ҳам мени тарафимни олмадинг?

— Мен сени душман деб билардим.

Ҳажжож ҳар икки асирни, бирини ўзида ҳақи борлиги сабабли ва иккинчисини ростгўйлиги ва сидқидиллиги учун озод қилди. Чунончи, бузруклар дебдурларким: «Агар ёлғон кишиларни балолардан қутқарса, рост сўзламоқлик, аввало мушкул аҳволда қолганларга нажот беради».

БАХИЛЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН

Куфа шаҳрида бир бахил киши бор эди. Хасисликда тенги йўқ ва бахилликда овозаси оламга тарқалган эди. Бир кун унинг олдига одамлар келиб, шундай дедилар: «Басра шаҳрида давлатманд ва катта сармоядор бир одам бор. Аммо бахиллик ва хасисликда сендан минг чандон ортиқроқдир».

Куфалик бахилнинг басралик бахилга ҳасади келди ва бориб кўришга аҳд қилди. Унинг олдига боришдан мақсади, бахиллик ва хасислик илмини янада кўпроқ ўрганиб қайтиш эди. Ниҳоят, Басрага бориб, бахилни топди ва унга ўзини танитди: «Сенинг олдингга келиш-

дан мақсадим, сендан фойдали сабоқ олмоқдур», деди.

Басралик бахил куфалик бахилнинг қилмишидан ачинди ва унга илтифот кўрсатиб: «Мени уйимни ўз уйингдек фараз қила бер, энди бир оз сабр қиласан, токи сени меҳмон қилиш учун бозорга бориб, зиёфат тадоригини қилайин ва гуногун таомлар келтирайин», деб бозорга кетди.

Бахил новвойхонага кириб, новвойдан сўради:

— Яхши пишган нонинг борми?

— Бугун яхши нон ёпганман, худди сариёғдек мазалик...

Бахил, нондан кўра сариёғ мазалироқдур,— деб баққол дўкони томон юрди. Баққол дўконига бориб, баққолдан сўради:

— Яхши сариёғинг борми?

— Бугун ажойиб сариёғ сотиб олганман, чунончи, зайтун ёғидан минг марта яхшироқдур.

Бахил, аслида зайтун ёғи сариёғдан яхшироқдир, деб бошқа баққолнинг дўконига бориб, ундан: «Сенда зайтун ёғи борми?» деб сўради.

— Зайтун ёғи олиб келганман, аммо ундан кўра сув минг марта тиниқ ва тозароқдир...

— Жуда тўғри гапирдинг, мен исрофгарчиликка йўл қўя олмайман. Зероки, уйимда бир эмас, икки хум тўла сувим бор,— деб баққол уйига қуруқ қайтиб келди. Куфалик бахил таом емак умидида интизорлик билан кутарди. Шу пайт басралик бахил бозордан келиб куфалик бахилга қараб: «Шу дейман... биродар, бозорда таомларни жуда сифатсиз тайёрлайдилар-да, уйдагига нима етсин... Уйимда-ку бор, аммо у ҳам бўлса — сув», деди.

Бу сўзни эшитган куфалик бахил ўрнидан тураркан: «Инсоф билан айтганда, бу борада сенга тенг келадиган киши ҳали туғилмаган бўлса керак. Оламнинг барча бахилларига сардор бўлсанг арзийди», деб хайрлашиб жўнаб кетди.

Марв шаҳрида бир бадавлат ва катта сармойдор киши бор эди. Унинг номини Абу Саомат деб атардилар. Унга бундай ном берилишининг сабаби, унинг мол-мулки, нақдина олтин ва зари ҳамда далада йилқилари ниҳоятда кўплигидан эди. Бу кишининг бадахлоқ ва бадсурат, кўрмисиз бир ўғли бор эди. Абу Саомат доим ўғлига бахиллик ва мол-мулкни авайлаб сақлаш, исроф қилмасликни васият қиларди. Шунингдек, бу борада амалий йўл-йўриқлар ҳам кўрсатиб: «Мол-мулкни авайлаб сақлашнинг йўлларида бири шуки, ҳеч қачон эшининг ёнидан дўкон очмагин, токи ортиқча фисқу-фасодлар вужудга келмагай», дерди.

Ниҳоят, Абу Саомат бу дунёдан у дунёга равона бўлди. Унинг ўғли барча мол-мулкларни ўз тасарруфига киритди. Отаси ҳаётлигида амалга ошмаган орзуларидан бири чиройли канизакка эга бўлиш эди. Аммо то алҳол орзусига мушарраф бўлолмасди. Ниҳоят, отаси вафотидан сўнг ой юзли, гўзал бир канизакни сотиб олиб, унга келди. Ўз ҳовлисининг эшиги ёнига дўкон қурди. Савдо, муомала юзасидан гоҳо-гоҳо дўконда ўтирарди. Канизак йигитнинг уйига келгач, унинг бадахлоқ, бадбашара ҳамда ўтакетган бахил ва хасислигини билди. Йигитнинг бемаъни ахлоқи, сандиқ тўла олтин-зару ейишга овқати йўқлиги, бунинг устига кун бўйи ёлғиз ўтиравериш жонига тегди. Канизак кун бўйи эшикка термулиб, бирор ғамгусор келишини интизорлик билан кутарди.

Бир кун унинг хожаси қишлоққа кетган эди. Канизак хожасининг йўлига кўз тикиб, эшик олдида бориб, дўконга қаради. Дўкон олдида бир хушбичим, чиройли йигит ўтирарди. Канизак йигитнинг ҳусн-жамолига ва қадду-қоматига ошифта бўлди. Канизак тараддудлар қилиб, йигитнинг нигоҳини ўзига қаратди. Нозу карашмалар билан йигитнинг кўнгил қушини ўз зулфининг домига банд қилди.

Йигит оҳиста ўрнидан туриб, канизак олдига келди. Канизак йигитга беҳад илтифотлар кўрсатиб, деди: «Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Уйимга қадам ранжида қилсанг, маишат асбобини муҳайё қилгайман. Сен билан бирга дилдорлик қилсак бошим осмонга етарди. Бугун менинг ношуд хожам қишлоққа кетган. Кечгача келмайди. Агар висолимдан умидвор бўлсанг, уйимга қадам ранжида қил! Қадамингга жавоҳирлар сочгумдир».

Йигит уйга кирди. Канизак маишат асбобини муҳайё қилиб айш-ишратга машғул бўлдилар. Бир-бирларидан комрон ва комёб бўлдилар. Канизак ўз хожасининг хасис ва зиқналиги, бадахлоқ ва бадбашаралиги ҳамда ибосизлиги ҳақида йигитга ҳикоя қиларкан, такрор-такрор хожасидан шикоят қиларди. Йигит деди: «Мен бир ғариб кишиман. Менинг аслим Гургон шаҳридан. Ўз шаҳримда ўзимга етарли мол-мулким бор. Аммо, бу ерга жаҳл устида аразлаб келганман. Агар бу ерда мол-мулким бўлганда эди, ҳар қандай баҳога бўлса ҳам сени сотиб олардим ва сен билан тинч-тоғув яшардик. Начора, қўлим қисқа», деб афсус ва надоматлар қилди. Йигит яна сўзга кириб: «Агар мени ўзингга мувофиқ кўрсанг, ўрнингдан тур, зеро бугун кечаси карвон жўнайди. Токи сени ўз шаҳримга олиб кетай», деди.

Йигит билан канизак аҳду паймонни бир жойга қўйиб, йўлга ҳозирлик кўрдилар. Канизак ичкари уйга кириб, хожасининг барча олтин-зарларини ва қимматбаҳо молларини йиғиштириб чиқди ҳамда йигит билан бирга ҳовлининг эшигини очиб ҳолда ташлаб кетдилар.

Иттифоқо, хожа ўша кун қишлоқдан қайтмади. Кеч кирди. Гадо эшик олдида келиб хайр-садақа сўради. Гадо ҳарчанд овозини баланд қилиб қичқирмасин, ичкаридан ҳеч қандай овоз чиқмади. Ниҳоят, гадо ҳовли ичига кирди, ҳеч кимни учратмади. Ясатилган уйларга кирди, аммо ҳеч қандай назоратчини кўрмади. Уй ичидаги бисотларнинг ранг-баранглигидан гадо ҳайрат бармоғини тишлади ва тезкорлик билан ишга киришди.

Ниҳоят гадо ярим тунгача уйни шипшийдам қилиб кетди.

Эртаси куни хожа қишлоқдан қайтиб келди ва уйга кириб, худди ўз қалби хайр-эҳсон ва мурувватдан қандай холи бўлса, уй ҳам барча бисот, мол-мулкдан шундай холи бўлганини кўрди. Хожа ўзига ўзи: «Бу балоларнинг ҳаммаси ўзимнинг бахиллигим, хасислигим ва отам сўзини қулоққа олмаганимдандир», деб афсусланди.

РАШКЧИ ЭР

Ниҳоятда зикна ва рашкчи бир киши бор эди. У уйланмоқ фикрига тушди. Шундан сўнг ҳовли ва уйнинг атрофларини баланд деворлар билан ўради. Токи бирор номаҳрамнинг кўзи бу ҳовлига тушмасин, шунингдек, хотини ҳовлидан чиқолмасин ва атрофга мўраламасин деб барча тешик-туйнукларни беркитди.

Тўй бўлиб, хотин келгач, эрининг феъл-атворига чидаб, бир неча кун яшади. Ниҳоят хотин зерика бошлади. Эри эса уйга қўши-қўшниларнинг ҳам киришига қаршилик кўрсатарди. Кунлардан бир кун хотин эрига деди:

— Нима учун мендан бунчалик хавфсирайсан ва қамоқдаги маҳбусдек муомала қиласан? Агар хотин киши бадкирдор ва бадбахт бўлмаса, у ҳеч қачон ўз эридан бошқага рағбат қилмайди. Сен менга ишон ва мени ўз ҳолимга қўй! Менинг иффатим саломат, диёнатим эса ҳар қандай фаҳшиликдан омон сақлайди...

Эр хотинининг сўзларига парво қилмади. Аксинча, эшик-тешикларни янада маҳкамроқ беркитиб қўйди. Хотинидан шубҳаланиш янада авж олди. Хотин эса эри олдида ўз сўзининг тўғрилиги борасида далил келтириш чорасини қидира бошлади.

Хотиннинг қўшниларида бири қари кампир бўлиб, гоҳо-гоҳо келиб, эшик тирқишидан ҳол-аҳвол сўрашиб кетар, ҳар келганда ёш хотиннинг аҳволига ачинар ва ҳамдардлик билдирарди.

Кунлардан бир кун кампир келганда, хотин унинг қўлига бир хат тутқазди ва қўшни йигитга беришни илтимос қилди. Хатда шундай дейилган эди: «Эй йигит, мен сенинг ишқингда кўпдан буён ёнаман. Ишқ савдоси мени девона қилди».

Кампир хатни қўшни йигитга етказди. Йигит хотиннинг ҳусн-жамоли ва васфини эшитиб юрган эди. Бинобарин, йигит ниҳоятда севинди ва хотиннинг эшиги олдига келиб:

— Сенинг ойдек юзингга, санобардек қадду-қоматингга жоним фидо бўлсин. Мен сенинг хизматингга тайёрман. Аммо эринг кўп гаюр ва рашкчи, беҳиммат одамдур. Алҳол, бизнинг бир-биримизга етишмоғимиз ниҳоятда мушкулдур,— деди.

— Агар мақсадинг менга етишмоқ бўлса, у ҳолда чораси топилади.

— Қандай қилиб?

— Сен бугундан бошлаб сафарга жўнашинг ҳақида овоза тарқатасаң. Бир катта сандиқни тайёрлаб қўясан. Эртага кечқурун эримнинг олдига келиб, «мен сафарга кетяпман. Мол-мулкимни бир катта сандиққа солиб қулфлаб қўйдим. Аммо сандиқни кимга топшириб кетсам экан, деб кўп ўйладим. Замон нотинч, ҳар кимга ҳам ишониб бўлмайди. Бинобарин ушбу сандиқни то мен сафардан қайтгунимча уйингизда сақласангиз. Сафардан саломат қайтсам, албатта қайтариб оламан», деб илтимос қил. Эрим бунга албатта рози бўлади. Сен эрим билан хайрлашиб, «сандиқни эртага хизматкорим олиб келиб беради», дейсан. Эртасига ўзинг сандиққа тушиб оласан-да, хизматкорингга кўтартириб, бу ерга келасан. Ана шундан сўнг, эрим уйда бўлмаган вақтларда сандиқдан чиқиб менинг висолимдан баҳраманд бўласан.

Йигитга бу тадбир маъқул тушди. Йигит завқ-шавқнинг ҳарорати билан ишнинг оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмади ва ишга киришди. Уша кундан бошлаб, «фалончи сафарга жўнармиш», деган овоза тарқалди. Йигит кеч-

қурун келиб хотиннинг эри билан хайрлашди ва сандиқни келтириб қўйиш учун ундан ижозат олди.

Шундан сўнг йигит сандиқ ичига кириб ўтирди. Хизматкор сандиқни қулфлаб, ҳаммолга кўтартириб хотиннинг уйига олиб келди. Ваъдага мувофиқ, хотиннинг эри сандиқни жойлаштириш учун жой кўрсатди. Хизматкор билан ҳаммол сандиқни кўрсатилган жойга қўйдилар. Ҳаммол кетди. Хизматкор ҳам кетиш тараддудида эди. Иттифоқо, ичкаридан хотин чиқиб келди ва сандиқни кўриб, ҳайрон бўлди ва эрига савол назари билан қаради. Эр хотинига воқеани тушунтирди.

— Сандиқнинг ичида нима бор экан?— деб сўради хотин.

— Билмайман.

— Бу ишнинг ақлдан узоқдир. Бировларнинг сандиғини омонат сақлаш учун уйингга олиб кирсанг, аммо ичида нима борлигини билмасанг. Мабодо, эртага сандиқ эгаси қайтиб келиб, «сандиқ ичида, зару жавоҳирлар бор эди, топиб берасан», деса нима жавоб қиласан?.. Қозига чақирса, қасам берса, ҳар икки ўртада хусумат вужудга келиб, бадномликни орттирасан. Яхшиси, хизматкорига буюргил, токи сандиқни очсин ва нима борлигини бизга кўрсатсин.

Хотинининг сўзи унга маъқул кўринди ва йигитнинг хизматкорини чақириб, сандиқни очишга буюрди. Хизматкор ўз хожасини сандиқ ичидалигини биларди, шунинг учун сандиқни очишга рағбати йўқ эди. Бироқ очмасликка ҳам иложи йўқ эди. Ниҳоят, сандиқ қулфини очиб қопқоғини кўтарган эди, сандиқ ичидан йигит чиқиб келди. Йигит хижолатдан тили калимага келмасди. Шунингдек, хотиннинг эри ҳам таажжубда ҳайрон эди. Хотин сўзга кирди: «Эй хожа, йигитда ҳеч гуноҳ йўқ. Бу ишларнинг ҳаммасини мен қилдим. Сен мени муҳофаза қилишда ҳаддан ташқари муболаға қилдинг. Агар хотин кишининг кўнглида софлик бўлмаса, минг ҳаракат қилсанг ҳам уни тутиб туриб бўлмайди, деб сенга бир

неча марта айтдим. Сен гапимга ишонмадинг. Мана бугун ўз ихтиёринг билан уйга олиб келиб қўйдинг. Агар мен сандиқни очиб кўришни талаб қилмаганимда... Аммо менинг бундан кўзлаган мақсадим ўз сўзим тўғрилигини исботлаш эди. Энди мени ўз ҳолимга қўй ва бемаъни ҳаракатлардан тийилгин».